Фандан рейтинг назорати бўйича якунловчи қайднома варақаси (ведомость) фан тугаган кундан бир кун муддатда кафедра 2 нусхада тўлдиради ва масъул ходим кафедра мудирига имзолатиб, 1 нусхаси деканатларга топширилади.

Талабанинг фан бўйича баҳолаш турларида тўплаган баллари рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Умумий соат” устунига фанга ажратилган умумий юклама соатлари, “Балл” устунига эса талабанинг мазкур мезоннинг 3.1 бандига мувофиқ 100 баллик тизимдаги ўзлаштириш бали, “Рейтинг” устунига ҳисобланган рейтинг кўрсаткичи қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши “Рейтинг дафтарчаси” да қайд этилмайди.

Деканат ва кафедралар томонидан белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ЖБ, ОБ ҳамда ЯБ турларида кўрсатилган ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичларининг мониторинги олиб борилади. Ўзлаштириш натижалари кафедра томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишда ёритиб борилади ва белгиланган тартибда қайдномаларга киритилади. Рейтинг назорати экранининг ташкил этиши ва унинг белгиланган муддатларда тўлдириш вазифаси кафедра мудир ва факультет декани зиммасига юклатилади .

7.Адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий хужжатлари. 3-18 бетлар.
- 3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий хужжатлари. 18-52 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 4.Ислом Каримов. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999 й.
- 5.Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: «Ўзбекистон» 2009.-56 б
- 6.Каримов И. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т. :Ўзбекистон, 2009.-24 б.
- 7.Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
- 8.Ислом Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т., «Маънавият».2008
- 9.”Президентга мактублар” Т., «Маънавият» 2014й
- 10.Ислом Каримов “ Ўзбек халқига тинчлик ва Омонлик керак “Т., «Ўзбекистон», 2014 й.

2.Асосий адабиётлар:

1. Ибрагимов Х, Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. Т., 2008 йил.
- 2.Ҳошимов К.,Нишонова С. Педагогика тарихи Т., 2005 йил.
3. Мавлонова Р, О.Тўраева О.,Холикбердиев К. Педагогика дарслик. Т.,2001 йил.
4. Тожибоева Д, Юлдашев А, Махсус фанларни ўқитиш методикаси (дарслик)лотин Т.,2009 йил.
5. Омонов Х.Т, Хўжаев Н.Х, Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.,2009 йил.

3.Қўшимча адабиётлар:

- 1.Холиқов.А, Педагогик маҳорат,Т.,2011йил.
- 2.Мунавваров А.Қ. Педагогика. Т., 1996 й.
3. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуродова Қ., Педагогика маърузалар матни. Т., 2000 й.
4. Б.Зиёмуҳаммедов,Педагогик маҳорат асослари ,Т.2009йил
- 5.Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004.– 123 б.
- 6.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.– 234
- 7.Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003.– 344 б.
- 8.Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. – Т., 2003.– 216 б.
9. Очилова Г. Педагогика. Т.: 2005
- 10.Проф. М.Х.Тохтаходжаева Педагогика.– Т.,2010.

3..Интернет сайтлари

- 1.www.ziyonet.uz
2. www.tdpu.uz
3. www.pedagog.uz

МУНДАРИЖА

1. Сўз боши	3
2. Фаннинг мазмуни	5
3. Фанининг амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари	9
4. Фанини ўқитишда компьютер ва ахборот технологиялар.....	10
5. Якуний назорат саволлари	17
6. Баҳолаш мезони.....	21
7. Адабиётлар рўйхати	23

I. Маърузалар таълим технологияси
I.1. “Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги
босқичида касб педагогикаси” мавзусидаги кириш маърузасининг
технологик модели

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 28 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли кириш маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Ўқув курси ва машғулот мавзусига кириш. 2. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 5. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 6. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда касбий педагогика фанининг ўзига хосликлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: 1) касбий педагогика фаннинг тузилишини шарҳлаш; 2) касбий педагогика фани миқёсидаги методик ва ташкилий ишларнинг хусусиятлари, муддати ва баҳолаш мезонлари билан таништириш; 3) касбий педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш; 4) касбий педагогика фанининг асосий категорияларини ажратиб кўрсатиш; 5) касбий педагогика фанининг методологик асосларини очиб бериш; 6) касбий педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини баён этиш;	Ўқув фаолияти натижалари: 1) касбий педагогика фанига ажратилган умумий соатлар, уларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари вақтда тақсимланиши, фаннинг модул-блоклари ҳақида тушунчага эга бўлинади; 2) касбий педагогика фани бўйича машғулотларнинг бориши, БКМларни назорат қилиш турлари, шакл, метод ва воситалари, назоратларни ўтказиш вақти ва баҳолаш мезонлари ҳақида аниқ тасаввурлар шакллантирилади; 3) касбий педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини билиб оладилар; 4) касбий педагогика фанининг асосий категорияларини ўзлаштирадилар; 5) касбий педагогика фанининг методологик асосларига доир тасаввурлар ҳосил қилинади; 6) касбий педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини таққослайдилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Б–Б–Б” стратегияси
Таълимни ташкил этиш шакл	Маъруза, оммавий
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

“Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касб педагогикаси” мавзусидаги кириш маърузасининг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (20 минут)	<p>1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади.</p> <p>1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди (1-илова).</p> <p>1.3. Фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради(2-илова).</p> <p>1.4. Фан миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради(3-илова).</p> <p>1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>“Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади.</p> <p>Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасавурлар тизимига эга бўлишади</p> <p>Рейтинг қайдномасини тўлдиришади</p>
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	<p>2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади(1-илова).</p> <p>2.2. Мавзу бўйича маъруза матнини таркатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (5-илова).</p> <p>2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.</p>	<p>“Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади.</p> <p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)	<p>3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади (1-илова).</p> <p>3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасавурларини аниқлайди.</p> <p>3.3. Аниқ тасавурлар шаклланмаган</p>	<p>“Б–Б–Б” стратегиясини тугаллашади ва ўз тасавурларини бошқаларники билан таққослайди.</p> <p>Ўз тасавурларини бойитади ва тўлдиради.</p>

Б/Б/Б чизмаси

Б/Б/Б чизмаси – Биладан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривож-лантиради.

Талабалар:

1. Жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз?” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз?” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1- ва 2-бўлимларини тўлдирадилар.

3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

4. Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биладан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касб педагогикаси

Режа:

1. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳоти.
2. Касб педагогикасининг ривожланиш босқичлари.
3. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар; касбларни таҳлил қилиш методлари.
4. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш даражаси

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Касбий педагогика, дидактика, тарбия назарияси, категория, таълим, билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Кадрлар тайёрлаш миллий модели, Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари, ўқитувчи, ўқувчи шахсига қўйилаётган талаблар.

Касб таълим педагогикаси фанининг мақсади. Касбий маҳорат ва лаёқат шахснинг шундай сифатларики, улар бўлажак мутахассиснинг ҳаётий ва меҳнат муваффақиятларини белгилаб беради. Мустақил Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида **касб таълими педагогикаси фанининг асосий вазифаси** сифатида жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, мамлакатимиз иқтисодиётини буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш, ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндошувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва тадбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли бугунги кунда барча фан соҳалари бўйича, жумладан касб таълимига оид дарсликлар, ўқув қўлланма ва тавсияларнинг янги авлодини яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Касб таълим педагогикаси касб-хунар таълими ўқув юртлари ўқувчиларининг таълими, тарбияси, ўқиши ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўрганади, таълим ва тарбия, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мезонларини ишлаб чиқади, касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимини асослайди. У педагогик назариялар тўғрисидаги билимларни, инновацион технологияларни лойиҳалаш услубларини умумлаштиради. **Касб таълим педагогикаси** фани инсонни касбий фаолиятга тайёрлаш, янги авлодни касбий тарбиялаш, малакали ишчи кучини янги талаблар даражасига мослаб боришни кўзда тутади.

Касб таълим педагогикаси жаҳон миқёсида тан олинган энг илгор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг

тадбиқини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда.

Касб таълим педагогикаси умумий педагогика фанининг тармоғи сифатида касбий - техник таълим тизимининг такомиллашиш жараёнида шаклланиб боради. У нисбатан янги фан соҳаси саналиб, бугунги кунда кўплаб тушунчалари шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Ҳар қандай фан соҳасида бўлгани каби касбий таълим педагогикаси ўз категориялари ва тушунчаларига, сифат кўрсаткичларига эгаки, булар фаннинг асосини ташкил қилади.

Касбий таълимига бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Таълим ислохотлари натижасида гимназия, лицей, коллеж ва бошқа турдаги янги ўқув муассасаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши;

2. Олий ўқув юрларида иқтисодий таълимни ташкил қилиш, алоҳида бўлим ва факультетларнинг ташкил этилиши;

3. Иқтисодий таълимнинг бошқа фанлар билан янада жипсроқ боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган, билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши;

4. Иқтисодий таълим муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакллари жорий этиши ва бошқалар.

Касб таълими узок даврлар мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилиб борилди, бироқ ушбу тадбир битирувчиларнинг касбий маҳоратини шаклланиш даражасини пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳоратни ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб бориш ва ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Республикамиз таълим тизимидаги ислохотлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига махсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Касб маҳорати дейилганда битирувчининг юқори даражадаги касбий кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлик даражасида ўз аксини топади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражада мослашувчанлигини ва янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши, фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади.

“Касбий педагогикаси” фанининг асосий тушунчалари, мазмуни касбий таълимнинг турли тизимларида қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

- ўқитувчиларнинг янги ва янада мураккаб тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз касбий маҳоратини ошириши;
- касбий-техник таълимнинг янги концепцияларини амалга ошириш восита ва йўллари яратишга эътиборни қаратиш, фаол-ижодкор шахсни тарбиялаш;
- педагогик билимларни эгаллашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш;
- таълим-тарбиянинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш;
- ривожланиб боровчи янги педагогик жараёнларни лойиҳалаш, таълим оловчиларнинг барча имкониятлари ва қобилиятларини ишга солиши учун шароит яратиш, касбий маҳоратни эгаллаши учун сарфланадиган вақтни қисқартиришга эришишдан иборат.

АСОСИЙ ИХТИСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

БИЛИМ – кишиларнинг назарий маълумотлар мажмуида ифода қилинган ва ишлаб чиқариш топшириқлари (жараёнларни) онгли равишда бажариш учун зарур бўлган, умумлаштрилган тажрибадир. Билимларни ўзлаштириш фактлар, ҳодисалар, тушунча ва қонуниятларни ўзлаштиришни кўзда тутди.

УҚУВ – инсоннинг ўзидаги билимларига асосланган ҳолда, маълум талабларга риоя қилиб туриб, меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Уқувчилар бирор ишни бажариш учун зарур бўлган ва етарли даражада эпчил ҳаракатларни ўз ичига олади.

КЎНИКМА – онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнат усуллари кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган компоненти – таркибий элементи.

КАСБ – инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, у умумий ва махсус таълим асосида эгаллаб олинадиган билим ва малакаларни талаб этади.

ИХТИСОС – касбдан шу билан фарқ қиладики, у инсонлар орасида меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келган ва шахс томонидан муқаммал эгаллаб олинган тор меҳнат фаолиятидир. Масалан: механик йиғиш ишлари слесари, асбобчи-слесар, токар-универсал, токар-револьверчи каби.

МАЛАКА (квалификация) - кишининг касбий маҳоратни эгаллаш даражасидир. Ишчининг малака кўрсаткичи тоифа ёки унвон билан белгиланади (3-тоифа слесар, II тоифа шофёри, пўлат пиширувчининг шогирди каби).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ – турли машина, механизм ва деталларни (ишлаб чиқариш турига қараб) яратиш; бу жараён охиригача бажарилган ишлаб чиқариш давридан иборат бўлиши билан характерланади.

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН - ишлаб чиқаришнинг бир қисми бўлиб, тайёр буюм қосил қилиш мақсадида бевосита ишлаб чиқариш маҳсулотининг ҳолатини ўзгартиришдан иборат (штамплаш, қуйиш, қирқиш-кесиш, йиғиш ва ҳ.к.).

ТЕХНОЛОГИК ОПЕРАЦИЯ – технологик жараённинг бир иш ўрнида, бита ёки бир неча ишчи томонидан охиригача бажариладиган қисмидир, масалан, қирқиш, арралаш, эговлаш.

ИШ УСУЛИ – ишчининг технологик операцияда айрим технологик ўтишларни бажаришни кўзда тутган меҳнат ҳаракатлари мажмуидир. Масалан, эговни қўлга олиш, тўғри иш вазиятида туриш, эгов билан илгариланма-қайтма ҳаракатлар бажариш каби.

МЕҲНАТ ҲАРАКАТИ - ишчининг бирон технологик ўтиш элементини бажариши. Масалан, бир вақтнинг ўзида зубило ва болтани қўлга олиш учун асаб-мускул фаолиятини физиологик маънода ишга олишидир.

ИШ ҲАРАКАТИ – ишчининг иш қабули ичида (чегарасида) бажарадиган ва бирон технологик ўтишни удаллашни кўзда тутган, масалан, болта билан зубилонинг чеккасига (тўмтоқ учига) уриш каби, меҳнат ҳаракатларининг мажмуидир.

I.2-Мавзу. “Касбий педагогика асослари” мавзусидаги маълумотли маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 28 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Маъруза матнини тарқатиш. 3. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 3. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 4. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда касбий педагогиканинг фалсафий-методик асослари ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: - касб педагогикасининг илм сифатидаги ролини очиб бериш; - малакавий тайёргарликнинг асосий дидактик босқичларини ёритиб бериш; - касб педагогикасининг илмий тадқиқот методлари ҳақида маълумот бериш; - касб педагогикасининг ривожланишидаги хорижий давлатлар тажрибалари билан таништириш.	Ўқув фаолияти натижалари: - касб педагогикасининг илмий соҳа сифатида ривожланиш тенденциясини билиб оладилар; - малакавий тайёргарликнинг асосий дидактик босқичлари билан танишадилар; - касбий педагогиканинг назарий ва эмпирик методларини ўзлаштиришади; - . касб педагогикасининг ривожланишидаги хорижий давлатлар тажрибалари билан танишадилар ва республикамиз тажрибаси билан таққослайдилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Тоифалаш жадвали” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Касбий педагогика асослари” мавзусидаги маълумотли маърузанинг
технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотида кириш (Даъват босқичи) (10 минут)	<p>1.1. Талабаларга беш минут вақт касбий педагогика ҳақида эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова).</p> <p>1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади.</p> <p>1.3. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади.</p>	<p>Ўз дафтарларига эркин равишда касбий педагогика ҳақидаги фикрларини ёзишади.</p> <p>Ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p>
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини таркатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (3-илова).</p> <p>2.3. Такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирлиги бўйича хулосалар қилади.</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	<p>3.1. Талабаларнинг касбий педагогиканинг фалсафий-методологик асосларига доир тасаввурларини бойитиш мақсадида “Тоифалаш жадвали” график органайзерини такдим этади (2-илова).</p> <p>3.2. “Тоифалаш жадвали” график органайзерини намойиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p>	<p>“Тоифалаш жадвали” график органайзерини гуруҳларда тўлдиришади.</p> <p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p>

“Эркин ёзиш” интерфаол методини қўллашга доир кўрсатма

Ўқитувчи талабаларга беш минут вақт давомида Касбий педагогика ҳақида билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талабалар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабаларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

**“Касбий педагогиканинг фалсафий-методологик асослари”га доир
тойфалаш жадвали намунаси**

“Касбий педагогика” тушунчаси	Касбий педагогика – педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида	Касбий педагогиканинг асосий категориялари	Касбий педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари	Касбий педагогика ривожига доир хориж тажрибаси

Касбий педагогика асослари

Режа:

1. “Касб педагогикаси” фанининг фалсафий–методологик асослари. Касб педагогикасининг илм сифатидаги ўрни.
2. Малакавий тайёргарликда асосий дидактик босқичлар.
3. Касб педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари.
4. Ўзбекистонда касб таълимини ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш. Германия ва Францияда касб таълимининг тузилмаси.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Педагогика, дидактика, тарбия назарияси, категория, таълим, билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Кадрлар тайёрлаш миллий модели, Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари, «Портлаш эффекти», ўқитувчи, ўқувчи шахсига қўйилаётган талаблар.

“Касбий педагогика” жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг тадбиқини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда.

“Касбий педагогика” фани нисбатан ёш ва кўп соҳаларда ривожланиб бораётган умумий педагогиканинг бир бўғини сифатида касбий-техник таълимнинг ривожланиши билан ўзаро уйғунликда тараққий қилиб бормоқда.

Шунингдек, Республикамизда касбий таълим Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилинган №204-сонли қарорларига ҳамда ўқув-меъёрий хужжатлар асосида ислоҳ қилиб борилмоқда.

Бугунги кунда Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида **касбий педагогика фанининг асосий мақсади** - жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндошувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва тадбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

“Касбий педагогика”нинг **вазифаси** куйидагилардан иборат:

- турли хил (ташкilotларда) корхоналарда самарали меҳнат фаолиятини амалга ошириш;

- аниқ бир ишлаб чиқаришнинг нафақат техник-технологик, балки ижтимоий-иқтисодий истиқболларини белгилаш;

- зарурият бўлганда, бошқарув ва ижро функцияларини кўшиш, иш қидириш давомида меҳнат бозорида тўғри йўл танлаш ва хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўя олиш.

Малакавий тайёргарликда асосий дидактик босқичлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув юртининг битирувчиси қуйидаги билимларга эга бўлиши керак:

- битирувчининг эгаллайдиган иш ўрни;
- битирувчининг дунёқараш сифати;
- битирувчининг стандарт талабларига жавоб берадиган билими;
- битирувчининг иш ўрнида қўллайдиган билим, кўникма ва малакалари;

- битирувчининг мутахассис сифатида шаклланиши ва ижодий иш олиб бориши кабилар.

2. Ўқув материални мазмун жиҳатидан танлаши.

Ўқув материални танлаш албатта унинг мантиқий кетма-кетлиги, мазмунан битирувчининг фикрлаш доирасини ва ғояларини ишлаб чиқиш, илмий фаразни ривожлантириш ва шу билан бирга келажакда фанга ўз хиссасини қўшишга ундамоғи керак.

3. Танлаб олинган ўқув материални тизимли таснифлаш.

Ўқув материалнинг асосий қисми, уни мантиқий фикрлаш, тушуниш ва мунозара қилишни талаб этади. Шу билан бирга уни ўзлаштириш, ўзининг қобилиятидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндошиш ҳам зарур.

4. Қабул қилинаётган масалаларнинг ечимини тажриба ва синовлардан ўтказиш.

“Касб педагогикаси” фанини ўрганишда яна бир қатор методлардан кенг фойдаланилади. Буларга изланиш методлари киради. Ўз навбатида изланиш методлари 2 хил бўлади:

- Назарий
- Эмпирик

Назарий билиш методларига: анализ, синтез, моделлаштириш, конкретлаштириш киради.

Эмпирик билиш методи: бирламчи ва умумий методларга бўлинади. Бирламчи методларга – кузатиш, оғзаки сўров, суҳбат, ёзма сўров, мутахассислар баҳси, тестлар киради. Умумий изланиш методларига – таъхис қилишни ўрганиш, педагогик тажрибани умумлаштириш ва тажриба киради.

Германияда касбий таълимнинг тузилмаси

1-босқич: Касбий таълимга тайёргарликнинг биринчи йили (назарий билимлар берилиб, ушбу касбга йўналтирилади).

2-босқич: Ўқувчилар назарий ва амалий оиладош касблар билан ҳам танишиб борадилар (тугатилганидан сўнг, биринчи синов олинади).

3-босқич: Мутахассислаштириш жараёни бўлиб, у имтиҳон билан тугалланади. Бу тизимда таълим олувчилар назарий ва амалий билимларга ҳамда касблар ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак.

Францияда мактабни битиргач, коллежларда ўқитиш тизими ҳукмронлик қилади. Бу эса ўз навбатида эрта касб эгаллашдан асраб қолади. Францияда бошланғич таълим асосан 11 ёшгача бўлиб, кейин ўқувчи коллежда таълим олади. Ундан кейинги таълимни ўқувчи умумтаълим ёки техник лицейларда давом эттиришади. Бугунги кунда техник лицейлар техник билимларни бериб, у асосида бакалавр унвонини олиш мумкин. Ўқув муассасининг ихтисослигига қараб, бакалаврлар француз тилини, социология асосларини, математика, табиий фанлар ва технология фанларини яхши эгаллайдилар.

Технология йўналишидаги бакалаврлар чет тилларини, компьютер ва тижорат билимларига эга бўладилар, барча бакалаврлар олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Малакали ишчи-ходимларни тайёрлашда давлат ва хусусий лицейлар фаолият кўрсатиб, уларнинг ҳаммаси давлат назорати остида бўлади. Касбий таълимга ўқиш жараёнини Таълим вазирлиги ишлаб чиқиб, уни моддий таъмирлаш жавобгарлиги давлат зиммасидадир. Умумий касбий таълимда ўқитиш жараёни Францияда бепулдир.

1.3-Мавзу: Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг ўзига хослиги
3.1. Ма`руза машғулоти ўқитиш технологияси

Ма`рузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 60та
Ўқув машғулоти шакли	Ма`лумотли ма`руза
Ўқув машғулоти тузилиши	1.Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари. 2.Миллий дастурни амалага ошириш босқичлари. 3.Миллий моделнинг асосий компонентлари. 4.Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирлари.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ўзига хосликлари, мақсад ва вазифалари, таркибий қисмлари, амалага ошириш босқичлари ва чора-тадбирлари ҳақидаги ма`лумот ва билимларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.	
Педагогик вазифалар: Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш. Миллий дастурни амалага ошириш босқичлари билан таништириш. Миллий моделнинг асосий компонентлари ва уларнинг мазмун моҳияти билан таништириш. Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирларини оьргатади.	Ўқув фаолияти натижалари: Талаба: Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини билиб олади. Миллий дастурни амалага ошириш босқичлари билан танишади. Миллий моделнинг асосий компонентлари ва уларнинг мазмун моҳиятини билиб олади. Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирларини билиб олади.
Та`лим методи	Ма`руза, тушунтириш, суҳбат, “Б–Б–Б” стратегияси
Та`лимни ташкил этиш шакли	Ма`руза, оммавий
Дидактик воситалар	Ма`руза матни, проектор, слайд-презентатсия
Та`лимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

3.2. Ма`руза машгулотининг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машгулотига кириш (Да`ват босқичи) (10 минут)	1.1. Мавзунинг номланиши, режаси, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади ҳамда адабиётлар билан таништиради.(1,2,3,4-иловалар).	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (60 минут)	<p>2.1.Талабалар э`тиборини жалб этиш ва билим даражасини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди (5-илова).</p> <p>Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” ва “Билмоқчиман” устунини тоълдириш соъралади.(6- илова).</p> <p>2.2.Ўқитувчи кўргазмали материаллардан фойдаланган холда ма`рузани баён этишда давом этади: -Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари уни амалга ошириш босқичлари ҳамда чора-тадбирлари билан таништириш.(7, 8, 9-иловалар). Миллий моделнинг асосий компонентлари ва уларнинг мазмун мохияти билан таништириш.(10-илова).</p> <p>2.3.Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий ма`лумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб коърсатади, хар бир оёқув бирилиги боъйича хулосалар қилади. (7,8,9,10,11, 12 - иловалар).</p>	<p>Навбат билан саолларга жавоб беради.</p> <p>“Б–Б–Б” стратегияси-нинг “Биламан” ва “Билмоқчиман” устунини тоълдиришади. Тинглайдилар, ма`рузанинг муҳим жойларни оёз дафтарларига ёзиб олишади.</p> <p>Тинглайдилар, савол-жа-вобларда иштирок этишади, ма`рузанинг муҳим жойларни оёз дафтарларига ёзиб олишади.</p>
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш	3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билиб олдим” устунини тоълдириш сўралади. (6-илова).	“Б–Б–Б” стратегиясини тугатади ва

<p>босқичи) (10 минут)</p>	<p>3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни оўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.(6-илова).</p> <p>3.3.Аниқтасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради (12-илова)</p> <p>3.4. Уйга вазифа ва мустақил иш учун топшириқ беради ва уни бажариш билан таништиради.(13-илова).</p>	<p>тасаввурлар-ини бошқаларники билан таққослайди.</p> <p>ОЪз тасаввурларини текшириб коъради.</p> <p>ОЪз тасаввурларини бойитади ва тоълдиради. Топшириқни ёзиб олишади.</p>
--	---	---

**Мавзу: Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг ўзига хослиги
Режа**

1. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари.
2. Миллий дастурни амалага ошириш босқичлари.
3. Миллий моделнинг асосий компонентлари.
4. Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирлари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Мустақиллик, таълим тизимида ислохотлар, «Таълим тўғрисида» Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», таълим тизими, академик лицей, касб - хунар коллежи, педагогик технология, миллий истиклол мафкураси.

Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ўзига хосликлари, мақсад ва вазифалари, таркибий қисмлари, амалага ошириш босқичлари ва чора-тадбирлари ҳақидаги маълумот ва билимларни шакллантириш ва ривожлантириш.

5-Илова

Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражасини аниқлаш учун

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинди?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нима сабабдан қабул қилинди?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазифалари нималардан иборат?

6-Илова

Б/Б/Б Жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1.	1.	1.
2.	2.	2.
3.	3.	3.
4.	4.	4.
5.	5.	5.
6.	6.	6.

7-Илова

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари

«Кадрлар тайёрлаш милли дастури» «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиққа, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Мазкур дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қўйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгилашни, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;
- таълим оловчиларни мамънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;
- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари мамблағлар, шу жумладан чет- эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро мамнфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

8-Илова

Дастурни амалга ошириш босқичлари

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) - мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, таълим тизими мазмунини таркибий қайта кўриш ва тубдан янгилаш;

- педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлокий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш, уларнинг жисмоний ва аклий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган, ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шартшароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий, дастурни рўёбга чиқариш, йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув - тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) - тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирлари

Миллий дастур қабул қилингандан кейинги ўтган давир мобайнида **қуйидагичора-тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда:**

- Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ, механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқиш;
- Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифаларини белгилш;
- Миллий дастурнинг аниқ, йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертларини жалб этиш;
- Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар катнашувини ташкил этиш;
- Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қоидалари ва тадбирларига тузатишлар киритиш;
- Оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принципиал ёндашувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бориш;
- Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштирокини таъминлш;
- Оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилишини мунтазам ёритиб бориш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан **Республика комиссияси ташкил этилди**. Бу Комиссия томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилди ва оширилмоқда:

- узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун ДТС ларига қўйиладиган умумий талабларни ДТСларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш, ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;
- олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш ва бошқалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: **шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш.**

Шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул олишнинг кафиллари;

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимининг барча турларини, давлат таълим стандартларининг кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчилигини таъминлайди.

11-Илова

Талабаларни жалб қилувчи саволлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинди ва у нечда босқичда амалга оширилади?

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларига нималар киради?

4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ҳар бир таркибий қисмларининг урни нималардан иборат?

12-Илова

Мавзуга тегишли асосий тушунчалар

Шахс

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-хунар тайёргарлиги қуриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Давлат ва жамият

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Узлуксиз таълим

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даврлардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

-мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Фан

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

Ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

13-Илова

Уйга вазифа, мустақил иш учун топшириқлар

I.Қуйидаги масалаларни ўқиб, ўрганиб келиш:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалага ошириш босқичлари.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделнинг таркибий қисмлари.
- 4.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирлари.

II.Дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиб мавзу бўйича унинг мазмунини мустақил ўрганиш, реферат ва тақтимот материаллари тайёрлаб келиш ҳамда химоя қилиш.

Кенг профилли юқори малакали ходимлар тайёрлашнинг назарий асослари мавзусида

4.1. Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Талабаларни машғулотга жалб этиш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 7. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда кенг профилли ва юқори малакали ходимлар тайёрлашнинг назарий асосларига доир яхлит тасаввурларни таркиб топтириш
Педагогик вазифалар: 1) талабаларни кенг малакали мутахассис модели билан таништириш; 2) кенг профилли ва малакали ходимлар тайёрлашда босқичли ўқитиш назариясининг аҳамиятини ёритиб бериш; 3) ишлаб чиқариш таълимини даврлаштириш; 4) бошланғич касбий тайёргарликнинг ўзига хослигини очиб бериш; 5) касбни ўзлаштириш даври ҳақида маълумот бериш; 6) касбий тайёргарликнинг якуний босқичини тушунтириб бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1) талабалар икки (малакавий ва прогностик) кенг малакали мутахассис модели билан танишадилар; 2) ишлаб чиқариш тури (якка, гуруҳий, оммавий)га қараб касбий тайёрлаш мазмунини билиб оладилар; 3) асосий ва махсус ўқув жараёни моҳиятини ўзлаштирадилар; 4) ишлаб чиқариш таълимини даврлаштиришни ўрганадилар; 5) касбий тайёргарликнинг бошланғич, тайёргарлик ва якуний босқичларининг ўзига хосликларини фарқлайдилар
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, “Ақлий ҳужум” интерфаол методи, “Инсерт” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

4.2. Маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (20 минут)	Мавзунинг номи, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	<p>2.1. Мавзуга доир мавжуд маълумотларни эсга тушуриш мақсадида ақлий ҳужум вазиятини ҳосил қилади (1-илова).</p> <p>2.2. Талабаларни индивидуал ва жуфтликларга бўлинган тарзда саволларни муҳокама қилишларини ташкил этади.</p> <p>2.3. Саволлар бўйича жавобларни эшитади ва уларга ўз муносабатини билдиради.</p> <p>2.4. Мавзуга доир таянч конспектли маъруза матнини тарқатади (3-илова) ва талабалардан “Инсерт” жадвалига асосланиб матнни ўқишларини сўрайди (2-илова).</p> <p>2.5. “Инсерт” жадвалини тўлдиришга доир талабаларнинг саволларига узлуксиз равишда жавоб бериб боради.</p>	Саволларни муҳокама қилишади ва ўз муносабатини билдиришади. Таянч конспектли маъруза билан танишадилар. Таянч конспектган асосланган ҳолда, “Инсерт” жадвалини тўлдиришади. Жадвални тўлдириш юзасидан ўқитувчидан ёрдам оладилар.
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)	<p>3.1. “Инсерт” жадвалига асосан мавзунинг талабаларнинг билганларига зид (“-”) ва уларни ўйлантириб қўйган жиҳатларига ойдинлик киритади.</p> <p>3.2. Материални умумлаштиради ва хулосалайди.</p> <p>3.2. Талабаларни қизиқтирган қўшимча саволларга жавоб беради.</p>	Ўқитувчидан мавзунинг уларнинг билганларига зид ёки тушунарсиз бўлган жиҳатларини тушунтириб беришни сўрайдилар. Ўзларини қизиқтирган қўшимча саволлар билан мурожаат этадилар.

Кенг профилли ва юқори малакали ходимлар тайёрлашнинг назарий асослари.

Режа:

1. Кенг профилли, юқори малакали ходимлар тайёрлаш модели.
2. Босқичли ўқитиш назарияси.
3. Ишлаб чиқариш таълимини даврлаштириш.

Кенг профилли, юқори малакали ходимлар тайёрлаш модели қуйидагича кўринишда тузилиши мумкин:

1. Прогностик – олдиндан билиш ва иш ривожини характерлаш. Бу мақсадда махсус рухсат этилган ва тасдиқланган ҳужжатларни: мақола, кўлланма, илмий-техник кутубхона ахборотлардан турли хил илмий ташкилотлар, диссертациялар, ахборот ва конференция материалларидан кенг фойдаланилади.

2. Малакавий – техник мазмунга қўйиладиган талаблар. Ишчи-ходимларни малакавий тайёрлашда ишлаб чиқилган талаб ва мазмун. Олдиндан ташхисланган маълумотлар моделда қайд қилиниб илмий таянган ҳолда ходимни малакасини оширишга имкон беради. Шу билан бирга дидактик прогнозни ҳам ажратиш зарур бўлади. Ўқув режасини ва дастурларни мукамаллигидан ва ишчи режа устида ишлашда ташхисли маълумотлар зарур.

Ишлаб чиқариш турига қараб ўқитиш дастурлари 3 та катта гуруҳга бўлинади:

- Якка ҳолда ишлаб чиқариш
- Гуруҳлаб ишлаб чиқариш
- Оммавий ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури ўзининг техник жараёнларига эга бўлиб, шу билан бирга ўзининг шакллариغا ҳам эгадир. Ишлаб чиқаришнинг у ёки бу туридан қатъий назар бир цехнинг ўзида 3 та ишлаб чиқариш тури мавжуд бўлиши мумкин.

Якка ҳолда ишлаб чиқариш – ўз характерига кўра ўзининг афзалликларига эга бўлиб, у ёки бу операцияларни универсал ускуналарда бажариш имконини бериб, маҳсулотга қўйиладиган турли талабларни аниқ бажариш имконини беради. Мутахассисдан ўлчов асбобларидан тўғри фойдалана билишни талаб этади.

Гуруҳлаб ишлаб чиқариш – бу тур якка ҳолда ишлаб чиқаришдан озгина фарқ қилиб, бунда чиқариладиган маҳсулот доналаб эмас, балки қисм-қисм қилиб ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлади. Ҳар бир операция

алоҳида-алоҳида ускуналарда бажарилади. Бу ерда ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш яъни мослаш, созлаш, кичик таъмирлаш ишлари махсус ишчиларга юклатилади.

Оммавий ишлаб чиқариш – уларнинг иш жойларида тинимсиз равишда қайтарилиши билан бу операциялар иш жойида характерланади. Цехлардаги асбобларнинг сифати ва самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мос бўлиши керак.

Кенг профилли ва малакали ходимлар тайёрлашда босқичли ўқитишни ташкил этиш.

Асосий ўқув жараёни – бу босқичда таълим олувчилар умумий талабларга жавоб берувчи билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиб, улар шундай билим оладиларки, у илмий-техник ўзгаришлар таъсирига мос келади. Умумий меҳнат эгалланган билим, кўникма ва малакаларга касбий билимларга асос бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ишлаб ўқитишни самарадорлигига олиб келади. Асосий ўқув жараёнида таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар келажакдаги унинг фаолияти, меҳнат тури ва ишлаб чиқаришдаги эгаллайдиган ўрнига боғлиқ бўлади. Асосий билим бериш жараёни махсус билим беришни негизи бўлиб хизмат қилади, шунинг учун таълим олувчи кўрсатилган фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни мустаҳкам эгаллаб бормоғи лозим.

Махсус ўқув жараёни – асосий ўқув босқичдан махсусга ўтиш секин-аста рўй бериб, бутун ўқув жараёни шу мақсадларга қаратилган вақт ичида олиб борилади. Махсус босқичда ўқитиш танланган касбга йўналтириш бўйича олиб борилиб, ўқитиш жараёни шу соҳадаги техник ва технологик ривожланиш талабларига жавоб бермоғи лозим, аммо марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган ўқув дастури хўжалик соҳасидаги ёки корхона талабларига жавоб Бера олмайди, чунки бир соҳада технологик жиҳозларнинг бир тури ўрганилса, иккинчи турида мутахассисларни тайёрлашда турли соҳалар бўйича ўқитиш афзалдир.

Ишлаб чиқариш таълимини даврлаштириш.

Бошланғич давр – бу вақтда таълим олувчилар ўзларини усталарини танимайдилар, бир-бирларини ишлаб чиқариш жараёни ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайдилар. Ўқув устаси ҳар бир таълим олувчини шахсий хусусиятларини ўрганиб, уларда иш жойини, касбни танлашга қизиқишни уйғотиб меҳнатга бўлган умумий талаблар, иш шароити билан таништиради. Уста таълим олувчиларни техник тўғарақларга қизиқтириб, ишлаб чиқариш соҳаси бўйича фахрийлар билан учрашувлар ташкил этади. Бу босқичда ташкилий ишлар кўпроқ олиб борилиб, таълим олувчилар асосан ўзаро бир-барлари билан ва иш жараёни билан танишадилар. Бу жараёни ишлаб чиқаришга, таълим беришга алоқаси бўлмади ва бу давр икки ҳафта давом этади.

Тайёргарлик даври – бу вақтга келиб таълим олувчилар аниқ иш турлари билан танишиб, уларни ўқув-ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти ишлаб чиқарувчи характерга эга бўлади. Гуруҳда уста ишонадиган ўз-ўзини бошқарувчи органлар фаолият кўрсатиб, бу вақтга келиб уста қуйидаги масалаларни ҳал қилади: иш ўрнини ташкил этиш, меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқаришда интизомли бўлиш, иш қуролларини асраб-авайлаш, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар. Таълим олувчиларни иш жараёни техник ҳужжатларни ўрганиш, мосламаларни созлаш, иш ўрнини ишга тайёрлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотнинг сифатини текширишдан иборат бўлиб, улар оддий иш жараёнларини ўрганиб борадилар.

Касбни ўзлаштириш даври – иш жараёнларини ўргангандан сўнг олинган билим ва малакаларни мукаммалашга ўтилади. Бунинг учун шундай ишлар танланадики, иш жараёнида янги ўрнатилган мавзу ва ундан олдингилари қамраб олинади. Шунда таълим олувчиларда эгалланган билим шаклланиш хусусиятлари ривожланади.

Назорат қилиш ва яқунлаш даври – бу муддатнинг асосий вазифаси фақатгина олинган билим ва малакаларни мустаҳкамлаб қолмай, балки уларни замонавий мослама ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда мукаммаллашиб боришидир. Ишлаб чиқариш илғорлари ва фахрийларининг ишларини ўрганиш, ўзлаштириб олиш таълим олувчида ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида мустақиллик ҳиссини шаклланиб боришига ёрдам беради. Таълим олувчилар меҳнат жамоаси оқимига кириб жамоада тарбияланиб шахс сифатида шаклланиб борадилар.

I.5-Мавзу. “Касб педагогикаси таълим жараёни” мавзусидаги муаммоли маъруза таълим технологияси модели

<i>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</i>	<i>Талабалар сони – 50 та</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Муаммоли маъруза
<i>Ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Талабаларни машғулотга жалб этиш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни тақдим этиш. 5. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш. 6. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 7. Мавзуни яқунлаш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Талабаларда касб педагогикаси таълим жараёни ҳақидаги билимларини таркиб топтириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1) муаммоли савол ва топшириқларни ўқув режасидаги масалаларга мувофиқ равишда тақдим этиш; 2) муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 3) таълим жараёнининг моҳияти ва тузилишини кўрсатиб бериш; 4) касбий таълим тамойилларини ажратиб кўрсатиш; 5) касбий таълим жараёнини лойиҳалаш тартибини тушунтириб бериш; 6) таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хосликларини очиб бериш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1) муаммоли савол ва топшириқларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади; 2) “таълим” ва “таълим жараёни” тушунчаларининг ўзаро фарқини англаб оладилар; 3) таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифини билиб оладилар; 4) таълим жараёнининг функцияларини ўзлаштиришади; 5) “таълим тамойиллари” ва “касбий таълим тамойиллари”ни ўзаро таққослайдилар; 6) касбий таълим жараёнини лойиҳалаш тартиби билан танишадилар; 7) касбий таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг намоён бўлишини ўрганадилар.
<i>Таълим методи</i>	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим
<i>Таълимни ташкил этиш шакли</i>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<i>Дидактик воситалар</i>	Маъруза матни, слайд-презентация
<i>Таълимни ташкил этиш шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<i>Назорат</i>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Касб педагогикаси таълим жараёни” мавзусидаги муаммоли
маърузанинг технологик картаси**

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
<i>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (5 минут)</i>	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кути-лаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли маъруза шаклида боришини маълум қилади.	Тинглашади, ёзиб боришади.
<i>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</i>	2.1. Талабалар эътиборига муаммоли савол ва топшириқни тақдим этади (1-илова). 2.2. Талабаларни муаммоли савол ва топшириқни ечишга даъват этади. 2.3. Муаммоли савол ва топшириқни ҳал этиш орқали режадаги биринчи масалани баён этади. 2.4. Талабаларга режадаги иккинчи масала бўйича муаммоли савол ва топшириқлар билан мурожаат этади (2-илова). 2.5. Муаммоли савол ва топшириқни ҳал этилиши асосида иккинчи масала мазмунини очиб беради. 2.6. Талабаларга режадаги учинчи масала бўйича муаммоли савол ва топшириқлар билан мурожаат этади (3-илова). 2.7. Муаммоли савол ва топшириқни ҳал этилиши асосида учинчи масала мазмунини очиб беради. Баён этади. 2.8. Талабаларга режадаги тўртинчи масала бўйича муаммоли савол ва топшириқлар билан мурожаат этади (4-илова). 2.9. Муаммоли савол ва топшириқни ҳал этилиши асосида тўртинчи масала мазмунини ёритади. 2.8. Мавзу юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	Ўқитувчи томонидан тақдим этилган муаммоли савол ва топшириқларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиради ҳамда бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасаввурларини бойи-тади. Тинглайдилар, мунозараларда иштирок этадилар.
<i>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (25 минут)</i>	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни шакллантиради. 3.2. Талабаларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазалирини билиш мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади (5-илова). 3.2. “Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали	“Беш минутлик эссе” ёзишади. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.

	талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.	
	3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	

1-илова

**“Қасб педагогикасида таълим жараёнининг моҳияти ва тузилиши”
масаласига доир муаммоли савол ва топшириқ намунаси**

1. Муаммоли савол.

Таълим “мулоқот” тушунчасига қараганда кенг маънони ифода эта оладими?

2. Муаммоли топшириқ.

Қуйида берлиган тушунчаларни шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, таълим жараёни яхлит тизим сифатида намоён бўлсин.

- 1) ўқитувчи фаолияти;
- 2) ўқувчи фаолияти;
- 3) таълим мақсади;
- 4) таълим мазмуни;
- 5) таълим натижаси;
- 6) таълимни ташкил этиш шакллари;
- 7) таълим методлари;
- 8) таълим воситалари.

**“Қасб педагогикасида таълим жараёнининг моҳияти ва тузилиши”
масаласининг асосий тавсифи**

Таълим тизимли билим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Таълимга икки томонлама алоқа (таълим олиш ва таълим бериш), шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа хусусиятлар хосдир. Таълим ўқитувчи томонидан бошқарилувчи ўзига хос англаш жараёнидир. Ўқитувчининг йўналтирувчи сифатидаги роли ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштира олишларида кўринади.

Таълим ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти жараёни ҳам саналади. У ўқувчиларга ўқув материали мазмунини тушунтириб беради, савол ва топшириқлар беради, уларнинг фаолиятини назорат қилади, хато ва камчиликларини аниқлайди, йўл қўйилган хатоларни тўғрилайди, қандай ишлаш лозимлигини қайта кўрсатади. Ҳар қандай таълим ўзида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, яъни, ўқитувчининг ўргатиш ҳамда ўқувчининг

ўрганишга йўналтирилган фаолияти, бошқачаи айтганда тўғридан тўғри, бевосита ва нисбий муносабат акс этади.

Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро мулоқат юзага келади. “Мулоқот” тушунчаси “таълим” тушунчасидан кўра кенг маънога эга.

Таълим ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш, уларда амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган жараёндир.

Таълим ва таълим жараёни (дидактик жараён) синоним тушунчалар эмас. Жараён бу яхлит педагогик ходиса, педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида таълим тизимининг муайян ҳолатини ўзгартириш ҳисобланади. Жараён моҳиятини В.П.Беспалько томонидан таклиф этилган қуйидаги формула асосида тўлақонли англаш мумкин:

$$ДЖ = М + \dot{У}ф + Б$$


Бу ерда; ДЖ – дидактик жараён;

М – ўқувчиларнинг ўқиш (таълим олиш) мотивацияси;

Ўф – ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти;

Б – ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш.

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида қуйидагича намоён бўлади (1-чизма):



1-чизма. Таълим жараёни тузилишининг андозаси (модели)

“Касбий таълим тамойиллари” масаласига доир муаммоли савол ва топшириқ намунаси

1. Муаммоли савол.

“Тамойил” ва “қоида” тушунчалари бир хил маънога эгами?

2. Муаммоли топшириқ.

Қуйида берилган тамойилларни шартли равишда икки гуруҳга таснифланг.

- фуқаролик;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- илмийлик;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- тарбияловчи таълим;
- таълимда кўргазмалилик;
- таълимнинг самарадорлиги ва ишончилиги (мустаҳкамлиги);
- таълимнинг тушунарлилиги;
- фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги (таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги;
- таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- табиат билан уйғунлик;
- маданият билан уйғунлик;
- инсонпарварлик;
- оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлилиги;
- педагогик ҳамкорлик.

“Касбий таълим тамойиллари” масаласининг асосий тавсифи

Таълим тамойиллари педагогнинг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши тегишли кўникма ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонун ва йўл йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим тамойиллари ҳар иккала фаолиятнинг яъни педагог ва ўқувчи томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари деб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака хосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Таълимни мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларидан ташкил топган тизим сифатида эътироф этиш мумкин:

I. Таълимнинг мазмунли тамойиллари. Улар таълим мазмунини танлаш билан боғлиқ бўлган қонуниятларни акс эттиради ва қуйидаги ғояларни ифодалайди:

- фуқаролик;
- илмийлиги;
- тарбияловчи таълим;
- фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги (таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- табиат билан уйғунлиги;
- маданият билан уйғунлиги;
- инсонпарварлиги.

Таълимни ташкил этиш методикаси таълим мазмунини шакллантириш каби эркин танланиши мумкин эмас. Бу борада муайян ижтимоий, психологик ва педагогик талабларни инобатга олиш зарур. Бундай талаблар таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари деб юритилувчи тамойиллар мазмунида ўз ифодасини топган:

- таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- таълимда кўрғазмалилик;
- таълимнинг самарадорлиги ва ишончлилиги (мустаҳкамлиги);
- таълимнинг тушунарлилиги;
- гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги;
- таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- оқилona талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлилиги;
- педагогик ҳамкорлик.

Мазкур умумдидактик тамойилларга асосланган ҳолда касбий таълимнинг қуйидаги тамойилларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) таълим ва тарбия бирлиги; 2) таълимнинг илмийлиги; 3) таълимда тизимлилик ва изчиллик; 4) назария ва амалиёт бирлиги; 5) ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш; 6) таълимнинг политехник хусусиятга эгаллиги; 7) онглилик ва фаоллик; 8) таълимда кўрғазмалилик; 9) билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкам ва пухталиги

ТАМОЙИЛЛАР	У НИМАНИ ИФОДАЛАЙДИ?
Таълим ва тарбия бирлиги	Бу тамойил унумли меҳнат, яъни ижтимоий фойдали буюмлар яратиш асосида ишлаб чиқариш таълими беришни кўзда тутди. Бундай меҳнат ва технологик жиҳатдан яхши таъминланганлиги, чуқурроқ билим талаб этиши, ўқувчиларнинг моддий манфаатдор бўлиши билан тавсифланади.
Таълимнинг илмийлиги	Ҳозирги замон фанида узил-кесил аниқланган қоидаларни ўзлаштириш. Фақат айти фан-техникада қабул қилинган атамалардан фойдаланиш. Фан-техниканинг турли соҳаларида эришилган энг янги ютуқларни ўрганиш.
Таълимда тизимлилик ва изчиллик	Касб таълими дастурида кўрсатилган тизимда ташкил этиш. Таълим жараёнида эгалланадиган билим, кўникма ва малакаларнинг мантиқий кетма-кетлигига риоя қилиш. Таълим жараёнини амалга оширишда, ўқув материалларини ўрганиш ва ўқитувчининг ишини ташкил қилишда изчилликка амал қилиш.
Назария ва амалиёт бирлиги	Назарий билимлардан амалиётда фойдаланиш ва ўқувчиларнинг амалий тажрибаларидан назарий машғулотларда фойдаланиш. Бу тамойил ўқувчиларнинг ўқув материали пухта ўзлаштиришини, шунингдек, улар дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилади.
Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш	Таълим мазмуни ва таълим методларининг ўзаро мослиги, бунда ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларининг эътиборга олинishi. Бу талабларнинг бажарилишига ўқув материални қисмларга тўғри тақсимлаш (бажаришга куч етарли бўлиши, оддийдан мураккабга ўқитишини таъминлаш, ёшнинг турли методларидан фойдаланиш)нинг объектив меъёрларини белгилаш, таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўқувчилар индивидуал хусусият ҳамда қизиқишларини ўрганиш йўли билан эришилади.
Таълимнинг политехник хусусиятга эгаллиги	Бу тамойил ҳозирги замон саноати тўғрисида умумий маълумот бериш, ишлаб чиқаришда энг кўп учрайдиган технологик жараёнларни билишни, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлашидаги умумийликни билиш, хилма-хил меҳнат, ўқув ва малакаларига эга бўлишни, меҳнатга алоқадор масалаларни ижодий ҳал қила олиш ва рационализаторлик ишларни олиб боришни, умумтаълим ва махсус фанлардан олинган билимларни моҳирлик билан татбиқ эта билишни кўзда тутди.
Онглилик ва фаоллик	Таълим ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллиги тарбияладиган тарзда олиб борилиши керак. Бу сифатлар машғулотлардан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни тўғри ифодалаб олинishi, ўқув материалининг онгли ўзлаштирилиши, назарий ва ишлаб чиқариш таълимнинг узвий боғлиқликда бориши, ўқитишда самарали усуллардан фойдаланиш натижасида вужудга келади.
Таълимда кўрғазмалилик	Бу тамойил ўқитишни ўқувчиларда тасаввур ва тушунчаларнинг, шунингдек, ўқув ҳамда малакаларни буюм ва ҳодисаларни жонли мушоҳада этиш асосида вужудга келишини таъминлайдиган қилиб олиб бориш заруратини билдиради. Кўрғазмалилик экскурсиялар ташкил этиш, меҳнат усулларини кўрсатиб бериш, плакат, жадвал, буюм намуналарини, жиҳозларни кўрсатиш, мультимедиа, электрон дарслик ва экспонатларни намойиш қилиш йўли билан амалга оширилади.
Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкам ва	Бунда онгли ва пухта ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ўтилган материални тизимли равишда такрорлаб боришни, янги материални мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарурлиги назарда тутилади. Бунга эса тушунарли қилиб баён этиш, машқлар ўтказиш, илгари ўтилганларни ўз ўрнида такрорлаш, ўқув материални босқичма-босқич мураккаблаштириб бориш, ўқувчиларнинг билимларини, ўқув ва малакаларини тизимли равишда ҳисобга олиб бориш йўли билан эришилади.

пугталиги	
-----------	--

2-чизма. Касбий таълим тамойиллари

“Касбий таълим жараёнини лойиҳалаш” масаласига доир муаммоли савол ва топшириқ намунаси

1. Муаммоли савол.

“Лойиҳалаштириш” ва “алгоритмлаштириш” тушунчалари ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?

2. Муаммоли топшириқ.

Қуйида берилганлар асосида лойиҳалашнинг умумлашган алгоритмини ҳосил қилинг.

1. Лойиҳага мутахассисларнинг баҳоси.
2. Ҳужжатларни расмийлаштириш.
3. Лойиҳалаш объектининг таҳлили.
4. Лойиҳалаштиришни методик таъминлаш.
5. Лойиҳалаш шакллари танлаш.
6. Лойиҳалаштиришни назарий таъминлаш.
7. Вақт билан таъминлаш. (маълум вақт ва ҳажмда ишлаш).
8. Лойиҳалашни ҳуқуқий таъминлаш. (педагогик тизим ва жараёнда)
9. Лойиҳалашни моддий ва техник таъминлаш.
10. Лойиҳаларни тасдиқлаш ва фойдаланишга бериш.
11. Компьютер орасидаги алоқани йўлга қўйиш.

“Касбий таълим жараёнини лойиҳалаш” масаласининг асосий тавсифи

Таълим жараёни бўйича қилинадиган ишлар икки қисмдан иборат: таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш.

1. Таълим лойиҳасини тайёрлаш. Лойиҳа ўқитувчи ёки эксперт аъзолари туза олиш фаолиятининг маҳсули бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Лойиҳа асосида педагог ва ўқувчиларнинг келажакда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади.

Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарсликларда қандай акс эттирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мавзунини ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, педагог ва ўқувчилар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш

варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, эталон даражасида ўзлаштириш усули олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ишларнинг барчаси онгда таълим моделини яратишга олиб келади.

2. Таълим лойиҳасини амалга ошириш. Таълим лойиҳаси бевосита таълим шароитида амалга оширилади. Бу жараёнда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчиларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- ўқувчиларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш, билишга қизиқиш уйғотиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш, эмоциялар, тафаккур ходисалари, билимларни ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш.

Таълим жараёнида кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқулодда ва тасодифий ходисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчилар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир ўқувчига яқуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материалини янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;


- яқуний назоратнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчиларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Лойиҳалаш ҳозирги кунда педагогик жараённинг муҳим томонларидан бўлиб, малакали ишлаб чиқилган педагогик жараён технологияси ва бошқа объектлар ўқитувчи томонидан таълим олувчиларни шахс сифатида шакллантиришда салбий таъсир этувчи факторни йўқотиб, шу билан бирга

хар бир таълим олувчига педагогик тизим томонидан қабул қилинган индивидуал шароитлар яратади.

Педагогик лойиҳалашнинг умумий алгоритми қуйидагилардан иборат:

1. Лойиҳалаш объектнинг таҳлили.
2. Лойиҳалаш шакллари танлаш.
3. Лойиҳалаштиришни назарий таъминлаш.
4. Лойиҳалаштиришни методик таъминлаш.
5. Вақт билан таъминлаш. (маълум вақт ва ҳажмда ишлаш).
6. Лойиҳалашни моддий ва техник таъминлаш.
7. Лойиҳалашни ҳуқуқий таъминлаш. (педагогик тизим ва жараёнда)
8. Компьютер орасидаги алоқани йўлга қўйиш.
9. Ҳужжатларни расмийлаштириш.
10. Лойиҳага мутахассисларнинг баҳоси.
11. Лойиҳаларни тасдиқлаш ва фойдаланишга бериш.



1-расм. Касбий таълимни лойиҳалашнинг тизимли кўриниши

“Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш” масаласига доир муаммоли савол ва топшириқ намунаси

1. Муаммоли савол.

“Билиш фаолияти” ва “ўқув фаолияти” тушунчалари ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?

2. Муаммоли топшириқ.

Қуйида берилган таркибий қисмларни шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш алгоритми ҳосил бўлсин.

1. Ўқув ҳаракати.
2. Идрок этиш маданияти.
3. Билим олиш.
4. Ўз-ўзини назорат қилиш.
5. Натижаларни баҳолаш, назорат қилиш ва таҳлил этиш.

“Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш” масаласининг асосий тавсифи

Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш ўқувчилар олдида ўқув масалаларини қўйишни ва уни бажариш учун имкониятлар яратишдан иборат бўлади.

Билим олиш фаолиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида муайян тузилиш, ривожланиш ва фаолият қонуниятларига эга. **Билим олиш** борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни ҳисобланади. Билим олишнинг муҳим компоненти мотив, яъни, таълимий характердаги ҳаракат ёки фаолиятни ташкил этишга нисбатан рағбатни ҳис этиш, эҳтиёжнинг юзага келишидир.

Ўқишнинг кейинги компоненти **ўқув ҳаракатлари** (операциялари) саналаиб, улар англаган мақсадга биноан амалга оширади. Ўқув ҳаракатлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳаракатлар ташқи (кузатиладиган) ва ички (кузатилмайдиган) кўринишда бўлиши мумкин. Ташқи ўқув ҳаракатларига предметли


ҳаракатлар (ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш); перцептив ҳаракатлар (тинглаш, фикрлаш, кузатиш, сезиш) ҳамда нутқдан фойдаланиш киради.

Ички (мнемоник, юнончадан «mnemonikon» - эслаб қолиш маданияти) ҳаракатларга материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, шунингдек, тасаввур ва фикрлаш ҳаракатлари (интеллектуал) киради.

Ҳар қандай билимни ўзлаштиришда ўқувчилардан **идрок этиш маданиятига** эга бўлиш ва ўқув материални англаб этиш талаб этади. Педагогик жараёнда ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг маъносини етарли даражада тушунмай, фақат товушлар бирлиги сифатида қабул қилиниши ва ёдлаб олиниши хавфлидир.

Ўқувчиларни илмий билимларни уларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўзлаштириш шартлари билан таништириб, уларга **ўзини ўзи назорат қилиш**нинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Ўзини ўзи назорат қилишда ўқувчилар улар қўллаётган ақлий меҳнат воситаларининг самарадорлиги, шунингдек, ўз меҳнати натижаларини баҳолаши керак.

Натижаларни баҳолаш, назорат қилиш ва таҳлил этиш ўқув ҳаракатларининг ажралмас қисмлари ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқувчи томонидан ўзини назорат қилиш, ўзини баҳолаш ва ўзини анализ қилишни амалга ошириш ўқитувчининг шунга ўхшаш ўргатувчи ҳаракатларини кузатиш асосида шаклланади. Бу ҳаракатларни шакллантириш ўқувчиларни ўз тенгдошлари фаолиятини кузатишга жалб этиш, ўзаро назоратни ташкил этиш, ўрнатилган мезонлар асосида ўз фаолияти натижаларини ўзаро баҳолаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.



2-расм. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш босқичлари

“Касб педагогикасида таълим жараёни” мавзусига доир “Беш минутлик эссе” интерфаол методини қўллашга доир кўрсатма

Ёзма топшириқнинг ушбу турида талабалардан қуйидаги икки топшириқни бажариш: “Касб педагогикасида таълим жараёни” мавзуси бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш ва улар барибир жавобини ололмаган битта савол бериш сўралади.

**I.6-Мавзу. “Касб педагогикасида таълим мазмуни” мавзусидаги
маълумотли маъруза таълим технологияси модели**

Маърузага ажратилган вақт – 4 с	Талабалар сони – 28 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 5. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 6. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда ягона педагогик жараён ва унинг ўзига хосликлари; ягона педагогик жараённинг тузилиши; ягона педагогик жараённинг қонуният ва тамойиллари ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: - касб таълими мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари билан таништириш; - касбий таълим малака тавсифномасини тушунтириб бериш; - касбий таълим мазмунини белгилаб берувчи меъёрий хужжатларга тавсиф бериш; - таълим мазмуни тузилмасининг макроаражасини ёритиб бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: - касб таълими мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари билан танишадилар; - касбий таълим малака тавсифномасининг тузилиши ва мазмунини билиб оладилар; - ўқув режа ва ўқув дастурининг ўзига хосликларини фарқлашади ҳамда ўзаро таққослайдилар; - касбий таълимнинг умумтаълим ва касбий блоклари мазмунини ўзлаштирадилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Кластер” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия


**“Касб педагогикасида таълим мазмуни” мавзусидаги маълумотли
маърузанинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	<p>1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради.</p> <p>1.2. Мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.</p>	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (1-3-иловалар).</p> <p>2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.</p>	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	<p>3.1. Талабаларнинг касб таълими мазмуни ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Кластер” график органиайзерини тақдим этади (2-илова).</p> <p>3.2. “Кластер” график органиайзерини намойиш этириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p>	“Кластер” график органиайзерини гуруҳларда тўлдиришади. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топширикни ёзиб олишади.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ

Хужжатларнинг номи	Нимани белгилайди	Хужжатнинг мазмуни	Хужжатнинг
<i>Малака тавсифномаси (ДТС)</i>	Ишлаб чиқариш (корхона)нинг айти илтисос (касб) ва айти малака эгасига назарий билимларга нисбатан (нимани билади) ва ишлаб чиқариш тайёргарлигига нисбатан (нимани бажара олади) қўядиган талаблари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Касб, илтисос 2. Малака (квалификация) 3. Техника билимлари ва махсус билимлар 4. Меҳнат уқувлари ва малакалари 	Ўқув режа ва дастур Битирув малака имт билимларининг сифати қи
<i>Ўқув режаси</i>	Таълимнинг мазмуни ва умумий шарт-шароитларини ҳамда фанни ўрганиш тартибини белгилайди.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Таълим муддати. 2. Ўқитишнинг тузилиши ва тартиби. 3. Ўқитиладиган фанлар рўйхати. 4. Ҳар бир фанни ўрганиш тартиби (вақт жиҳатидан), 5. Ҳар бир фанга ажратилган ва ҳар бир ҳафтага тегишли вақт. 	Ўқитиш ишларини бўлиб хиз
<i>Ўқув дастури</i>	Ўқитишнинг аниқ мазмунини, айти фаннинг ҳажмини ва уни ўрганиш тартибини белгилайди.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фаннинг номи. 2. Айти фан, айрим боб ва мавзу бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳажми. 3. Фанни ўрганиш тартиби. 4. Ҳар бир мавзунини ўтиш учун белгиланган вақт. 5. Айти фан бўйича дарслик ва қўлланмалар. 	Ўқитувчи ва ўқув мажбурий б

БЕЛГИЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР



1-расм. “Касбий таълим мазмуни” мавзусидаги кластер намунаси

Касб педагогикасида таълим мазмуни

Режа:

1. Касб таълими мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари.
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандарти
3. Ўзбекистон Республикасида касб таълимнинг асосий мазмуни
4. Таълим мазмуни тузилмасининг макро ва микродаражаси

Давлат таълим стандартлари таълим тизимининг энг зарур ва етарли даражаси ҳамда ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради. Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш таълим стандарти воситасида мамлакат ҳудудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Ўқув юкламалари меъёрига келтирилади, таълим олувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Давлат таълим стандартлари ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талаблар очиқ бўлишини назарда тутди. Таълим олувчилар учун шакл ва мазмун жиҳатидан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандарти ишлаб чиқилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тармоқли стандарти – малака талабларига мос ҳолда касбий тавсифнома асосида муайян тайёрлов йўналиши ва касб-хунар бўйича таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажми ва сўнгги мақсадларини, ўқув юкламалари ҳажмини аниқловчи ҳамда таълим сифатининг стандарт талабларига мувофиқлигини таъминловчи меъёрий ҳужжатдир.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш учун касбий таълимда стандартлаштириш ўсиб, юксалиб бориши зарур. Унинг моҳияти юқори ва сифатли талаблар бўйича амалиётда эришилган нормаларга муносабати белгиланади. Касбий таълимда стандартлаштириш комплекс бўлиши керак.

➤ **Биринчидан**, ундаги ўзаро боғлиқлик даражасида кадрлар тайёрлаш ишчи ходимдан тортиб, то юқори малакали мутахассисгача профессионал таълимнинг узлуксизлиги қамраб олиши зарур.

➤ **Иккинчидан**, таълим стандарти мутахассиснинг ҳаётий циклининг барча босқичларини қамраб олиши ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаши керак.

Таълим муассасаларининг интеграциялашган академик лицей, касб-хунар коллежи ва бошқаларни ташкил қилиш. Бундай таълим муассасаларида қуйидагилар назарда тутилади:

➤ Профессional таълимнинг ташкилий ва методик изчиллигини таъмин этиш;

➤ Соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар тайёрлашни амалга ошириш;

➤ Ўрта звено мутахассисларини тайёрлаш учун моддий-техника базаларидан ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш.

Касб таълими интеграциясининг горизонтали бўйича – йирик техника университетлари, илмий ўқув, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этишдан иборат. Бундан мақсад рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар (бакалавр ва магистрлар), шунингдек, ишлаб чиқариш бирлашмалари, касб-хунар коллежлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш.

Бундай интеграция қуйидагиларга рухсат этади:

➤ Бирлашаётган олий ўқув юртларининг моддий-техник, илмий ва педагогик потенциалидан самарали фойдаланиш;

➤ Таълим муассасаларида ўқув жараёни билан фан соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

➤ Илмий ходимлар, ўқитувчилар ва талабалар биргаликда фойдаланиш учун тажриба экспериментал ва фундаментал тадқиқот базасини ривожлантириш;

➤ Касбий таълимнинг барча даражаларида давомли интеграцион тажрибани ўтказиш.

Касб таълимининг вертикал ва горизонтал равишда интеграциялашганлиги бўйича турли даражадаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш керак.

Касб таълимининг халқаро интеграциялашув йўллари:

1. Саноати ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларини (университетлар, коллежлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари) ташкил этиш, бу эса бозор ва халқаро муносабатлар, юқори технология билан боғлиқ бўлган мутахассислар йўналиши бўйича бўлиши зарур.

2. Истеъдодли ёшларни саноати ва интеллектуали ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларида ўқитиш.

3. Хорижий мамлакатлар таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва шу билан бирга талабалар, илмий тадқиқотчилар, педагоглар тажриба алмашинувини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим мазмунининг тузилмасини макродаражаси модули блок ёрдамида амалга оширилади. Модулли блок ёндошув таълим мазмуни асосини ажратиб олишга ёрдам беради, ҳамда касбий таълим тизимини мослашувчанлигини таъминлаб беради.

Аниқ бир йўналиш бўйича таълим мазмунини текшириш бошланғич касбий таълим соҳаларидан бошланади. Касб таълими мазмуни умумий ҳолда умумтаълим ва касбий тайёргарликни ўз ичига олади. Умумтаълим тайёргарлик гуманитар ва табиий илмий блоклар орқали таништирилади.

Умумтаълим блокига – назарий ва амалий ўқув материали киради, яқин касблар гуруҳи интеграция асосини ўтайди, тармоқлардан яъни ишлаб чиқаришдан ажратилган ёки тармоқлараро даражада бўлади.

Таълимда касбий блок энг асосийси ҳисобланади, касбий блокда ўқув материали, турли касбий фаолиятни сўралаётган даражада ўрганилади.

Мутахассислик блоки – назарий ва амалий ўқув материали касби мутахассислигини ўрганиш учун зарур.

Умумий мутахассислик блоки – айрим ҳолларда кўрсатилади, кенг миқёсли техника ва технологияни қамраб олувчи, меҳнатнинг мазмуни бўйича нисбатан ҳар хиллиги билан фарқланади. Бир неча мутахассисликлар учун касблар бўйича умумтаълим мазмунини ажратиб, умумий мутахассислик блокига киритилиши мумкин.

I.7-Мавзу. “Касб педагогикасида таълим методлари” мавзусидаги визуал маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 4 с	Талабалар сони – 28 та
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Машғулот мавзусига кириш. 1. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. 2. Маъруза матнини тарқатиш. 3. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 4. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 5. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда “таълим методлари”, “касбий таълим методлари”, “таълим усуллари”, таълим методларининг функциялари ҳамда таснифи ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: - “метод”, “усул” тушунчалари билан таништириш; - таълим методларининг функцияларини ёритиб бериш; - таълим методлари таснифини тавсифлаш.	Ўқув фаолияти натижалари: - “метод”, “усул” тушунчаларининг таърифини билиб олишади ; - таълим методларининг функцияларини ўрганишади; - таълим методлари таснифи билан танишадилар; - таълим методларига доир таснифларни таққослайдилар ва хулосалар чиқаришади.
Таълим методи	Визуал-маъруза, тушунтириш, ақлий хужум, видеометод, “Концептуал жадвал” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация, визуал материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Касб педагогикасида таълим методлари” мавзусидаги визуал
маърузанинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	<p>1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради.</p> <p>1.2. Мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.</p> <p>1.3. Мазкур мавзуда гап нима ҳақида боришини ўйлашни таклиф этади ва саволга жавоб олади.</p>	<p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p> <p>Саволга жавоб беришади.</p>
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, визуал материаллардан фойдаланиб, маърузани баён этади (1, 2-иловалар).</p> <p>2.2. Таълим методларига доир видеороликларни тақдим этади ва ақлий ҳужум вазиятини ҳосил қилади.</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳокама қилишади ҳамда мавзунинг энг муҳим жиҳатларини ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	<p>3.1. Талабаларнинг таълим методлари ва воситалари ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Концептуал жадвал” график органайзерини тўлдиришни таклиф этади. Талабаларни концептуал жадвал тузиш қоидалари билан таништиради (3-илова).</p> <p>3.2. “Концептуал жадвал” асосида шакллантирилган таълим методларининг мазмуни, функциялари, белгилари ва қоидалари бўйича муҳокамани ташкил этади.</p> <p>3.3. Мазкур мавзу бўйича семинар-анжуманга тайёргарлик кўриш бўйича топшириқларни беради(3-илова).</p> <p>(1). Маъруза мавзуларини тақдим этади:</p> <p>1. Дидактикада таълим методларини</p>	<p>“Концептуал жавал”ни жуфтликларда тўлдиришади, баён этишади ва бошқаларники билан таққослашади. Топшириқни ёзиб олишади.</p>

	<p>танифлашга доир замонавий ёндашувлар: мазмуни ва моҳияти.</p> <p>2. Таълим методларини танлиб олиш шартлари ва қоидалари.</p> <p>3. Интерфаол таълим методларининг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги роли.</p> <p>(2). Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхатини таклиф этади.</p> <p>(3). Маърузачилар ва мавзу бўйича муҳокамага чиқувчилар, тақризчиларни танлайди.</p> <p>(4). Мавзулар бўйича маъруза қилувчи талабаларга реферат режасини тузиш топшириғини беради.</p> <p>(5). Бошқа талабаларга эса, маъруза мазмуни ва қўшимча материаллар билан танишган ҳолда, маърузачиларга саволлар тайёрлаб келиш топшириғини беради.</p> <p>(6). Маърузачи, тақризчи ва мунозара иштирокчиларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> <p>(7). Маърузачиларнинг семинар жараёнидаги иштироки услуби, тақризчи ва муҳокамада иштирок этувчиларнинг вазифаларини тушунтиради.</p>	
--	--	--

1-илова

Таълим методлари. (визуал материаллар)

Метод сўзи грекча тадқиқот, мақсадга эришиш йўли, усули деганидир. Бу сўзнинг этимологияси (келиб чиқиши) унинг илмий категория сифатидаги талқинида ҳам акс этган. “Метод – энг умумий маънода – мақсадга эришиш усули, маълум тарзда тартибга солинган фаолият”.

Таълим методлари дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этиш бўйича ўқитувчининг

ўргатувчи иши ва ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари тушунилади.

Таълим усули – таълим методининг таркибий қисми ёки алоҳида томони, Методлар билан усуллар муносабати ўзаро бир-бирига боғланган. Усул ва метод бутун ва қисм сифатида бир-бирига боғланади. Усуллар ёрдамида фақат педагогик ёки ўқув вазифасининг бир қисми ҳал қилинади. Худди шу методик усуллар турли методларда фойдаланилган бўлиши мумкин. Ва аксинча худди шу метод турли ўқитувчилар томонидан турли усулларда очиб берилиши мумкин.

Қоида – танлаб олинган метод билан боғлиқликда фаолият усулларини амалга ошириш учун қулай тарзда ҳаракат қилиш зарурлигини белгилаб берувчи меъёрий кўрсатмалардир.



ОҒЗАКИ БАЁН ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ

2-жадвал

Сўз – билим олиш манбаларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг билим олиш ва амалий фаолиятини йўналтириш, ўз олдида турган ишларнинг мазмунини, уларни ташкил этиш ва бажариш тартибини тушунтириб бериш воситасидир. Сўз ўқитувчига билимларни ўқувчиларга ўргатиш имконинигина бермасдан, ихтисос (касб)га қизиқишни тарбиялашга, ўрганилаётган факт ва ҳодисаларни анализ қилиш, умумлаштиришга ўргатишга, мустақил ўйлаб чиқиш ва ўрганиш учун ўқувчилар олдига саволлар қўйишга ҳам имкон беради.

Ҳикоя – ўқув материални жонли, образли қилиб баён қилиб беришдир. Ҳикоя ва назорат ўқувчиларнинг галдаги ишларига жипс боғланган бўлиши шарт. Ҳикояни дарс мавзусини қисқача умумлаштириб тамомлаш керак.

Ўқув материални оғзаки баён этиш – ҳақиқий материални изчиллик билан баён қилиб беришдир; ундан мақсад: қоида ва тушунчаларни очиб беришдир. Бунда фактларни таҳлили ва исботлаш катта ўрин олади. Ўқитувчи баёнида ёзмаларидан, ҳисоблашларидан фойдаланади, бунда галдаги ишнинг характери ойдинлаштирилади.

Сухбат – бунда ўқувчилар ўқитувчининг саволига жавоб беради ёки саволнинг мазмунига мувофиқ сўзга чиқадилар. Сухбатдан ўрганиладиган материал тўғрисида ўқувчиларда маълум ҳажмда билим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Сухбат охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштиради.

ОҒЗАКИ МЕТОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН

Барча методларга тааллушли талаблар

Метод тўғри танланган бўлсин. Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини акс эттирсин, мантиқий, ўқувчиларга тушунарли бўлсин.

Ҳикоянинг тили саводли, ҳар бир иборанинг тўғри тузилиши ва ойдin талаффуз этилиши шарт.

Оғзаки баёнга нисбатан талаблар

Баён кўрғазмали, образли, раво, исботли бўлсин, нутқ ҳаяжони, ойдin бўлсин.

Сухбатга нисбатан талаблар

Бунда ҳам оғзаки ва ҳикоя қилиб беришга нисбатан қўйиладиган талаблар; бу усулдан ўқувчиларга маълум ҳажмда билим ва тажриба бўлганда фойдаланилади. Бериладиган саволлар маълум тартибда, ихчам, тушунарли, илгари ўтилган материалга ва сухбат мавзусига асосланган бўлсин.

Сухбат аниқ мақсадни тутсин, сухбатда ҳамма ўқувчилар қатнашсин. Саволни ҳамма ўқувчиларга ташлаш, сўнгра эса жавоб бериш учун ўқувчилардан бири чиқарилади.

КЎРГАЗМАЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

3-жадвал

Кўргазма (намойиш) – шахсан меҳнат амалларини кўрсатиш, жиҳозларни, кўрсатма қуролларни, ўқув конифилмларини, диафилм ва хоказоларни намойиш қилиш демакдир.

Кўрсатиш учун тайёргарлик кўришдаги асосий ишлар

Ўқитувчининг тайёргарлик кўриши.
Зарурий моддий-техникани тайёрлаш.
Ўқувчиларнинг тайёргарлиги.

1. Тушунишни, тўла идрокни таъминлаш.
2. Кўрсатилаётганларга ўщувчиларнинг қизиқишини ва диққатини уйғотиш.
3. Кузатишларга ишнинг кўзини билиб, тўри раҳбарлик щилиш.
4. Кўрсатишни тушунтириб олиб бориш.
5. Ҳамма ўқувчиларни кўриб туриб зехнга олишини таъминлаш.
6. Идрокнинг сифатини текшириш.

Кўрсатиш турлари

Натурал

Заготовклар, материаллар, асбоб, дастгоҳ, машина, мосламалар, буюмлар ва ҳ.к.ларни кўрсатиш.

Ясси ва ҳажмий кўргазма қуролларни кўрсатиш

Плакат, жадвал, модел, диаграмма, макет ва ш.к.

Экран қўлланмаларни кўрсатиш


Кинофилм, диафилм, диапозитивлар

Меҳнат амалларини кўрсатиш

Асбобни ишлатиш. Жиҳозни бошқариш. Ишчининг иш вазияти. ҳаракат турлари; тезлик, куч ҳаракатнинг аниқлиги ва координацияси

Меҳнат усулини кўрсатиш методикаси

Меҳнат усулини тўлалигича ва иш тезлигида кўрсатиш.
Бутун меҳнат усулини секинлаштириб ва унинг энг мураккаб элементларини айрим кўрсатиш.
Меҳнат усулини иккинчи марта иш тезлигида кўрсатиш.
Ўқувчининг кўрсатилган меҳнат усулини ўзлаштириш даражасини текшириш (синаш ишини бажариш)



Амалий методлар

4-жадвал


Машқ – меҳнат ўқувларини шакллантириш ва секин-аста уларни малакага айлантириш учун иш ҳаракатларини онгли равишда ва кўп марта такрорлашдан иборат.

а) Машқлар – касб таълимнинг асосий усулидир.

Машқларнинг турлари	Машқлардан кутилган асосий ўқув вазифалари
1. Меҳнат усулларини бажариш машқлари.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Комплекс (биргаликда) ишлатиш тарзида ўзлаштириш қийин бўлган айрим усулларни машқ щилиш. 2. Энг муҳим усул ва ҳаракатларни автоматлаштириши (ўз-ўзидан бажариладиган даражагача машқ щилиш). 3. Турли шароитларда фойдаланиладиган мураккаблаштирилган меҳнат усулларини ўрганиш.
2. Операцияларни бажариш машқлари.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Илгари ўзлаштирилган айрим меҳнат усулларини операцияларни бажаришдаги бутун жараёнда ишлаш (иш усулини танлаш, уларнинг кетма-кетлигини белгилаб олиш, хар хил вариантларни ишлатиш). 2. Иш ҳаракатларини тўғри бажариш.
3. Комплекс ишларни бажариш машқлари.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Буюмларни тайёрлашда (иш бажаришда) илгари ўрганилган операцияларни ишлатиш. 2. Ишда аниқлик. 3. Ишда тезлик. 4. Ҳозиргача маълум бўлмаган мураккаброқ меҳнат усул ва операцияларни ўрганиш ва ишда тадбиқ этиш.
4. Ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини мустақил бажариш машқлари.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларда касбий мустақилликни тарбиялаш. 2. Ўз-ўзини назорат қилиш. 3. Ишлаб чиқариш шароитини ўрганиш (маром, суръат, техникавий талаблар, ҳужжатларни тайёрлаш).

Кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни таъминловчи асосий шарт-шароитлар

1. Кўникма ва малакаларнинг онгли, тушуниб туриб ва мустаҳкам шаклланиши.
2. Ўзлаштирилган билимларга таяниш.
3. Хатоларнинг олдини олиш, ўз вақтида тузатиш. Нотўғри иш усуллариغا қарши кураш.
4. Ўқувчиларга ягона талаблар қўйиш.
5. Топшириқларни босқичма-босқич мураккаблаштириб бориш (энг оддий иш ҳаракатларидан мураккаброқларига ўта бориш).
6. Машқлар учун ажратилган вақтдан тўғри фойдаланиш.
7. Малакалар тамоман шаклангунча машқларни давом эттириш.
8. Ўқувчиларнинг эътиборлиги.
9. Машқларнинг системали равишда ўтказилиши.



АМАЛИЙ ТАЪЛИМ

д) дастурлаштирилган ўқитиш ва назорат ўқитиш қурилмаларидан фойдаланиш


Бу усул ўқувчиларнинг дарслик ва қўлланмалар билан мустақил ишлашларини кучайтиради, ўқиш тезлигини оширади, ўқишда ўқувчиларнинг юксак фаоллигини таъминлайди, ўқувчиларнинг тўғри ахборот олишлари учун шароит яратиб бериш билан бирга, қисқа вақт ичида ўқувчилардан тесқари ахборотни олишни ҳам таъминлайди.

АСОСИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

1. Ўқиш жараёнида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиш жараёнини, шунингдек, уларнинг бутун фаолиятини унумли бошқариш.
2. Ўқиш тезлигининг яққаланиши: ҳар бир ўқувчи ўз қобилиятига ва кучига мос тезлик билан ўқийди.
3. Ўқувчи ва ўқитувчи орасида тўғри ва тесқари алоқанинг мавжудлиги. Материални ўрганишнинг ва ўзлаштиришнинг бориши тўғрисида ўз вақтида маълумот олиб бориш, яъни муттасил равишда ўз-ўзини назорат қилиш, ўқувчиларнинг тўғри иш олиб боришлари, ўзлаштириш сифатини назорат қилиб бериши. Мустақил ишлашга таянган ҳолда ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштириш.
4. Ўқув материални ўқувчилар кучи етадиган қисмларга бўлиш.
5. Материалнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ахборотга асосланиб, ўқитувчининг ўқув жараёнини ўз вақтида ростлаб туриши.

Махсус ўқитиш воситалари назорат ўқитиш машиналари, тренажер ва энг оддий мослама – назорат варақлари, карточка-топшириқ кабиларни кенг суръатда ишлатиш
 Ўқувчилар фаолиятининг муайян тўғри тартибда боришини таъминловчи махсус ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги.
 Дастурлаштирилган ўқитиш усулини таълимнинг бошқа усулларига қарши қўйилмайди, балки у бошқа усуллар қаторида ҳисобланиб, қайси фанларни ва уларнинг қайси бўлимларини ўрганишда энг яхши самарали бўлса, ўша ҳолларда қўлланилади.
 Дастурлаштирилган таълим ўқитишнинг самарадорлигини оширадиган муҳим воситалардан бири сифатида қаралади.

**“Таълим методлари” мавзусидаги
концептуал жадвал**



**Кўргазмали
таълим
методлари**

**Амалий
методлар**

Семинар-анжуман мавзулари

1. Касбий педагогикада таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувлар: мазмуни ва моҳияти.
2. Касбий таълим методларини танлаб олиш шартлари ва қоидалари.
3. Касбий таълим методларининг касбий тайёргарликни оширишдаги роли.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Ибрагимов Х, Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. Т., 2008 йил.
2. Ҳошимов К., Нишонов С. Педагогика тарихи Т., 2005 йил.
3. Мавлонова Р, О. Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика дарслик. Т., 2001 йил.
4. Тожибоева Д, Юлдашев А, Махсус фанларни ўқитиш методикаси (дарслик) лотин Т., 2009 йил.
5. Омонов Х.Т, Хўжаев Н.Х, Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2009 йил.

3. Қўшимча адабиётлар:

1. Ҳолиқов А, Педагогик маҳорат, Т., 2011 йил.
2. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Т., 1996 й.
3. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуродова Қ., Педагогика маърузалар матни. Т., 2000 й.
4. Б. Зиёмуҳаммедов, Педагогик маҳорат асослари, Т. 2009 йил
5. Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарипов Ш. Касбий педагогика. – Т.: ТДИУ, 2001.
6. Ҳақимова М. Касбий педагогика. – Т.: ТДИУ, 2007.

Касб педагогикасида таълим методлари

1. Касб таълими методлари ва уларнинг умумий тавсифномаси.
2. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълим методлари.
3. Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи.
4. Ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Метод, тушунча, функция, тасниф, фаолият, шакл, жараён, тур, билим, мезон, вазифа, натижа.

Касб таълими методлари деганда - ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари тушунилади ва бу усуллар таълим олувчиларнинг техник-технологик билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, мустақил равишда билим олиш ва бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.

Педагогик амалиётда қуйидаги методлар – оғзаки метод (оғзаки баён, тушунтириш, суҳбат), китоб билан ишлаш (инструктив материаллар), кўргазмали метод (кўргазмалар, кино, видеофильм, кузатув), амалий метод (машқлар, лаборатория, амалий ишлар) лардан кенг фойдаланилади.

Дидактик вазифаларга боғлиқ ҳолда қуйидаги методлар қўлланилади – билимларни ҳосил қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига мос равишда икки метод ажратилади ва улар 2 гуруҳга бирлаштирилади: репродуктив ва муаммоли изланиш методлари.

Ўқитишнинг *репродуктив ва муаммоли-изланиш методлари* энг аввало, ўқувчиларнинг янги тушунча, ҳодиса ва қонунларни билишдаги ижодий фаолликлари даражасини баҳолаш асосида қисмларга ажратилади.

Репродуктив методлар биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш, билишга доир фаолиятни бевосита бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш мақсадида қўлланилади.

Ҳикоя қилиш усули репродуктив тузилганда ўқитувчи қоидаларни, далилларни, тушунчаларнинг таърифини тайёр ҳолда беради, у асосий эътиборини мустаҳкам ўзлаштириб олиниши зарур бўлган асосий томонларга қаратади.

Маъруза ҳам худди шундай тарзда тузилади: ўқитувчи муайян илмий маълумотларни баён қилади, доскага тегишли ёзувларни битади, тингловчилар эса уларни қисқача ёзиб оладилар.

Муаммоли таълим дейилганда, ўқув материални ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади. Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида мантикий тўғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятлар юзага келади. Пайдо бўлаётган муаммони ҳал қилиш учун, у ўрганилаётган қоидаларни тўғри тушуниб олишга интилади.

Таълим методини 3 та асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методи.
2. Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методи.
3. Таълим оловчилар ўқув фаолияти самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Методларнинг ҳар бир тури гуруҳларга бўлинади ва уларнинг алоҳида методлари бор, булар эса таълим жараёнининг қуроли ҳисобланади.

Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методига қуйидагилар – суҳбат, кўрғазмали ва амалий метод, ўқитувчи бошчилигида индуктив ёки дедуктив, репродуктив ёки продуктив йўналишлардаги методлар киради.

Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методига – ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ҳамда ўқиш фаолиятига қизиқтириш методлари киритилган.

Ҳар бир метод бошқа бир метод ёрдами билан қўлланилади. Масалан, репродуктив ва муаммоли изланиш методи суҳбат, кўрғазмалар, амалий фаолият ёрдамида қўлланилади. Шу навбатда суҳбат, кўрғазмали ва амалий фаолият методлари ҳам репродуктив ёки изланиш методлари орқали қўлланилиши мумкин.

Ҳаётий ўқув жараёнида эса энг муҳими бу методларни турларга бўлиш эмас, балки ўқитувчининг чуқур билимга эга бўлиши, методлардан унумли фойдалана олиши, таълим оловчиларга ўқув ишлаб чиқариш, ўқув фаолиятида методларни тўғри қўллай олишга ўргатишдир.

Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълим методлари.

Ўқув муассасаларида бошланғич касбий таълимни ўқитишнинг назарий қисми қуйидаги фанларни 3 та циклини ташкил қилади: умумий таълим, умумий техник таълим ва касбий таълим.¹

Умумий таълим фанлари бўйича таълим методининг умум дидактик, хусусий дидактик ва хусусий методик аспекти педагогик адабиётларда чуқур баён қилиб берилган.

Умумтехника ва касб фанларини ўқитиш методлари кўпинча ўзига хос мазмунга кўра аниқланади:

- кўп компонентли тузилма, объектларни турли хил йўналишларда ўрганиш;
- таълим олувчиларни ишлаб чиқариш таълими билан ўзаро боғлиқлиги;
- материалнинг кенг қамровлиги, тажрибавий изланиш сони ва сифати жиҳатидан, хизмат кўрсатиш усулларини амалий ўрганиш;
- ўқув материали мазмунига янги техника ва технологияларни киритиш, маҳаллий шарт-шароитни акс эттириш.

Таълим методларида буларни инobatга олиш зарур.

1. *Таълим олувчиларни ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш методи.*

Суҳбат методи. Оғзаки баён. Умумтехника ва касбий фанларни ўрганиш жараёнида ўқув материални оғзаки баённи гапириб бериш ва тушунтириш орқали амалга оширилади, бунда мавзу тўлиқ таққосланади, исботланиб, мисоллар билан тушунтирилади.

Баён қилинаётган материал таълим олувчиларнинг тушуниши учун қийин бўлган, янги маълумотлар хабар қилинган, меҳнат усулларини бажариш йўллари тушунтириб бериш талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш методидан фойдаланилади.

Умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

- илмий-техник аниқ мазмун;
- мантиқий тузилиши ва кетма-кетлиги;
- таълим олувчиларга тушунарли ва осон етиб борадиган;
- ҳар бир босқичда фикрни аниқ ва равшанлиги;
- таълим олувчиларнинг эътиборлигини, фаоллигини ошириш.

Суҳбат – бу касб таълимининг шундай усулидирки, унда ўқитувчи тўғри қўйилган саволлар ёрдамида таълим олувчиларда илгари ўзлаштирилган билимлар ҳосил қилиб эсга туширади ва шу асосда мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундайди.

Таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиши ва бошқариш савол-жавоб методи орқали амалга оширилади. Бундай суҳбат *эвристик суҳбат* дейилади.

Умумий ўтказилган суҳбатлар таълим олувчиларни қизиқишини, диққатини оширишга, билимларни яхши эгаллашга олиб келади. Лекин суҳбат методи оғзаки баён методидан кўра мураккаброқдир, яъни ўқитувчидан дарсга пухта тайёрланишни талаб қилади.

Умумтехник ва касб фанларини ўрганишда эвристик суҳбатнинг қуйидаги шартларини кўрсатиш мумкин:

- ўқув материалнинг мазмуни мантиқий тўғри тузилган бўлиши шарт;

- янги ўқув материални ўрганишда кўпроқ техник ва технологик хужжатларни муҳокама қилишга қаратиш керак;
- суҳбатни бошқа методлар ва ўқув ишлари турлари билан бирга ўтказиш керак (тушунтириш, китоб билан ишлаш, кузатув).

Эвристик суҳбатда саволлар кенг қамровли тузилган бўлиши лозим. Қуйидаги саволларни кўрсатиш мумкин:

1. Фанларни қарама-қарши қўйиш, унинг кўринишини, жараёнини, далилларини ва бошқаларни;
2. Ҳар хил ҳолатга тушиб қолганда ҳам билимларидан фойдалана олишни аниқлаш;
3. Сабабини ташхисли тушунтириш;
4. Исботлаш «ҳа» ёки «қарши» га далил келтириш;
5. Фанлараро боғлиқликни ўрнатиш.

Суҳбат ўтказишда унинг мантикий режасига қатъий риоя қилиш керак, савол-жавобларнинг кетма-кетлиги шундай тузилган бўлиши керакки, унда мавзу мураккаблашиб, ривожланиб боришини таълим олувчи сезиши лозим. Ўқитувчи суҳбатни хулоса қилиб тугатиши керак.

Китоб билан ишлаш: тез ўқитиш, конспект олиш, режа тузиш, мисоллар муҳокамаси, назорат саволларига жавоб бериш ва ҳоказолар.

2. Кўргазмали метод

Инсоннинг ташқи оламни сезишининг энг муҳим органи – кўздир. Олимларнинг фикрича, 80% информация кўз орқали тушади, 80% иш операциялари кўз орқали қилинади. Мана шулардан кўришимиз мумкинки, таълим жараёнида кўргазмали метод катта аҳамиятга эга.

Умумтехник ва касб таълими фанлари бўйича кўргазмали методлар, табиий (асбоб, дастгоҳ, деталл, жиҳоз, материал намуналари) ва тасвирий (плакатлар, модел, макет, схема, кино-видеофильм, кино проекция, компьютер, мультимедиа). Ўқитувчи мавзунини тушунтиришда кўргазма сифатида, ёки бир хил ҳолларда ўрганилаётган фан бўйича аниқ кўргазма сифатида, янги ахборотларни беришда кўргазмали методлар жуда қулайдир.

3. Амалий метод.

Машқ амалий методнинг асоси ҳисобланади. Машқ ўтказишнинг асосий мақсади ўқитиш жараёнида таълим олувчилар техника ва касбий фанлар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллай билишни ўргатишдир. Таълим олувчиларнинг билимларни мустаҳкамлашда ҳам машқларнинг ўрни каттадир. Ҳамма машқларни 3 та асосий типга келтириш мумкин: репродуктив, бадиий, изланувчанлик.

Репродуктив машқ - бу типдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар қуролманинг тузилиши, материали, асбоб-ускуналар, ёзма вазифаларни ўрганишади. Репродуктив машқда чизмалар, схемалар, графиклар, диаграммалар муҳокама қилинади ва таълим олувчилар уларни

бажаришади. Касбий фанлар бўйича эса техник хужжатлар, станок паспортларининг технологик карталари ўрганилиши мумкин.

Бадий машқ - бу турдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар эгаллаган билим ва малакаларидан турли хил комбинацияларда фойдаланишади, яъни олдига қўйилган вазифаларнинг мустақил оригинал жавобларини топишади. Бадий машқ турларидан бири продуктив масалаларни ҳал қилиш: танлаш (асбоб, ишлов бериш тури, созловчи механизм), таққослаш ва баҳолаш (ишни бажариш йўли, асбобларнинг қўлланилиши) аниқлашга боғлиқ бўлган (техник талаб, алоқадорлик), турли хил техник жараёнларни тушунтиришдан иборат. Бу турдаги машқлар орқали ўрганилаётган машина, механизм, қурилмаларнинг схемалари тузилади.

Изланиш машқи – бу ҳам эгалланган билимларни машқларда бадий қўллаш бўлиб, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

4. *Таълимда фаоллик методи.*

Ҳозирги кунда илмий ва амалий педагогикада таълим методлари катта аҳамият касб этмоқда. Таълим олувчиларнинг ички ва ташқи фаоллигини ошириш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади. Булардан энг кўп қўлланиладигани – дидактик ўйинлардир.

Касб таълимидаги дидактик ўйинлар: «техник диктант», кичик конкурслар, «ким эпчил-у, ким чаққон», «техник курашлар», «саволлар», «техник лото», «техник домино» ва ҳоказолар.

Таълимнинг фаоллик методига семинар дарслари ҳам киради. У уч босқичдан иборат: семинар бўйича ўқитувчининг маърузаси, таълим олувчилар семинар бўйича мустақил уй вазифаларини тайёрлаб келиши ва семинарларни ўтказиши, бунда таълим олувчи тайёрлаб келган матнлари ва кўргазмаларни қуроллардан, асбоблардан, жиҳозлардан фойдаланиб тушунтириб беради.

Касбий таълим муассасаларида амалий ишларда интерактив дарслар ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу дарсларда икки ёки бир неча фанларнинг мавзулари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилади. М: математика ва информатика, физика ва химия, касбий технология ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар.

Таълим олувчиларнинг ўқув билиш фаолияти фаоллиги дарсдан ташқари ишларда техник кашфиётчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Дарсдан ташқари ишлар – касбий таълим устаси танловлар, илмий-амалий конференциялар, рационализаторлар ва кашфиётчилар билан

учрашув, илм-фан, техник олимлар билан учрашувлар, намунали ишлар кўрғазмаси, техник тўғараклар орқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади – таълим олувчиларда аниқ бир касб, соҳа бўйича устачиликни шакллантиришдир. Ишлаб чиқариш таълимида шу асосий мақсадга босқичма-босқич эришилади. Қуйида «касб устаси» тушунчасини очиб берувчи мезон кўрсаткичлари келтирилган:

- Бажарилаётган ишнинг сифати – техник талабларни бажариш, меъёр ва кўрсаткичларга мос келиши, ижобий натижалар олиш;
- Меҳнатни ташкил қилиш – белгиланган вақтда бажариш, вақтдан унумли фойдаланиш, иш вақтида тежамкорлик;
- Касбий мустақиллик – мустақил иш турини танлашни билиш, ишлаб чиқаришнинг юқори сифатини таъминлаш, тўғри хулосалар чиқариш, ўз-ўзини бошқариш, меҳнат маданиятига амал қилиш, ишни режалаштириш, янги техника ва технология билан ишлай олиш, юқори технологик интизом, касбий билимларни ишда қўллай билиш, меҳнат фаолиятини ва иш жойини тўғри ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Ишлаб чиқаришнинг фаоллик методи.

Ўқув ишлаб чиқариш ишларида фаоллик, яъни ақлий билим катта рол ўйнайди. Фаоллик таълим олувчилар мустақиллигида ва мақсадли фаолият танлашларида ва уларни ижобий натижаларга олиб келиш, меҳнатни режалаштириш, анализ ва хатоликларга йўл қўймаслигида кўринади. Таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллиги – машиналарни, агрегатларни ишлатишдаги қобилияти, ички жараённи билиши ва қилинган таҳлиллар асосида мақсадли ечимларга келишларида кўринади.

Ишлаб чиқариш таълимидаги «фаоллик» методига – ишлаб чиқаришдаги техник масалаларни ечиш киради: ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меъёрини ҳисоблаш, автоматлаштирилган жиҳозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиш, жадвал, диаграммалардан керакли маълумотларни топиш кабилар.

Ишлаб чиқариш таълимининг «фаоллик» методига машқлар ҳам киради. Машқлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар ишлаб чиқариш ҳаётида содир

бўладиган жараёнларга таълим олувчиларни тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун жараён ҳосил қилиш керак бўлади. М: агрегатларни сошлаш, технологик меъёрларни бузилганлиги, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши кабилар.

Таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш

Таълимда назорат қилишнинг 2 тури мавжуд. Биринчи – таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар хил кузатиш, иккинчиси – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текширишдан иборат.

Кўникма деганда одамнинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади. Орттирилган билимлар одам хатти-ҳаракатининг назарий асоси ҳисобланади. Билимларга асосланиб хатти-ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, алоҳида босқичлари фикран хаёлдан ўтказилади. Элементар тажриба талабларида айнан бирор фаолият ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бирон касб ёки фаолият ҳақида тасаввурга эга бўлишда элементар тажриба билан бирга бошқаларнинг тажрибасини тасаввур қилиш аҳамият касб этади. Бу ерда педагогнинг шахсий намунаси, мутахассис кадрларнинг илғор тажрибалари, етук олим ижодкорларнинг иш жараёни мисол бўла олади.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши жараёнида талабалар кўриш ёки эшитиш орқали фақат ҳаракатларнинг қандай бажарилиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бу фақат намуна, бажарилиши керак бўлган иш ҳақидаги кириш инструктори ҳисобланади Кўникманинг шаклланиши учун талаба бу ҳаракатларни ўзи бажариб кўриши шарт. Таълимнинг турли босқичларида талабалар меҳнат кўникмаларининг даражаси ҳар хил бўлади. Элементар кўникмалар аста-секин мураккаб кўникмаларга айланади, мураккаб кўникмалар кўп марта қайтарилиши ёки машқ қилиниши натижасида малакалар пайдо бўлади.

Малака – билимларга асосланиб машқ ёрдамида айланган фаолиятнинг автоматлашган компоненти ҳисобланади. Малака тез ва аниқ бажариш билан боғлиқ бўлган кўникмаларнинг автоматлашган элементлари саналади. Малакалар бажарилаётган фаолиятнинг фақат маҳорат томонини, яъни айрим ҳаракатларни ифодалайди.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши учун фақат тафаккурнинг ёки ақлий фаолиятнинг ўзигина етарли эмас. Талабаларда мураккаб кўникмаларнинг, умумлашган сафарбар кўникмаларнинг шаклланиши учун

улар бевосита амалий меҳнат фаолиятида, узоқ пайт машқ бажаришда қатнашишлари шарт.

“Касб педагогикаси” фанини ўрганишда назарий таълим жараёнида назорат қилишнинг асосий методлари, таълим олувчиларнинг билимларини оғзаки текшириш, ҳамда ёзма текшириш, назорат ишлари «техник диктант»лар ўтказиш, техник ҳужжатларни муҳокама қилиш ва бошқалар. Назарий таълимда таълим олувчиларнинг билимларини амалиётда қўллай олишини назорат қилиш, схемаларни йиғиш, ўлчаш, механизмларни тузатиш, бузилиш сабаблари ва бошқалар. Бу методга яна лаборатория – амалий ишлар орқали текширишни ҳам киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқаришда бажарган ва бажараётган назорат қилишнинг асосий методлари: жорий, оралиқ ва якуний назоратлардир.

Таъхисли назорат турларидан бири – тест ўтказишдир. Тест икки усулда ўтказилади.

Биринчи усул – ташкил қилувчи сифатида, дастурлаштирилган таълим, назорат ва қайта алоқа тизими.

Иккинчи усул – мустақил назорат қилиш методи. Ишлаб чиқариш таълимида тест мустақил ўз-ўзини назорат қилиш методи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълимининг ҳар бир босқичида тестлар ўтказиш мумкин.

Педагог ва талабанинг дастурли фаолияти таълим жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада – кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда педагог «технолог» сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрнатиши, ўтилаётган ўқув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман таълим жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб таълим жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишни таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади.

Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қилишади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади.

Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин:

1. Оғзаки ва ёзма назорат.

Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий муносабат, ўқитувчининг талаба билан жонли мулоқоти, унинг фикрларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида педагог томонидан қўшимча саволлар бериш имкониятлари киради. Педагог томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо талабанинг фаол фикрлаши билан боғланган.

Оғзаки жавоб яхши тайёрланган талабага ўзининг иқтидорини, қўшимча эгаллаган билимларини намоёиш этишга имкон беради. Бевосита мулоқот туфайли педагогда савол-жавоб давомида талабанинг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш имкони бўлади. Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда талабалар билимларини баҳолашда маълум даражада педагог шахсиятининг акс этиши намоён бўлади. Ҳар бир педагогда талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашда доимо ҳолис ва шахсий муносабат бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади.

Умуман олганда, талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан ҳолисона бўлмайди. Талабанинг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гуруҳнинг ўртача даражасини мўлжалга олади. Шунинг учун кучсиз гуруҳларда баҳолар одатда кўтарилган, кучли гуруҳларда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув материални ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил экспертларни ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга:

- имтиҳонда талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун ўқув фанини билиш учун қўйилади;
- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган;
- оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди;

➤ оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қилади, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

2. Тест (инглизча–синаш) – бу бирор бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади

I.8-Мавзу. "Ўқув жараёнида ўқитиш воситалари" мавзусидаги маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 4 с	Талабалар сони – 28 та
Ўқув машғулотининг шакли	маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 5. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 6. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда дидактик воситалар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги яхлит тасаввурни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: - “дидактик восита” тушунчаси билан таништириш; - “метод” ва “восита” ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқлаштиради; - таълим воситаларининг функцияларини ёритиб бериш; - таълим воситалари таснифини тавсифлаш.	Ўқув фаолияти натижалари: - “дидактик восита” тушунчасининг таърифини билиб олишади ; - таълим воситаларининг функцияларини ўрганишади; - таълим воситалари таснифи билан танишадилар; - таълим воситаларига доир таснифларни таққослайдилар ва хулосалар чиқаришади.
Таълим методи	Визуал-маъруза, тушунтириш, аклий хужум, видеометод, “Концептуал жадвал” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Визуал маъруза, оммавий, гуруҳли, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация, визуал материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“ Ўқув жараёнида ўқитиш воситалари” мавзусидаги маърузанинг
технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	<p>1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради.</p> <p>1.2. Мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.</p> <p>1.3. Мазкур мавзуда гап нима ҳақида боришини ўйлашни таклиф этади ва саволга жавоб олади.</p>	<p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p> <p>Саволга жавоб беришади.</p>
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини таркатади, визуал материаллардан фойдаланиб, маърузани баён этади (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9-иловалар).</p> <p>2.2. Таълим воситаларига доир видеороликларни тақдим этади ва ақлий хужум вазиятини ҳосил қилади.</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳокама қилишади ҳамда мавзунинг энг муҳим жиҳатларини ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	<p>3.1. Талабаларнинг таълим методлари ва воситалари ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Концептуал жадвал” график органайзерини тўлдиришни таклиф этади (10-илова). Талабаларни концептуал жадвал тузиш коидалари билан таништиради.</p> <p>3.2. “Концептуал жадвал” асосида шакллантирилган таълим методларининг мазмуни, функциялари, белгилари ва коидалари бўйича муҳокамани ташкил этади.</p>	<p>“Концептуал жадвал”ни жуфтликларда тўлдиришади, баён этишади ва бошқаларники билан таққослашади.</p>

“Дидактик воситалар” тушунчаси

Таълим методлари таълим воситалари билан биргаликда қўлланилади. Дидактик воситалар деганда, ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар, намо-йишли қурилмалар, техник воситалар тушунилади. Таълим воситалари – бу янги билимларни ўзлаштириш учун ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган объект. Таълим воситалари катта аҳамиятга эга. Таълимнинг барча воситалари таълим мақсадларини мувафаққиятли амалга оширади.

Таълим воситалари ўзида ўқув-тарбиявий мақсадга эришиш учун зарур бўлган моддий ёки маънавий кадрларни акс эттиради. Одатда улар таълим методларига мос ҳолатда фойдаланилади. Бироқ агар методлар «қандай ўқитиш» саволига жавоб берса, воситалар эса, «унинг ёрдамида ниямани ўқитиш» саволига жавоб беради.


Анъанавий равишда қўланиладиган таълим воситаларига дарслик, расмлар, жадвалар, нутқ, ўқув-устахонаси жиҳозлари, лабораториялар, ахборот воситалари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш воситалари киради.

“Метод” ва “восита” ўртасидаги ўзаро нисбат

Фанни ўқитиш билан боғлиқ ҳолда таълим воситаси танланади. Ўқитувчи ўзининг ихтиёри бўйича кўргазмалар материал, ўқув қўлланмадан фойдаланиши мумкин. Таълим воситасини қўллашнинг яна бир жиҳати албатта таълим жараёнининг таркибий қисми сифатида акс эттиришидир.

Таълим воситасини танлаб олиш таълим методини танлаб олиш билан боғлиқ. Агар таълимнинг фаол методи(китоб билан ишлаш, машқлар) фойдаланилса, у ҳолда ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланилади. Айнан таълимнинг актив-техник воситалари амалий методларда фойдаланилади.

Таълимнинг пассив(суст) методлари(ўқувчилар эшитади, яъни ҳикоя, маъруза, тушунтириш, экскурсия) таълимнинг кўргазмалар воситаларидан фойдаланилади. Таълимнинг кўргазмалар воситалари педагогнинг ўзи томонидан тузилган бўлиши мумкин.



Таълим воситаларидан фойдаланиш шарт-шароитлари

Воситаларнинг исталган туридан фойдаланишда ўлчов ва мутаносибликка эътибор бериш керак. Масалан, кўргазмали воситаларнинг сони етарли бўлмаслиги билимларнинг сифатига таъсир кўрсатади, билишга қизиқишни пасайтиради, образли идрок этишни ривожлантирмайди. Улардан ҳаддан ташқари фойдаланиш ўқувчиларнинг ўрганилаётган фанга енгил-елпи қарашига олиб келади. Мураккаб мавзуларни ўрганишда 4-5 демонстрация оптимал ҳисобланади.

Таълим воситалари таснифи

Таълим воситалари таснифи аниқ ва ягона бўлиши мумкин эмас. Таълим воситасининг аҳамиятли томони уларнинг биргаликда қўлланилишидир ва ҳеч қачон бир-бирини инкор этмайди. Ўқитувчининг вазифаси – дарс жараёнини фаоллаштириш учун таълимнинг самарали воситасини танлаб олишдир.

Таълим воситаларини таснифлашда турли асосларга кўра ёндашиш мумкин:

- фаолият субъектига кўра;
- фаолият объектига кўра;

- ўқув ахборотиغا муносабатига кўра;
 - ўқув жараёнидаги вазифасига кўра.
-

6-илова

Фаолият субъекти бўйича таълим воситалари таснифи

Фаолият субъекти бўйича таълим воситалари ўргатиш ва ўрганишга бўлинади.

1. Ўқитиш воситалари. Масалан, намоёнишли-тажриба қуроллари. Бундай қуроллар ўқитувчи тошондан мавзунн тушунтириш ва мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

2. Ўрганиш воситалари. Масалан, лаборатория-практикум қуроллари. Бундай воситалар ўқувчилар тошондан янги билимларни эгаллаш учун қўлланилади.

В.А. Слостениннинг фикрича, дидактик воситалар ўқитувчи ва ўқувчи учун хослигига қараб, иккига бўлинади. Биринчисига кўра, нарсалар ўқитувчи тошондан таълимнинг мақсадларини самарали реализациялаш учун қўлланилса, иккинчиси – бу ўқувчиларнинг индивидуал воситалари, дарсликлар, дафтарлар. Бундан ташқари дидактик воситалар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолият турига кўра спорт қуроллари, ботаника ва география майдончаси, компьютерларга ҳам бўлинади.

7-илова

Фаолият объектлари бўйича таълим воситалари таснифи

Фаолият объектлари бўйича ҳам таълим воситалари иккига бўлинади:

1. Материал таълим воситалари. Бу ўқув қўлланмалари, дарсликлар, жадваллар, макетлар, моделлар, ўқув-техник воситалар, мебел, ўқув-лаборатория қурилмалари, кўргазмали воситалар бўлиши мумкин.

2. Идеал таълим воситалари – булар педагог ва ўқувчилар янги билимларни эгаллашда қўллайдиган воситалар: чизмалар, схемалар, диаграммалар, тасвирий, санъат, нутқ, хат ва бошқалар. Идеал воситалар – бу «фикрлар ҳақидаги фикрлар»: ўқитувчи уларни ўргатиш учун белгиланган шаклда кўрсатиши зарур. Масалан, материализация – абстракт символлар тарзида кўрсатиладиган восита(графиклар, жадваллар, чизмалар), вербализация – нутқ баёни тарзида кўрсатиладиган восита(тахлил, муҳокама қилиш, далил келтириш).

Материал ва идеал восита бир-бирини тўлдиради. Материал восита кизиқиш ва диққатни уйғотиш, амалий ҳаракатларни амалга ошириш билан

боғлиқ бўлса, идеал воситалар – мантиқий муҳокама. Материални тушунтириш, нутқ маданияти, ёд олиш билан боғлиқ.

8-илова

Ўқув ахборотига муносабати ва ўқув жараёнидаги вазифасига кўра таълим методлари таснифи

Ўқув ахборотига муносабатига кўра таълим воситалари янги материални ўрганиш воситалари, такрорлаш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш воситалари, билимларни назорат қилиш воситалари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш воситалари ва ахборот воситаларига бўлинади.

Ўқув жараёнидаги вазифасига кўра таълим воситалари коммуникация (мулоқот) ва ўқув ишлари воситаларига тасниф этилади. Ўқув иши вазифа, муаммо, масалаларни ҳал этиш, турли машқларни бажариш жараёнидир. Таълим – коммуникация (мулоқот) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолияти саналадиган коммуникатив-фаолиятли жараён. Коммуникация – бу кодлаш (ўқитувчи нутқидаги атамаларда), узатиш (ёзилиш) ва ўқувчиларнинг ахборотни қабул қилиши (тушуниш ва дастлабки эслаб қолиш).

Дидактик воситалар ҳис қилиш, сезиш учун фойдаланишига кўра ҳам тасниф қилинади. Бундай боғлиқликка кўра дидактик воситалар визуал (кўриш) – ҳақиқий(оригинал) нарсалар ёки турли образли эквивалентлари, диаграммалар, карталар; аудиал(эшитиш) – радио, магнитофон, мусиқа асбоблари; аудиоизуал(кўриш-эшитиш) – овозли фильмлар, телевидение, компьютерлар, дидактик машиналар, электрон дарсликлар.

9-илова

Таълимнинг техник воситалари

ТТВ – бу ўзида ўқув-ахборотларини экранли-овозли акс эттирувчи асбоб ва мосламалардир. Уларга:

1. Ўқув кинофильмлари.
2. Диафильмлар.
3. Компьютерлар.

4. Магнитофон тасмалари.
 5. Радиоэшиттириш.
 6. Телекўрсатувлар киради.
-

10-илова

**“Таълим воситалари” мавзусидаги
концептуал жадвал**

Восита	Белгилари	Таърифи	Функцияси	Қоидалари	Изоҳ
Идеал воситалар					

Материал воситалар					
Таълимнинг техник воситалари					

**I.9-Мавзу. “Касбий таълимда инновацион технологиялар” мавзусидаги
маълумотли маъруза таълим технологияси модели**

Маърузага ажратилган вақт – 4 с	Талабалар сони –28 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 5.Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 6. Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда “технология”, “педагогик технология” ва “инновацион технологиялар” тушунчалари ҳақида яхлит тасаввурни таркиб топтириш ҳамда касбий таълимда қўлланиладиган инновацион технологиялар тўғрисида маълумот бериш.
Педагогик вазифалар: - “технология”, “педагогик технология”, “инновацион технология” тушунчаларининг моҳиятини ёритиб бериш; - таълимга анъанавий ва технологик ёндашувнинг ўзига хосликларини очиб бериш; - касбий таълимда қўлланиладиган инновацион технологиялар таснифи билан таништириш; - касбий таълимда қўлланиладиган инновацион технологиялар мазмунини баён этиш.	Ўқув фаолияти натижалари: - “технология”, “педагогик технология”, “инновацион технология” тушунчалари мазмун-моҳиятини англаб оладилар; - таълимга технологик ёндашувнинг афзалликларини билиб оладилар; - касбий таълимнинг шахсга йўналтирилган, муаммоли, модулли инновацион технологиялари таснифи билан танишадилар; - касбий таълимда қўлланиладиган шахсга йўналтирилган, муаммоли, модулли инновацион технологиялар мазмунини ўзлаштирадилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Венн диаграммаси” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Касбий таълимда инновацион технологиялар” мавзусидаги
маълумотли маърузанинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради. 1.2. Мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этади. 2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг касб таълимида қўлланиладиган инновацион технологиялар ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Венн диаграммаси” график органайзерини тақдим этади. 3.2. “Венн диаграммаси” график органайзерини намойиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шакланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	“Венн диаграммаси” график органайзерини гуруҳларда тўлдиришади. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топширикни ёзиб олишади.

Касб таълимида инновацион технологиялар

1. Касб педагогикасида инновацион технологиялар
2. Ўқитиш технологиялари мажмуавий интерактив тизим сифатида
3. Семинар дарсларини ташкил этишда интерактив методлар
4. Ўқитиш технологияларини лойиҳалаш
5. Педагогик амалиётда инновацион технологияларни қўллаш

Касб педагогикасида инновацион технологиялар

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи жамиятни маънавий янгилайдиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантирадиган ва уни жаҳон ҳамжамияти даражасига кўтариб, узвийликни таъминлайдиган очик демократик ҳуқуқий давлат курмоқда.

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳиёти ва умуминсоний кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп қарра такрорланади.

Таълимга 3 хил ёндашув.

Маълумки педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган 1 неча ўқитиш услублари ишлаб чиқилган; муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи ўйинлар, роллар бажариш, мавзуий ўқитиш ва ҳоказо. Аммо улар халқ таълими тизимида кенг қўлланилади деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутиши, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндашув ва кўп вақтни сарфлашни талаб қилишда бўлса керак. Одатда, ҳар бир бундай машғулот сценарийси ўзига хос хусусиятга эга ва такрорланмасдир.

Таълимда оғзаки - қўرғазмали ёндашув жуда катта тажрибага эга ва қисмларга ажратилиб ишлаб чиқилган бўлиб, таълим тизимида улкан хизмат кўрсатди, биров бўлсада, такомиллашувни давом эттирмоқда, аммо бу такомиллашув ёндашувнинг қонуниятлари доирасида чеклангандир. Жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан ва техника талаблари таълим тизимидаги ислоҳатлар рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, шахсни ривожлантириш, унинг маълумот олиш истакларини қондиришга бўлган жамият эҳтиёжлари ҳамда ўқитиш услублари ўртасида зиддиятлар туғилишига олиб келади.

Ўзбекистон педагоглари педагогик технология билан етарлича таниш эмаслар. Албатта бу ҳолатни тузатишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Кўп босқичли таълим тизимида, янги стандартлар ва дастурлар доирасидаги таълим жараёнини эскирган услубият бўйича олиб борилишига йўо қўйиб бўлмайди.

Таълим тизимидаги кенг қамровли таркибий ислохатларни республика педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнига қўллаш билан мустаҳкамлашлари зарур. Аввал таъкидланганидек, бунинг учун педагоглари мизни ўқув жараёнига технологик ёндашувларини ўргатиш талаб этилади, бу эса педагогик технологиядан фойдаланишдан ташқари уни Ўзбекистон маданияти, анъаналари ва тажрибаси билан бойитишга олиб келади.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмаларни тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш лавҳаларига ажратиш каби усуллар ҳозирги кунга келиб қайта-қайта такрорлаш мумкин бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.

У асосан ўз ичига қуйидаги омилларни олади;

- -аълимда умуммақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умуммақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув тадбирлари мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқат асосида таълимга жорий тузатиш) киритилиши лозим
- натижани баҳолаш.

Таълимга технологик ёндошув.

Тарбиялаш технологияси - нисбатан янги атама бўлишига қарамай, ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни, таркибини эмас, балки бу соҳадаги ҳукумат ишлаб чиққан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади. Шу боис профессор-ўқитувчилар учун ҳар томонлама ривожланган юқори интеллектуал ва маънавий баркамол фуқаро шахсини шакллантиришга қаратилган талабаларни ҳукумат сиёсатида мувофиқ тарбиялаш технологияларини эгаллаши долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14 сессиясида Президент И.А.Каримов ўз нутқида «Бизнинг олдимизга озод фуқаро

шахсининг маънавиятини бошқача айтганда, озод ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ҳодисаларни, ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди» деб таъкидлаган эди.

Миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик ғоя ва маданияти, умуминсоний қадриятлар, кўп миллатли халқимиз анъаналаридан айрим ҳолда тиклаб бўлмайди. Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги - айнан шулардан маънавиятга эришиш ва уни ривожлантириш бошланади.

Таълим ва тарбия журналининг 1996 йил 1 сониди эълон қилинган «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий ишлар режаси» тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади. Ушбу дастур олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртлари олимлари ва педагоглари гуруҳининг меҳнати маҳсулидир. Унинг асоси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон дахлсизлигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини барпо этиш, ҳар бир талабани кўп қиррали баркамол ва Ватаннинг юксак ғояларига содиқ шахс сифатида тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари олинган.

Дастурда қуйидаги асосий тарбиявий йўналишлар ва мақсадлар келтирилган.

1. Фуқаро тарбияси. Энг юксак миллий қадриятлар ва сифатларни тарбиялаш, умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш.

2. Касб эгаллашга, шахсий масъулиятни юқори малакали бўлишга ва касбий маҳоратга интилишни тарбиялаш, меҳнат фаолиятига ва доимий равишда малакани ўстириб боришга ундовчи сифатларни тарбиялаш.

3. Оилавий ҳаётга тайёрлаш. Ота-она ва қондош-қариндошлар оила олдида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

4. Талабани шахс сифатида ривожлантириш. Бетакрор шахсий сифатлар ва ижтимоий қиёфани ҳар томонлама ижодий ривожига кўмаклашиш.

Замонавий тарбиялаш технологияси - ҳар томонлама ёндошувни амалга оширади ва қуйидаги мажбурий талабларга риоя қилади;

1. Тарбияланувчиларга 3 йўналиш бўйича таъсир этилади - тафаккурига, сезгиларига ва хулқига.

2. Тарбия (ташқи педагогик таъсир) ва ўз-ўзини тарбиялашнинг узвийлиги туфайли ижобий натижага эришилади.

3. Тарбия жараёнида иштирок этувчи барча восита ва тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши; ижтимоий институтлар, бирлашмалар, оммавий

ахборот воситалари, адабиёт, санъат, оила, мактаб, ҳуқуқ тарғибот идоралари, жамоалар - ҳар томонлама ёндошувнинг зарурий шартидир.

4. Шахснинг маълум сифатлари амалдаги тарбиявий ишлар мажмуи орқали ҳосил қилинади. Бу ишлар яққол кўринишдаги кўп ёқлик бўлиши, бир вақтнинг ўзида ақлий, жисмоний, хулқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини узвийлиги асосида олиб бориши зарур.

5. Ҳар ёқлама яхлит тарбиявий ёндашув тарбиячининг тизимли муносабатини ва бошқарувини тақоза қилади. Бошқарув тарбия жараёнида иштирок этувчи ташқи ва ички омилларни ва уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олингандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу боис, у омиллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта такрорланиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Республикамизнинг таниқли олимлари илмий асосланган, минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилоқдалар.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда талабаларни ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мультимедиалардан амалий машғулотларда фойдаланиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш бўйича режаларини аниқ белгилашига эришишни уларнинг ички эҳтиёжига айлантириш талаб этилади.

Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Таълим технологияси репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни талабаларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган. Репродуктив билим бериш жараёнида машғулот аниқ бўлақларга бўлиниб, ҳар бир бўлагида талабалар билиши ва ўрганиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллари машғулот

мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган ва талабаларнинг ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қурилган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни ташкил қилади.

Янгича ёндошув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида талабалар фаолиятининг самарали шакл ва услублари, уларни мустақил ишларини ташкил қилиш керак. Бундай мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

Маъруза ва амалий машғулотларни ўтиш жараёнида муаммоли вазият талабаларнинг қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади. Муаммоли вазиятни яратишдан кўзланган асосий мақсадни амалга ошириш учун вазиятни баҳолашда талабаларнинг оғзаки ва ёзма жавобларидан вақти-вақти билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион технологиялар асосида баҳс-мунозара дарслари, ақлий ҳужум ўйинларидан кенг кўламли билим, тажриба ва мустақилликка асосланган ҳолда машғулотлар ташкил этилса, қуйидаги натижаларга эришилади:

- машғулотлар давомида талабаларнинг мустақиллиги, ихтиёрийлиги ва эркинлигига эришилади;
- талабалар ўз фикр ва қарашларини ҳимоя қилишга ўрганадилар, уларни бошқаларга етказиш маҳоратини эгаллайдилар;
- талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар ва уларда ўзаро ҳурмат ҳисси ортиб боради;
- талабалар ўқув фанига доир материаллар билан мустақил ишлашга, изланишга, ўқитишнинг самарали шакл ва услубларидан ижодий фойдаланишга одатланиб боради;
- талабаларда билимларни мустақил эгаллаш, ижодий фикр юритиш ва эркин фикрлаш малакалари шаклланади;
- ўқув машғулотларида ахборот технологияларидан фойдаланишга, ўзаро фикр алмашишга, педагогик фаолиятни танқидий таҳлил қилиш ва таққослашга ўрганадилар.

Бугунги кунда таркиб топган таълимнинг энг муҳим элементлари қадимдан шаклланиб келган ва ўзининг аҳамиятини ҳозирда ҳам йўқотмаган. Таълим мақсади, мазмуни, шакллари, услуб ва воситалари педагогикада таълим жараёнларини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб ҳисобланади. Айнан шу категориялар маълум бир предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўқув тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда

йўналтирувчи педагогик ва ўқув фаолиятининг қонуният ва мезонлари тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Педагогик жараённинг моҳияти – ўқитувчининг таълим олувчи билан бирор фаолиятда аксини топади, бунда педагог таълим олувчига кийинчиликларни енгиб ўтиши учун ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг моҳияти педагогик жараённинг йўналтирилганлиги ва тавсифида ҳамда шахсни шакллантириш ва тарбиялашда ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади. *Педагог фақатгина эслатган, кўрсатган, тушунча берган, йўналтирган, ҳаққонийлаштирган, маслаҳат берган, бартараф этган, ҳамдардлик қилган, талабчанликни қўллаб-қувватлаган ҳолларда ёрдам беради.*

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, натижалаш, тузатиш киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақт тежалани, бу эса педагогик технологиянинг самарадорлиги демакдир. Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги - ишланган модель бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ўшандай самара-натижа бериши кераклигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янгича ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик тадбиқ этилсагина, таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак хоҳиши, унинг имкониятлари даражасида қондирилади;
- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;
- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;
- у умр бўйи ўз билимини ўзигина бойитишига ишонч пайдо бўлади;
- эркин фикрлаш малакаси шаклланади;
- шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади.

Бунинг учун биз ўқувчига «сен буни билишинг керак» деган мажбурловчи даъватдан «менга бу зарур ва мен буни билишга уни ҳаётда қўллашга қодирман» деган ички ишончи ва интилишини уйғотишга ўтишимиз керак.

Шундай қилиб, олий ўқув юртларида инновацион технологияларни қўллаш талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқув машғулотлари самарадорлигини, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, ўқитишда масофавий таълим ва компьютер саводхонлигини орттиришга замин тайёрлайди.

I.10-Мавзу. “Касбий фанларни ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш” мавзусидаги маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 4 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотивнинг шакли	маъруза
Ўқув машғулотивнинг тузилиши	1. Маърузага кириш. 2. Маърузани амалга ошириш тартиби билан таништириш. 3. Маърузалар билан танишиш. 7. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш. 5. Маърузалар юзасидан умумий хулосаларга келиш. 6 Маърузани якунлаш.
Ўқув машғулотивнинг мақсади	Талабаларда ўтмишдаги сиёсий қарашлар ва таълимотлар ҳақидаги билимларни таркиб топтириш
Педагогик вазифалар: 1) анжуман-маърузанинг мақсад ва вазифасини тушунтириш; 2) анжуман-маърузани амалга ошириш тартибини баён этиш; 3) маърузаларни тинглаш жараёнини ташкил этиш; 4) маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилиш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1) маърузаларни тақдим этишади ва тинглаб боришади; 2) маърузалардаги энг асосий жиҳатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) маърузалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишади; 4) маъруза юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадилар; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
Таълим методи	маъруза, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Тоифалаш” жадвали
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

“Касбий фанларни ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш” мавзусидаги анжуман-маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
Тайёргарлик босқичи	<p>(1) Маъруза мавзулари, маърузага тайёрланиш учун адабийтлар рўйхатини беради.</p> <p>(2) Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчиларни аниқлашлаштиришни ташкиллаштиради.</p> <p>(3) Маърузачиларга танланган мавзу бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради.</p> <p>(4) Барча талабаларга маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тайёрлаб келиш топшириғини беради.</p> <p>(5) Маърузачилар билан маъруха қилиш методикаси ва тузилишини муҳокама қилади, маъруза мазмунига ўзгартиришлар киритади (1-илова).</p>	<p>Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Қолганлари маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.</p>
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (20 минут)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади.</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради.</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (2-илова).</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	<p>2.1. Талабаларни ўзлари тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади.</p> <p>2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишни ва</p>	<p>Маърузачилар ўзлари тайёрлаган маълумотларини тақдим этишади.</p> <p>Тақризчилар маърузанинг ижобий ва кучсиз жиҳатларини айтиб беришади.</p>

	<p>саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тақризчиларга ўз фикрларини билдиришларини, қўшимча саволлар беришни таклиф этади; - саволлар беради; - маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради. <p>2.4. Ҳар бир маърузанинг қисқача умумлаштириш билан якунлайди.</p>	<p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мунозарада иштирок этадилар.</p> <p>Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳокама қиладилар.</p>
<p>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)</p>	<p>3.1. маъруза жараёнида олинган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида талабаларга “Тоифалаш” жадвалини тўлдиришни сўрайди (3-илова).</p> <p>3.2. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди. Маъруза маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>	<p>“Тоифалаш” жадвалини тўлдиришади.</p> <p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.</p>

Маърузани ташкил этиш методикаси**Мақсади:**

- таклиф этилган мавзу ёки қандайдир қўйилган вазиятга ўзининг муносабатини конспектив тарзда баён этиш, нутқ айта олиш, тезкор фикрлай олишни ривожлантириш мақсадида ўтказилади;

- чиқишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, маъруза қилувчиларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантиради.

1. Педагог ёки бошқа бошловчи мавзуни, мақсадни эълон қилади ва унга қизиқишни ривожлантиради.

2. Экспертлар ва секретарь белгиланади.

3. Қайси мавзу бўйича, маърузачилар ўзларини қандай вазиятда тасаввур қилишлари ва қандай кўрсаткичлар бўйича баҳоланишлари айтиб ўтилади.

4. Тайёрланиш учун вақт берилади. Ҳар бир иштирокчи индивидуал тарзда ўзининг маърузасини тайёрлайди.

5. Кейин иштирокчиларга навбати билан сўз берилади. Маърузалар беш минутдан ошмаслиги керак. Қолган тингловчилар маърузачиларни тинглашади.

6. Маърузалар тугаганидан сўнг, экспертлар чиқишларни айтиб ўтилган мезонлар бўйича баҳолашади. Чиқишларни таҳлил этиш уч босқичда амалга оширилади. Ҳар бир эксперт чиқишга мос баҳони қўяди ва маърузачининг ўрнини белгилайди. Кейин ўзининг ташаббуси билан ёнидаги шериги билан баҳолаш бўйича алоқага киришади. Зарурият туғилганда, ўзининг баҳосига ўзгартириш киритади. Шундан сўнг, умумгуруҳий мунозара ўтказилади. Чиқишларнинг мазмуни таҳлил қилинади, маърузачиларнинг хатти-ҳаракатларидаги ижобий ва салбий жиҳатлар аниқлаштирилади.

7. Техник эксперт маърузачилар эгаллаган ўринларни эълон қилади.

Бошловчи чиқишлар бўйича якуний хулосани айтади ва умумлаштиради.

Маъруза иштирокчиларини баҳолаш мезонлари:

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл бўйича)	Иштирокчилар			
	Маърузачилар (Ф.И.О)			
	1	2	3	4
1. Маърузанинг мазмуни (3,0):				
- мавзунинг мослиги (1,0)				
- баён тилининг мантикийлиги, тизимлилиги ва ёрқинлиги (1,0)				
- хулосаларнинг аниқ шакллантирилиши (1,0)				
2. Тақдимот технологиясидан фойдаланиш (кўргазмалилик) (1,5)				
3. Регламентга риоя қилиш (0,5)				
Жами: максимал 5,0				
Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл бўйича)	Тақризчилар (Ф.И.О.)			
	1	2	3	4
1. Маърузани тавсифлаш (4,0)				
- маърузанинг ижобий томонларини очиқ бериш (2,0)				
- маърузанинг салбий томонларини очиқ бериш (2,0)				
2. Регламентга риоя қилиш (1,0)				
Жами: максимал 5,0				
Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл бўйича)	Оппонент/ мунозара иштирокчиси (Ф.И.О.)			
	1	2	3	4
1. Саволлар билан иштирок этиш (2,0)				
2. Қўшимчалар қилиш (3,0)				
Жами: максимал 5,0				

**“Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан
фойдаланиш” мавзусидаги тоифалаш жадвали**

Тоифалар		
Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланиш йўллари	Муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари	Модулли таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари

Касбий фанларни ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш

1. Таълим технологияси ва унинг тузилиши
2. Касб таълимида ахборот технологиялари
3. Муаммоли таълим технологияси ва унинг мақсади, вазифаси
4. Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати

Таълим технологияси ва унинг тузилиши

Таълим жараёни ниҳоятда мураккаб. Таълим самарадорлиги педагог ва талаба-ўқувчи фаоллигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий, методик мукамаллигига, жамиятда илмли кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги юқори бўлишини талаб этади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий структуралар яратилаётган ҳозирги кунда кенг, чуқур билимли ва билимларни амалда қўллай оладиган шахсларга талаб кучайиб бормоқда. Билимдон ва тадбиркор, ижтимоий фаол шахс жамият ҳаётида, меҳнатда ўзининг ўрнини топади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «...шуни яхшилаб тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғлик фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ» деб кўрсатди. Бундай фаоллик вужудга келиши учун билимдон ва ҳаракатчан, миллий истиқлол ғоясига содиқ бўлган шахсни шакллантириш керак.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у бугунги кун ёшларига чуқур ва асосли таълим-тарбия бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргатсин. Таълим жараёнида талабада мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориши ҳозирги куннинг талабидир.

Педагогик амалиёт ва тадқиқотларда қатор иш усуллари қўллаб кўрилди. Таълимни муаммоли ташкил этиш, таълимда ўқувчи-талабаларни фаоллаштириш, ҳамкорлик педагогикаси, таянч сўзларига асосланиш, таълимни оптималлаштириш ва бошқалар тажрибадан ўтди. Лекин бу педагогик воситалар айрим ўқитувчиларда самарали натижа берса ҳам, уни оммавий йўсинда таълим тизимига киритиб бўлмади.

Педагогик технологиянинг асосий моҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилиги қисми пухта ўзлаштириши педагогик технология жорий этилишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Педагогик технология асосида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутди. Педагогик технология ўрганилаётган соҳа бўйича талабаларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам талабада салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу талабанинг айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга талабаларда ишонч ҳосил қилиш тавсия этилади.

Мавжуд педагогика фанида дарс жараёнига оид берилган маълумотларда эътибор кўпроқ янги билимларни баён этиш, уни мустақамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилган. Билим беришда талабанинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаган. Дарс режасида аввал ўтилган мавзунини яқинлаб, янги мавзуга боғлаш таклиф этилган. Лекин шу янги ўтилаётган мавзу бўйича талабанинг билимини аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмаган.

Педагогик технология талабаларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларни эсга тушириш, жонлантириш янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзунини ўрганишга киришишда эркин суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантириш мумкин.

Педагогик технология таълим амалиётида унга даражада қўлланилади:

1. *Умумий педагогик даража.* Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология ўқув-тарбия жараёнининг яхлит тизимлиги, маълум бир регион, ўқув юрти томонидан узлуксиз таълим таълим тизимининг муайян бир босқичидаги технологиянинг умумий қонуниятлари, илмий-назарий асослари, тамойиллари, амалиётда қўллашнинг умумий хусусиятлари, шарт-шароитларини ифода қилади. Шу ўринда қайд этиш керакки, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни орқали тегишли ўзига хос мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги сабабли, педагогик технология ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу даражада педагогик технология педагогик тизим тушунчасига синоним ҳисобланади. Унинг таркибига таълим-тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаси, мазмуни, восита ва методлари, тарбия жараёнининг объекти ва субъекти фаолиятининг алгоритмлари кирди.

2. *Хусусий методик даражада* педагогик технологиянинг муайян бир предмет, курсни ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.

3. *Локаль (модуль) даражада* ўқув-тарбия жараёнининг маълум бир қисмининг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади. Унда ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, улар билимини назорат қилиш, шахсий фазилатларини шакллантириш каби масалалар кўзда тутилади.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Ўзбекистонда педагогик технология масалалари, асосан, таълим доирасида ўрганилмоқда. *Таълим технологияси деб*, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, янгилаш йўли билан маълумот мазмунини ва моделлаштириш даражалари – ўқув материали, ўқув предметига педагогик ишлов бериш, ўрганиладиган мавзунини ўқувчи-талабаларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган эталон даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар, таълимнинг ташкилий шакллари тушунамиз. Таълим технологияси ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг ҳозирги етакчи принципи (субординация) ни чегаралайди, унда координация ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришнинг етакчи принципига айланади. Координация таълимни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишнинг бош принципига айланганда ўқувчи-талаба таълим жараёнининг ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъектига айланади, таълим жараёнини ўқитувчи ва ўқувчи-талаба биргаликда амалга оширади.

Ғарб мамлакатларидаги таълим технологиясининг бош ғояси дастурлаштирилган таълимга бориб тақалади. Дастурлаштирилган таълим асосчиларидан бири Беррес Фредерик Скиннернинг таъкидлашича, ўқувчи-талабаларнинг ўқув материали ва уни ўзлаштиришга оид хатти-ҳаракатлари (ўқувчи-талаба фаолияти) поғоналар (таълим босқичлари)га ажратилади, ҳар бир босқичда ўқув материалининг маълум улуши тўлиқ ўзлаштирилади, ўқув материалининг ўзлаштирилган улуши текширилиб, кейинги улушни ўрганишга ўтилади. Демак, педагогик технологиянинг асосий тамойили маълумот мазмунини тўлиқ ўзлаштириш тактикасидан иборат бўлиб, у даставвал дастурлаштирилган таълим назарияси ва амалиёти қобиғида пайдо бўлган эди.

Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараённи ифода этади. Унинг ўзига хос жиҳати – тарбия муаммосини ҳам қамраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон

Ўзининг кўпқиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-касбий жиҳатлари, уларнинг келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олинапти, деган саволларнинг ечимига боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олганда технология шахснинг ривожланиш босқичларини лойиҳалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Бу эса педагогнинг технологик жараён билан ишлаш қобилиятига боғлиқ.

Педагогнинг белгиланган ўқув-тарбия вазифаларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида йўл қўйиладиган чегаравий кўрсаткичлар доирасида бажариш ҳолати ишлаш қобилияти деб аталиши мумкин. Демак, у ёки бу фан ўқитувчисининг маҳоратини аниқлашда унинг фаолияти давлат таълим стандартлари талабларига ва педагогик шартларга нечоғлиқ мос келиши назарда тутилади.

Педагогик нашрларда педагог фаолиятини баҳолаш учун қатор кўрсаткичлар тавсия этилади, жумладан:

- педагогик натижавийлик – педагог гуруҳида фан бўйича ўзлаштиришнинг ўртача қиймати;
- ўқитишнинг илмийлик даражаси – педагогнинг ўқув элементларини фан абстракцияси поғоналари бўйича тушунтириши;
- таълим мазмунини методик тайёрлаш – умумийлиги, изчиллиги, ҳаракатдалиги, ортиқча эмаслиги каби талабларнинг эътиборга олиниши;
- таълимда у ёки бу натижани қўлга киритиш йўлларида самарали фойдаланиш – экстенсив ёки интенсив шароитда ва ҳоказо.

Умуман олганда, педагог учун асосий касбий-меъёрий кўрсаткич – бу биринчи навбатда ўз ҳолатини педагогик жараёнда бунёдкор сифатида ҳис этиши ва англаб етишидир. Педагог ўзининг иш фаолиятига хусусий касбий яроқлилигини, педагогик воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Демак, педагогик фаолиятга кириб келадиган ҳар бир инсон ўзининг унга мосланувчанлигини, шу касбга лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши керак.

Таълим технологиясининг асосий мақсади ҳам, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга мос келадиган таълим лойиҳасини яратишдир. Бундай лойиҳа ҳозирги замон психологияси, дидактикаси ва педагогик амалиётининг асосий ва илғор ғояларига таянган ҳолдагина яратилади.

Таълим – бошқариладиган жараён бўлиб, унинг натижаси, кўп жиҳатдан, тайёрланган дидактик лойиҳага боғлиқ. Дидактик лойиҳа эса таълим технологиясининг маҳсулидир. Ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини дидактик лойиҳага кўра бошқариш таълим технологиясининг педагогик асоси саналади. Ҳар қандай жараённинг бошланиши ва якуни мавжуд бўлганидек, дидактик лойиҳани амалга оширишнинг ҳам кириш ва

чиқиш нуқталари бор. Икки нуқта орасига жуда кўп нуқталарни жойлаштириш мумкин бўлганидек, дидактик лойиҳани амалга ошириш ибтидоси билан интиҳосигача бўлган масофада таълимнинг самарали усуллари, воситалари кўп топилади. Бу ерда таълим технологияси энг самарали усул бўлиб, таълимнинг самарали шаклини танлашда ўқитувчига ёрдамга келади.

Демак, мақсаддан эталонга етиб келгунча ўқитувчи ва ўқувчи-талаба онги жуда кўп ҳодисалар билан учрашади. Таълимга технологик ёндашиш – бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи-талаба мақсадларининг учрашган нуқталарида (ўқитиш мақсади, ўқиш мақсади) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари билан мўлжалдаги эталонга эришишдир. Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда ўзаро дахлдор қуйидаги ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга эҳтиёж туғилади: таълимни дидактик лойиҳалаш; лойиҳани амалга ошириш; таълимнинг жорий ва оралиқ натижасига кўра дидактик лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш; таълимни такрорлаш ва якуний назоратдан иборат. Бу ҳодисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди. Таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг эталон даражасида бўлиши доимо ўқитувчи ҳамда ўқувчи-талабанинг диққат марказида туради. Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб, ўқувчи-талабаларни ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб туради ва ўқувчи-талабалар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаб, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қилади. Ўқувчи-талабалар таълимнинг зарурийлигини, улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

Таълим технологияси бўйича қилинадиган ишлар икки қисмдан иборат: таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш.

1. Таълим лойиҳасини тайёрлаш. Лойиҳа ўқитувчи ёки эксперт аъзолари туза олиш фаолиятининг маҳсули бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Лойиҳа асосида ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг келажакда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади.

Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарсликларда қандай акс эттирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мазмуни ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади,

ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, эталон даражасида ўзлаштириш усули олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ишларнинг барчаси онгда таълим моделини яратишга олиб келади.

2. Таълим лойиҳасини амалга ошириш. Таълим лойиҳаси бевосита таълим шароитида амалга оширилади. Бу жараёнда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчи-талабаларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- ўқувчи-талабаларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш, билишга қизиқиш уйғотиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш, эмоциялар, тафаккур ҳодисалари, билимларни ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш.

Таълим жараёни стохастик характерга эга. Унда кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқудлодда ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчи-талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, ўқувчи-талабаларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи-талабага якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материални янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- якуний назоратнинг асосий вазифаси ўқувчи-талабаларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчи-

талабаларни огоҳлантириш, кўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Замонавий педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Педагог фаолиятининг технологияланувчанлик даражасини проф. Н.Сайидахмедов қуйидаги мезонлар асосида алоҳида ажратиб кўрсатган.¹

1. Ташхисланувчан ўрнатилган мақсад – ўқувчи-талаба томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари.
2. Таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши.
3. Ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантикий қатъиянлиги – дидактик жараён тузилмасига мослиги.
4. Ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усулларининг жорий этилиши.
5. Ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши.
6. Ўқувчи-талаба ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, қурашувчанлик, ҳаётий, касбий моҳият ва бошқалар).
7. Ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Шундай қилиб, юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалда жорий этилиши эса педагогни юқори малакали мутахассисга айлантиради, ўқувчи-талабанинг нуфузини ҳам бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

I.11-Мавзу.“Касб таълими муассасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти” мавзусидаги мунозарали маъруза таълим модели

<i>Маърузага ажратилган вақт – 4 с</i>	<i>Талабалар сони – 50 та</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Муаммоли маъруза
<i>Ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Талабаларни машғулотга жалб этиш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Мунозара учун саволларни тақдим эт 5. Мунозарали саволларни ечиш. 6. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 7. Мавзуни яқунлаш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Талабаларда касб таълими муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг назарий ва амалий асосларига доир тасаввурларни топтириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1) маъруза режасидаги биринчи масалани баён этиш; 2) биринчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этиш; 3) маъруза режасидаги иккинчи масалани баён этиш; 4) иккинчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этиш; 5) маъруза режасидаги учинчи масалани баён этиш; 6) учинчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этиш; 7) маъруза режасидаги тўртинчи масалани баён этиш; 8) тўртинчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этиш; 9) маъруза юзасидан умумий хулосар чиқариш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1) касб таълими муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг умумий технологияси моҳиятини ўзлаштирадилар; 2) ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш технологияси билан танишадилар; 3) ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонларини ўрганадилар; 4) ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлигини коррекциялашга доир тренингларни билиб оладилар; 5) маъруза режасидаги масалалар юзасидан мунозараларда иштирок этадилар.
<i>Таълим методи</i>	Маъруза, тушунтириш, мунозара, “Керакли сўзни топиб қўйинг” методикаси
<i>Таълимни ташкил этиш шакли</i>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<i>Дидактик воситалар</i>	Маъруза матни, слайд-презентация

<i>Таълимни ташкил этиш шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<i>Назорат</i>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Касб таълими муассасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти”
мавзусидаги мунозарали маърузанинг технологик картаси**

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
<i>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (5 минут)</i>	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли маъруза шаклида боришини маълум қилади.	Тинглашади, ёзиб боришади.
<i>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</i>	2.1. Режадаги биринчи масалани баён этади (1-илова). 2.2. Биринчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этади (2-илова). 2.3. Режадаги иккинчи масалани баён этади (3-илова). 2.4. Иккинчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этади (4-илова). 2.5. Режадаги учинчи масалани баён этади (5-илова). 2.6. Учинчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этади (6-илова). 2.8. Режадаги тўртинчи масалани баён этади (7-илова). 2.9. Тўртинчи масала юзасидан талабаларнинг тасаввурларини аниқлаштириш мақсадида мунозарани ташкил этади (8-илова). 2.8. Мавзу юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	Ўқитувчи томонидан тақдим этилган мунозарали саволларни ечиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиради ҳамда бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасаввурларини бойитади. Тинглайдилар, мунозараларда иштирок этадилар.
<i>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (25 минут)</i>	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни шакллантиради. 3.2. Талабаларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириш мақсадида “Керакли сўзни топиб қўйинг” методикасидан фойдаланади (9-илова). 3.2. “Керакли сўзни топиб қўйинг” методикасини яқунлайди.	“Керакли сўзни топиб қўйинг” тренингида иштирок этишади. Ўз тасаввурларини ҳимоя қилади ва тўғрилайди.

Тарбиявий ишларни ташкил этиш технологияси (ўқитувчи маърузаси)

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнини технологиялаштиришда оддий ва аниқ-равшан процедура мавжуд, юксак маънавиятли шахсни шакллантириш мураккаб ва мазкур жараёни технологиялаш ишлаб чиқаришга ўхшаш бўлмаган кутилмайдиган белгиларига эга жараёндир: 1) ишлаб чиқариш жараёнларидан фарқли равишда юксак маънавиятли шахсни шакллантириш яхлит тавсифга эга, педагогик таъсир кичик қадамлар ёки алоҳида сифатларни босқичма-босқич шакллантириш тарзида амалга ошади. Тарбиявий таъсир босқичма-босқич-параллел схемада эмас, яхлит тарзда амалга оширилади; 2) шахсни мазкур жараёнга олиб кириш мураккаб иш бўлиб, тарбиячидан технологик жараёни бошидан охиригача олиб боришни талаб этади.

Тарбияга технологик ёндашув – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Технологик ёндашув имконияти тарбия жараёнининг ўзида унинг кўп омиллилиги – кўплаб омиллар таъсирига учраши, натижаларнинг тезда намоён бўлмаслиги, тарбиячи фаолиятининг (бевосита ёки билвосита) йўналтирилганлиги, кўп босқичлилиқ билан боғлиқ равишда мужассамдир. Кўп босқичлилиқ тарбияланувчининг у ёки бу сифат ҳақида тасаввур даражасидан тушунчага ва кейинроқ ўзлаштирилганларига мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш ҳамда тўғри хулқ-атвор одатларини шакллантиришга ўтиш билан тавсифланади. Шунга асосан В.С.Селиванов тарбия жараёни, унинг босқичлари кетма-кетлиги мураккаб ўзига хосликка эга эканлиги ҳақидаги хулосага келади. Тарбия, шахс сифатларини шакллантириш эмоционал йўналганлик, хулқнинг маълум шаклига ижодий муносабат уйғотишдан бошланади. Иккинчи босқич ҳаракатни тўғри бажариш малакасини, яъни тўғри хатти-ҳаракат қилишни машқ қилиш саналади. Кейинчалик ҳаракатни унга ижобий муносабат билан кўп марта бажариш давомида оқилона хулқ-атворга одатлантирилади. Тушунчани ўзлаштириш (шакллантириш) – тарбия жараёнининг кейинги босқичи. Ўзлаштирилган тушунчалар асосида ижтимоий хулқ тажрибаси ташкил қилинади.

Тарбия технологиясини лойиҳалаш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим (1-расм):

1. Мотивацион босқич – тарбияланувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллашга қизиқиш, эҳтиёж ва истакни қарор топтиришга қаратилган жараён.

2. Мазмунли босқич – тарбияланувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларга доир тасаввур, тушунча ва билимлар мажмуини ишлаб чиқиш.

3. Фаолиятли босқич – тарбияланувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларга доир аниқ вазиятлар, фаолият шакллари яратиш орқали уларни амалий фаолиятга жалб этиш.

4. Қадриятли босқич – маънавий-ахлоқий фазилатларни қадриятга айлантириш, уларда мустаҳкам эътиқодни шакллантириш мақсадида ташкил этилувчи тарбиявий жараённинг юқори босқичи.

Босқичлари	Мотивацион	Мазмунли	Фаолиятли	Қадриятли
Мазмуни	Шакллантирилаётган фазилат билан ўзаро таъсирга кириш – муносабат, баҳолаш; ўз тажрибасига, ўзининг қадриятлар тизимига киритиш. Мазкур фазилатга ижо-бий эмоционал муносабатни таркиб топтириш	Тарбия мақсади асосида тарбияланувчиларда тушунчалар бериш, тасаввурлар ҳосил қилиш, яхлитликда билимларни таркиб топтириш	Эгалланган билимлар, хулқ-атворни фаолият ва мулоқотнинг реал ҳаётий шароитларига киритиш. Маънавий-ахлоқий фазилатларни машқ қилиш йўли билан мустаҳкамлаш.	Шакллантирилган фазилатни қадриятлар тизимига киритиш орқали қадриятли йўналганликни таркиб топтириш

1-расм. Тарбия технологиясининг умумий лойиҳаси (Н.М.Эгамбердиева ва Б.Х.Ходжаевлар бўйича)


2-илова

“Тарбиявий ишларни ташкил этиш технологияси” масаласи юзасидан мунозара ўтказиш учун саволлар:

1. Баъзи олимлар тарбияни технологиялаштириш мумкин эмас, дейишади. Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?
2. Иккинчи гуруҳ олимлар тарбияни технологиялаштириш ғоясини илгари сурадилар. Улар мазкур ҳолатда тарбияни қандай маънода тушунишни таъкидлашади деб ҳисоблайсиз?
3. Н.М.Эгамбердиева ва Б.Х.Ходжаевлар томонидан тақдим этилган тарбия технологиясининг умумий лойиҳасини қандай баҳолаш мумкин?

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш технологияси (ўқитувчи маърузаси)

Маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнининг педагогик мақсадлари унинг ижтимоий мақсадлари, ижтимоий моҳияти ва ижтимоий функцияларидан келиб чиқади. Улар биринчидан, ўқувчиларнинг ахлоқий кўринишлар ва тегишли фаолият усулларини амалий татбиқ этиш кўникма ва малакаларини эгаллашини таъминлаш; иккинчидан, шу асосда ўрганилаётган сифатнинг юқори даражасини шакллантиришдан иборат. Бу мақсадларга қуйидаги педагогик шартлар бажарилганидагина эришиш мумкин: ўқувчиларни зарур сифатнинг йўналтирилган ривожланишига олиб келадиган ахлоқий мазмун билан бойитилган реал ҳаётий вазиятларга киритиш; ўқувчиларни ривожлантиришга қаратилган ўз-ўзини ахлоқий такомиллаштириш вазифаларини онгли равишда ўз олдига қўйишлари; педагогик таъсирнинг илгарилаб бориш тавсифига эга бўлиши, ўзида янги, бироқ ҳозиргача шахсий тажрибада синовдан ўтганларни акс эттириши керак. Маънавий-ахлоқий тарбия таърифи, унинг психологик негизлари ва мезонларига асосланиб, шакллантирилаётган маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси сифатида қуйидаги тизимли кетма-кетликни таклиф қилишни асосли деб билдик (2- расм).



2- расм. Маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси (З.Салиева бўйича)

2-расмдан кўришиб турибдики, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси ўзаро бир-бирига боғланган, бир-бирини тўлдириб боровчи қуйидаги қадамлар кетма-кетлигидан иборат: 1) назарий билимлар, фазилатлар таърифини шакллантириш; 2) фазилатнинг ривожланишидаги камчиликларни аниқлаш; 3) суҳбатлар, топшириқларга эмоционал муносабатни аниқлаш; 4) фазилатнинг ривожланганлик даражасини мезонлар бўйича аниқлаш; 5) педагогик вазиятларни яратиш; 6) ўқувчиларни фазилатни намоён қилиш бўйича фаолиятга жалб қилиш; 7) олинган кўникмаларни мустаҳкамлаш учун машқлар; 8) натижаларни баҳолаш; 8) коррекциялаш.

4-илова

“Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш технологияси” масаласи юзасидан мунозара ўтказиш учун саволлар

1. Маънавий-ахлоқий фазилатлар деганда нимани тушунасиш?
 2. З.Салиева томонидан ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш технологиясини қандай баҳолаш мумкин?
 3. Сизнинг-ча, мазкур технологиядан барча фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинми?
-

5-илова

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари (ўқитувчи маърузаси)

У.И.Маҳкамов ўқувчиларнинг ахлоқий шаклланганлиги мезонлари сифатида:

- когнитив-билиш (билимлар ва онг), ижтимоий детерминация ва ҳар қандай вазиятда ахлоқий хатти-ҳаракатларга тайёрлик, ўраб турган воқеликни яхши томонга ўзгартириш истагини ўз ичига олади;

- эмоционал-мотивацион – мотивлар, хатти-ҳаракатлар ва амалларни англаш, ҳаракатга ички ундаш, охирги натижадан манфаатдорлик;

- амалий-иродавий – ички иродавий саъй-ҳаракатлар, ҳиссиётларини жиловлай олиш, бурч, масъулият, жавобгарлик каби ҳисларни намоён қилиш каби тузилишли таркибий қисмларни ажратиш кўрсатади.

Мухаммад Шафиқ ижтимоий-мослаштириш ва коммуникатив-ривожлантирувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги мезонларни асослайди:

- меҳнатга, ўқишга тайёрлик, ранг-баранг фаолиятга қизиқишни намоён қилиш ва уларда турли функцияларни бажара олиш малакаси;

- катталар, курсдошлари ва натаниш кишилар билан мулоқот қила олиш;

- турли, жумладан ностандарт вазиятларда ўзини кўрсатишга уриниш ва кўрсата билиш, турли ҳаётий вазифаларни мустақил ва ижодий қилиш;

- муаммоли вазиятдан чиқиш, изланишли фаолиятни амалга ошириш, тадқиқотлар, тадқиқотчилик меҳнати восита ва усулларига эга бўлган фаолият рефлексиясини бажариш;

- алоҳида билим соҳалари касбий дастурларини қобилиятлар, шаклланган қизиқишлар в индивидуал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда онгли равишда танлаш ва ўзлаштириш;

- мустақил продуктив фаолиятни амалга ошириш қобилияти;

- ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини ўзгартиришга қодирлик;

- ҳар томонлама интеллект, юқори даражадаги маданият;

- танлаш, ўз-ўзини ифода этиш қобилияти, ўз ҳаётий фаолиятида умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга амал қилиш.

М.В.Салтиков – Волкович фикрича, ўсмирларнинг ижтимоий-ахлоқий тарбияланганлик мезонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маънавий хулқ установакаларини тўплаш;

- ўз-ўзига баҳо ва ўз-ўзини танқидни шакллантириш;

- мулоқотда шахс ўз-ўзини кашф этиши;

- коммуникатив маданият;

- эмпатик тушуниш даражаси (суҳбатдошни, фаолиятдаги шерикни);

- хулқ стратегияларини танлаш кўникмалари.

В.И.Храмцов ўсмирларнинг ижтимоий-ахлоқий тарбияланганлик мезонлари тизимини қуйидаги изчилликда жойлаштиради:

- ўсмирларнинг индивидуал қадриятлар тизими;

- ижтимоий-амалий фаолиятда қатнашиш;

- ўсмирларнинг хилма-хил ва кўп даражали ўзаро муносабатларни бағрикенглик (толерантлик) ва ҳурмат тамойилларига асосланиб моделлаштиришни эгаллаши;

- умуминсоний қадриятларни интернализациялашнинг юқори даражаси.

И.А.Чижова ахлоқий тарбия мезонларига қуйидагиларни киритади:

1. ўз хаттии-ҳаракатларини англай олиш.

2. Ахлоқий мотив.

3. Ахлоқий эҳтиёжлар.

4. Маънавий хулқ кўникмалари.

5. Ахлоқий тушунчаларни билиш.

6. Баҳоларнинг ахлоқийлик меъёрларига мувофиқлиги.
 7. Бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини баҳоловчи англашга қодирлик.
 8. Эмоционал установка.
 9. Ахлоқийлик масалаларига қизиқиш.
-

Касб таълими муассасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти

1. Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий одатларини тарбиялашнинг вазифалари.
2. Касб таълими муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг асосий моҳияти ва мазмуни
3. Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммоси
4. Ёшларни касбга йўналтиришда миллий истиқлол мафкурасига асосланган маънавий-ахлоқий, маданий-маиший ишлар

Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий одатларини тарбиялашнинг вазифалари

Ҳозирги кунда ёшларни баркамол инсон, ўз ватананинг илғор кишиси сифатида тарбиялаш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки айнан ёшлар давлатимизнинг келажагидир.

Мамлакатимизда чуқур, кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жамият маънавий юкасалиши ва янгилалиши сари юз тутгун бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3–сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашининг қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги Фармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятнинг устуворлигини яна бир қарра тасдиқлайди.¹

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон улканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва

вазифаларини чуқур билиш ва тушиниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.¹

Маънавияти юксак шахслар юртни танитади. Шахсни эса унинг маънавий қиёфаси танитади. Маънавият – тарбиядан бошланади. Таълим – тарбиясиз маънавиятнинг бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир.

Миллий педагогика асосчиларидан бири Абдулла Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир!” деган сўзлари фикримизга далил бўлади.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Бу эса, инсонни мушоҳада қилиш қобилятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақлни пешлайди. Ақл онгни сақлайди, онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва кунт, иродани талаб этади. Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолатли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли ва жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади. Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имконини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша виждонан ҳисса қўшмоғи лозим. Инсоннинг маънавияти унинг одоби, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлари замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан иборат.

Сифат – алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат – алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамланганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Одоб – ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш-туришида ўзини тута билишидир.

Ахлоқ - жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият – жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси. Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам изчил ва бир тизимга кирган шаклда бўлишини тақоза этади. Бу йўлда касбий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, профессионал фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндошув асосида ахлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Талаба ёшларда ягона педагогик жараёнда маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялашда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- шўролар ҳокимияти даврида таълим соҳасидан ўрин олган мафкуравий маҳдудликдан халос бўлиш;
- ўзбек миллий менталитети ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянадиган маънавий кадриятлар тизимини мустаҳкамлаш;
- Шарқ мутафаккирлари асарларида кўтарилган Комил инсон ғояси таълимотларига амал қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим-тарбия хусусан ҳозирги замон ёшлари қандай бўлиши керак деган таълимотига нисбатан жавобларга тўла амал қилиш кабилар.

Касб таълими муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг асосий моҳияти ва мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи куруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў-эътибор орттириш воситасига айланиб қолаверади».¹

Мустақилликнинг ўтган 16 йиллик даври давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Бозор

¹ Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2001 йил 17 июлда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 18 июль.

механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими шу давр ичида миллий истиқлол ғояси ва мафқураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов айтганларидек, «Истиқлол мафқураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради»³

Бу қўйилган дастлабки қадамларимиз натижасида шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги XXI асрда биз яшамоқчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараққиёт манбаини ташкил этади.

Бугунги кунда халқнинг бой замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «.. бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваломбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз».

Таълим-индивиднинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига жамиятда мавжуд маданиятга тайёрлаш ва мослаштириш вазифасини бажарувчи ижтимоий институтдир,

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай соҳада бўлганидек таълим соҳасида ҳам муаммолар мавжуд. Бу каби муаммолар мустақил республикамизни ҳам четлаб ўтган эмас. Ушбу муаммоларни ҳал этиш ҳамда таълим соҳасида зарурий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Қонун ва миллий дастурга кўра мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизими яратилиб, таълим ислоҳоти ва унинг истиқболларини қуйидаги тамойиллар асосида белгиланди:

а) миллати, дини, ирки, этнокодидан қатъий назар, барча фуқаролар учун таълим олиш имконияти яратилганлиги.

б) таълим тизимининг узлуксизлиги, илмийлиги, дунёвийлиги ва изчиллиги.

в) таълимда умуммиллий, умуминсоний, маънавий-маърифий кадриятларнинг устуворлиги.

г) таълимнинг инсонпарварлиги, демократиялилиги, таълим-тарбия муассасаларининг сиёсий партия ва бошқа таъсирларидан холилиги.

Демак, юқоридаги тамойиллар амалга оширилаётган экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, хоҳ дурадгор, ҳисобчи, корхона раҳбари ёхуд машҳур сиёсатчи бўлсин, бу соҳага юксак ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиши лозим. Ваҳоланки, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлагаларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган шиори ҳамиша ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлиши шарт.

Касб таълими муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳияти – унинг миллий истиқлол мафкурасига асосланган, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаровий, меҳнат, маданий-маиший, экологик ва шу сингари йўналишлар билан эришиладиган ғоявий аъмол ва идеалларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масаладир. Бу муаммоларни амалга ошириш барча педагогларнинг олдида турган юксак вазифадир.

Мустақиллик шароитида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Жумладан:

- Ҳар бир таълим олувчининг онгида давлат мустақиллигига халқнинг олий ғоявий-ахлоқий кадрияти экани, ўз ватани билан фахрланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг улуғ тарихий ўтмишига, бозор муносабатларига асосланган янги демократик жамият қуришда танлаб олган ўзига хос йўлини мустаҳкамлаш, ислом дини руҳи билан суғорилган олий маънавий-ахлоқий кадриятларни тўғри тушунтириш ва уни эътиқодга айлантириш;

- Таълим олувчиларда умуминсоний инсонпарварлик ахлоқи, маданияти меъёрларини, замонавий кадриятлар эҳтиёжи, ўзи юқори тутиш ва виқор сақлаш, оилавий тантаналарда ўзини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш кўринишларига муросасиз бўлиш руҳини тарбиялаб бориш уларнинг юқори ахлоқ малакалари билан қуроллантиришнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, ахлоқий тарбия тарбиявий ишлар комплексида етакчи ўрин тутди. Касб таълими муассасаларида талаба-ёшларда ахлоқий тарбияни амалга оширишда аввало ахлоқий тушунча ва ишонч ҳиссини яратишдан бошлаган маъқул. Чунки ёшларда ахлоқий тушунча эътиқодларни таркиб топирмай туриб, ахлоқий одатларни, хатти-ҳаракат билан боғлиқ малака ва одатларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда асосан ёшларга ахлоқ-одоб норма ва қоидалари мазмунига оид билим беришга катта аҳамият бериш лозим.

**I.12-Мавзу. “Касб таълими муассасасини бошқариш” мавзусидаги
маълумотли маъруза таълим технологияси модели**

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Талабаларни машғулотга жалб этиш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 5. Мавзунини яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда касб таълими муассасасини бошқаришга доир яхлит тасаввурларни таркиб топтириш
Педагогик вазифалар: 1) талабаларни “касб таълими муассасасини бошқариш” тушунчаси билан таништириш; 2) бошқариш функциялари, тамойиллари ва методлари ҳақида маълумот бериш; 3) Педагогик Кенгаш – таълим муассасаси жамоасининг юқори бошқарув органи эканлигини асослаш; 4) касбий таълим муассасасидаги методик ишларни бошқариш тартибини тушунтириб бериш; 5) таълим муассасасидаги касбий таълимни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини баён этиш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1) талабалар “бошқариш”, “касб таълими муассасасини бошқариш” тушунчалари моҳияти билан танишадилар; 2) бошқарув функциялари, тамойиллар ва методлари ҳақида маълумотга эга бўладилар; 3) Педагогик Кенгаш – таълим муассасаси жамоасининг юқори бошқарув органи эканлиги ҳақидаги маълумотга эга бўладилар; 4) касбий таълим муассасасидаги методик ишларни бошқариш тартибини ўзлаштирадилар; 5) таълим муассасасидаги касбий таълимни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини билиб оладилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, “Ақлий ҳужум” интерфаол методи, “Инсерт” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация, визуал материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

“Касб таълими муассасасини бошқариш” мавзусидаги маълумотли маърузанинг технологик картаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	Мавзунинг номи, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	<p>2.1. Мавзуга доир мавжуд маълумотларни эсга тушуриш мақсадида ақлий хужум вазиятини ҳосил қилади (1-илова).</p> <p>2.2. Талабаларни индивидуал ва жуфтликларга бўлинган тарзда саволларни муҳокама қилишларини ташкил этади.</p> <p>2.3. Саволлар бўйича жавобларни эшитади ва уларга ўз муносабатини билдиради.</p> <p>2.4. Мавзуга доир таянч конспектли маъруза матнини тарқатади (3, 4 - иловалар) ва талабалардан “Инсерт” жадвалига асосланиб матнни ўқишларини сўрайди (2-илова).</p> <p>2.5. “Инсерт” жадвалини тўлдиришга доир талабаларнинг саволларига узлуксиз равишда жавоб бериб боради.</p>	<p>Саволларни муҳокама қилишади ва ўз муносабатини билдиришади.</p> <p>Таянч конспектли маъруза билан танишадилар. Таянч конспектган асосланган ҳолда, “Инсерт” жадвалини тўлдиришади.</p> <p>Жадвални тўлдириш юзасидан ўқитувчидан ёрдам оладилар.</p>
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (25 минут)	<p>3.1. “Инсерт” жадвалига асосан мавзуни талабаларнинг билганларига зид (“-”) ва уларни ўйлантириб қўйган жиҳатларига ойдинлик киритади.</p> <p>3.2. Материални умумлаштиради ва хулосалайди.</p> <p>3.2. Талабаларни қизиқтирган қўшимча саволларга жавоб беради.</p>	<p>Ўқитувчидан мавзунинг уларнинг билганларига зид ёки тушунарсиз бўлган жиҳатларини тушунтириб беришни сўрайдилар.</p> <p>Ўзларини қизиқтирган қўшимча саволлар билан мурожаат этадилар.</p>

“Ақлий ҳужум” вазиятини ҳосил қилиш учун саволлар:

1. “Бошқариш” деганда нимани тушунасиш?
2. “Таълим муассасасини бошқариш” ва “касб таълими муассасасини бошқариш” тушунчаларининг фарқи борми?
3. “Функция” деганда нимани тушунасиш?
4. “Тамоийиллар” тушунчасига қандай изоҳ бериш мумкин?
5. “Таълим методлари”, “тарбия методлари” каби “бошқарув методлари” тушунчасидан ҳам хабардормисиз ?
6. “Педагогик Кенгаш” ҳақида нимлар биласиз?

““Касб таълими муассасасини бошқариш” мавзусига доир таянч консепткли маърузани ўрганиш учун фойдаланиладиган “Инсерт” интерфаол методини қўллашга доир кўрсатмалар

Матнни ўқиш жараёнида қуйидаги белгилар тизимидан фойдаланинг.

√

+

–

?

Изоҳ:

“√” - “мен биламан” деганни тасдиқловчи белги;


“+” - “янги ахборот” белгиси;

“-“ - “мени билганларимга зид” белгиси;


“?” - “мен учун тушунарсиз” белгиси.


“Касб таълими муассасасини бошқариш” мавзусига доир визуал материаллар

1- чизма. Касб таълим муассасасини бошқариш тамойиллари






2 - чизма. Бошқарув ахборотининг турлари





5-чизма. Методик Кенгаш
4-чизма. Педагогик Кенгаш хужжатлари





4-илова

Касб таълими муассасасини бошқариш

Режа:

1. Таълим муассасасини бошқаришнинг педагогик- психологик асослари.

2. Касб таълими муассасасини бошқариш тамойиллари, функциялари ва методлари.

3. Педагогик Кенгаш – таълим муассасаси жамоасининг юқори бошқарув органи.

4. Касб таълими муассасасида методик ишлар.

Бошқариш фақат ишлаб чиқаришгагина хос бўлган жараён эмас. Балки ижтимоий соҳалар, шунингдек, таълим тизимида ҳам бошқаришни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим.

Ҳозирги пайтда ягона педагогик жараённи бошқаришга илмий ёндашиш ҳаракати кучайди. Бу эса интеллектуал салоҳияти юқори кадрларни шакллантириш учун ўта муҳим ҳисобланади.

Аввало, бошқаришнинг ижтимоий моҳиятини англаб олайлик. Бошқариш маълум бир объектга ташкилий, режали, тизимли таъсир кўрсатиш демакдир.

Таълим муассасасининг педагогик фаолиятини бошқариш таълим муассасасининг фаолият хусусиятига кўра педагогик жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, натижаларни назорат ва таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилувчи бошқарув фаолиятидир.

Бугунги кунда педагогика фанига таълим муассасаларини бошқариш бўйича янгидан-янги тушунчалар кириб келяпти, уларнинг моҳияти аввалгилардан ҳам теранроқдир. Масалан, «таъсир этиш» тушунчасининг ўрнига «ўзаро ҳаракат», «ҳамкорлик», «рефлексив бошқариш» каби тушунчалар қўлланилмоқда.

Таълим муассасаларини бошқариш назарияси таълим муассасаларининг менежменти назарияси билан бойитилди. Менежмент назарияси ходимларга нисбатан ишонч, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиш ҳамда ўзаро ҳурмат билан тавсифланади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув-таълим ва касб-ҳунар дастурларини бирлаштириш, педагог кадрлар билан таъминлш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги (Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази), унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда амалга оширилади.

Ҳар қандай фаолият сингари бошқариш фаолияти ҳам ўз вазифаларини бир қатор тамойилларга асосланиб амалга оширади. Педагогик адабиётларда таълим тизимини бошқаришда асос бўлиб хизмат қилувчи тамойилларни улар томонидан бажариладиган вазифалар (режалаштириш,

ташқил этиш ва назорат қилиш)га таянилган ҳолда белгиланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур ўринда таълим муассасасини бошқаришнинг ҳар бир тамойилига алоҳида-алоҳида таъриф беришга ҳаракат қиламиз. Таълим муассасаси бошқарув назарияси ва тарихида бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

Педагогик тизимни бошқаришни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш. Педагогик кадрларни танлов ва шартнома асосида ишга қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорларни очиқ муҳокама қилиш, ахборотларнинг барча учун очиқ ва тушунарли жорий этиш, таълим муассасаси жамоатчилиги олдида маъмуриятнинг мунтазам ҳисобот бериши, ўқитувчи ва ўқувчиларга таълим муассасаси ҳаётига оид ўз фикрларини билдиришга имкон бериш, таълим муассасасида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутишини аниқлатади.

Таълим тизимини бошқаришда шахсга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унга ишониш, педагогик фаолиятда субъектнинг субъектга муносабати даражасига эришиш, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз истеъдодлари ва касбий маҳоратларини эркин намоён этиш учун шароит яратиш инсонпарварлик тамойилига асосланган бошқарув моҳиятини аниқлатади.

Бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги. Таълим муассасасини бошқаришга нисбатан тизимли ёндашув асосида раҳбар таълим муассасасини бир бутун яхлит тизим сифатида ва унинг белгилари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Тизимнинг биринчи белгиси ягоналиги ҳамда уни бўлақлар, таркибий қисмларга ажратиш мумкинлигидадир. Иккинчи белгиси тизимнинг ички тузилишининг мавжудлигини аниқлатади. Учинчи белгиси тизимнинг интеграциялана олишидир. Тизимнинг ҳар бир таркибий қисми ўзига хос сифатга эга бўлгани билан, ўзаро ҳаракат орқали тизимнинг янги интеграциялана олиш сифати ҳосил бўлади. Тўртинчи белгиси таълим муассасаларининг ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқлигидир. Чунки таълим муассасалари ташқи муҳитга мослашиб, ушбу таълим жараёнини қайта куради ҳамда ўзининг мақсадларига эришиш учун ташқи муҳитни ўзига бўйсундиради. Бошқарувдаги тизимлилик ва ягоналик раҳбар билан педагогик жамоа ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва алоқани таъминлайди, бир ёқлама бошқарувнинг олдини олади.

Бошқаришнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолатларининг рационал уйғунлиги. Бошқарувни марказлаштириш керагидан ортиқ бўлганда, албатта, маъмурий бошқарув кучаяди. Бу ҳолат ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истакларини ҳисобга олмасликка, раҳбар ва ўқитувчиларнинг кераксиз меҳнат ва вақт сарфлашларига олиб келади.

Шунингдек, марказлаштирилмасликка ҳам керагидан ортиқ эътибор берилса, педагогик тизим фаолиятининг сустлашиши кўзга ташланади.

Таълим муассасаси ичидаги бошқарувда марказлаштириш ва марказлаштирмасликни уйғунлаштириш маъмурий ва жамоатчилик бошқаруви раҳбарларининг фаолиятини жамоа манфаатига қаратади ҳамда касб малакаси даражасида қарорларни қабул қилишга шароит яратади.

Якка ҳокимлик билан жамоатчилик бошқарувининг бирлиги тамойили педагогик жараёни бошқаришда якка ҳокимликка йўл қўймасликка қаратилган. Бошқариш фаолиятида ўқувчиларнинг тажрибаси ва билимига таяниб, турли қарашларни таққослаб, оқилона хулосалар чиқариш ўта муҳимдир. Вазифаларни коллегиял ҳал қилиш ҳар бир жамоа аъзосининг жавобгарлигини йўққа чиқармайди.

Ўз навбатида яккаҳокимликнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Яккаҳокимлик педагогик жараёнда тартиб-интизом, ваколат доираси ва унга амал қилишни таъминлайди.

қарорни қабул қилишда коллегиял ёндашув маъқул бўлса, қарорнинг ижросини таъминлашда яккаҳокимликка бўйсунуш маъқулдир.

Таълим тизимини бошқаришнинг давлат-жамоатчилик характери ушбу тамойилни амалга оширишга шароит яратади.

Таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тўлиқлиги. Таълим тизимини бошқаришнинг самарадорлиги ахборотларнинг қанчалик аниқ ва тўлиқлигига ҳам боғлиқ. Агар ахборотлар аниқ, тўлиқ йиғилса ёки ҳаддан зиёд кўп бўлса, қарор қабул қилишда чалкашликка олиб келади.

Биз таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотларни йиғамиз, лекин уларнинг қизиқишлари, хулқ-атвори, шахс сифатидаги йўналишига эътибор берамиз. Ана шунинг учун ҳам тарбия жараёнида кўплаб оғишлар кузатилади.

Таълим муассасасининг раҳбари ўзининг фаолиятида менежер вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун у ўз фаолиятида кузатиш, анкета, тест, инстуктив ва методик материаллардан кенг фойдалана билиши лозим. Таълим муассасаси маъмурияти мактаб ичидаги ахборотли бошқарув технологиясини ишлаб чиқиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Таълим муассасаси ички бошқарувининг ўзига хослиги қуйидаги вазифаларда аниқ кўринади:

1. Таълим-тарбия жараёнини педагогик таҳлил қилиш.
2. Мақсад қўйиш ва режалаштириш.
3. Ташкил қилиш.
4. Мактаб ички бошқарувини назорат қилиш.
5. Тартибга солиш.

Таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва ривожланишини таҳлил қилмасдан, аввал эришилган натижаларни ҳозиргилари билан таққосламасдан туриб, уни бошқариб бўлмайди.

Таълим муассасасини бошқариш самарадорлиги раҳбарнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам педагогик таҳлил услубиятини теран билишларига боғлиқ. Агар ўз вақтида, профессионал даражада педагогик жараён тўғри таҳлил қилинмаса, жамоа орасида ўзаро бир-бирини тушунмаслик, ишончсизлик келиб чиқади. Ҳозирги пайтда педагогик таҳлилнинг қуйидаги уч тури мавжуд:

- 1) кундалик таҳлил;
- 2) тизимли таҳлил;
- 3) якуний таҳлил.

Ҳар қандай педагогик жараённи бошқаришнинг асоси мақсад қўйиш ва режалаштиришдан иборат.

Бошқарув фаолиятининг мақсади – ишнинг умумий йўналиши, мазмуни, шакли ва методларини аниқлаш. Демак, мақсад – режанинг асоси. Бошқарувда асосий мақсад аниқланганидан кейин, унга эришиш учун қўшимча мақсад қўйилади. Таълим муассасасини бошқаришни режалаштириш педагогик таҳлил асосида белгиланган дастурий мақсадга мувофиқ қарор қабул қилишдир. Бундай қарорлар маълум бир муддат давридаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали ёки якуний ишларни бажариб бўлгандан сўнг қабул қилиниши мумкин.

Таълим муассасасини бошқариш амалиётида режалаштиришнинг қуйидаги учта асосий шакли қўлланилади:

- 1) муддатли (перспектив);
- 2) йиллик;
- 3) якуний.

Қабул қилинган режаларни тўлиқ амалга ошириш учун тизимли ҳаракатнинг бошқарувчилари унинг таркибий қисмларини бир-бири билан алоқада бўлишини ташкил этишлари керак.

Ички назорат ҳам таълим муассасасини бошқаришда алоҳида ўрин тутаяди. Назоратни ташкил этишда етишмовчиликларни бартараф этиш учун бир қанча талабларни билиш зарур. Бундай талабларга тизимлилик, объективлик, ҳаракатлилик, тўлдирувчилик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Таълим муассасаси ички назоратининг турлари, шакллари ва методларини туркумлаштириш ҳозирги вақтда муаммоли масала бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, ички назоратнинг қуйидаги турлари ажратилиб кўрсатилади: асосий ва қўшимча.

Тартибга солишнинг асосий мақсади таълим-тарбия жараёнини педагогик таҳлил қилишда таълим муассасасининг олдига қўйилган мақсад ва режаларини амалга ошириш, бошқарув ишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда йўл қўйилган ҳолатларни тузатишдан иборат.

Тартибга солиш бошқарув фаолиятида катта аҳамият касб этади. У ўтган ўқув йилида эришилган натижаларни, йўл қўйилган камчиликларни ҳисоб қилади. Ана шу асосдан келиб чиқиб, янги ўқув йилида таълим муассасаси олдига мақсад ва асосий вазифаларни қўяди.

Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, муассаса фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий маҳорати ва ижодкорликларини ўстириш мақсадида педагогик ходимларни бирлаштирувчи педагогик Кенгаш фаолият кўрсатади. Педагогик Кенгаш таълим муассасаси жамоасининг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Педагогик Кенгашнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- таълим муассасаси (умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежи)нинг тайёрланган муҳим ҳужжатларини муҳокамадан ўтказилади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади;

- таълим муассасасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилайди;

- таълим муассасасида ўқув, тарбия жараёнини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарорларни қабул қилади;

- таълим муассасаси бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқларни ишлаб чиқади;

- педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини таҳлил қилади ва якуний хулоса чиқаради;

- таълим муассасаси педагогик жамоаси учун ўз ваколати доирасида меъёрий талабларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади.

Педагогик Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- таълим муассасасини ривожлантириш йўналишларини истиқбол режасини белгилаш;

- таълим муассасаси жамоаси олдига қўйилган мақсад ва вазифаларининг бажарилишини амалга ошириш;

- ўқув режада мактаб ихтиёрига берилган соатларни тақсимлаш, йиллик ва тақвимий иш режаси мазмуни ҳамда дарс жадвалини муҳокама қилиш;

- ўқув жараёнини ташкил қилишнинг турли шакл ва методларини муҳокама қилиш, амалиётга татбиқ этиш;

- таълим муассасаси таълим жараёнига оид барча масалаларни ўз ваколати доирасида муҳокама этиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

- педагоглар малакасини ошириш тизими, уларнинг ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш бўйича ўз таклифларини бериш;

- ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда оралиқ назорат бўйича қарор қабул қилишда қатнашиш, уни ўтказиш шакли ва вақтини белгилаш;
- таълим олувчиларни синфдан-синфга, курсдан-курсга кўчириш ва битувчиларни якуний аттестацияга кўйиш бўйича қарор қабул қилиш;
- таълим дараёнини ташкил қилиш ҳамда таълим муассасасини ривожлантиришга доир масалалар бўйича мактаб раҳбариятининг ҳисоботларини тинглаш;
- таълим мақсадига мувофиқ ҳолда ўқувчиларни рағбатлантириш ва жазолаш бўйича масалаларни ҳал этиш;
- чорак, ярим йиллик «семестр», йил якунига доир хулосалар чиқариш;

II. Семинар таълими технологияси

II.1-Мавзу. “Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касб педагогикаси” мавзусидаги семинар таълим технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 20 – 30 гача	
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар	
<i>Амалий машғулотнинг тузилиши</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабаларни семинар машғулотига тайёрлаш. 2. Семинар машғулотига масалалар юзасидан топшириқлар. 3. Топшириқларнинг бажарилишини бошқариш. 4. Семинар масалалари юзасидан умумий хулосалар қилиш. 5. Семинар мавзуси бўйича талабаларнинг БКМларини баҳолаш 	
<i>Семинар машғулотининг мақсади:</i> талабаларнинг мавзуга доир билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабаларнинг машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш. 2. Мавзу юзасидан эгалланиши лозим бўлган билимларни тизимлаштириш. 3. Мавзу юзасидан талабаларда кўникма ва малакалар ҳосил. 4. Талабаларнинг ижодий ва мустақил фикрлай олиш қобилиятларини шакллантириш. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабалар мавзунинг асосий тушунчаларини ўзлаштирадидлар. 2. Мавзуга доир аниқ билимлар доирасига эга бўладилар. 3. Мавжуд билимлари билан эгалланганларини таққослайдилар. 4. Эгалланган билимлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. 5. Мавзу юзасидан умумий хулосаларга келадилар. 	
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Мунозара, суҳбат, тезкор-сўров	
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, гуруҳларда ишлаш.	
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, маркерлар, эксперт топшириқлари	
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория	
<i>Назорат ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

“Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касб педагогикаси” мавзусидаги семинар машғулотнинг технологик картаси


Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи	<p>Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.</p> <p>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).</p> <p>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (3-илова).</p>	
1. Ўқув машғулотиغا кириш босқичи (10 дақиқа)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради (4-илова).</p>	Саволларга жавоб берадилар.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради (2-илова). Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида такдимот тайёрлашини айтади.</p> <p>2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади (3-илова).</p> <p>2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Такдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.</p> <p>2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар такдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.</p>	<p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Топшириқлар бўйича ишлайдилар.</p> <p>Фаол қатнашадилар, такдимот учун материаллар тайёрлайдилар.</p> <p>Гуруҳдан сардор танлашади, унинг такдимотида ҳамкорлик қиладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p>
3–Якуний босқич (20 дақиқа)	<p>3.1. Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.</p> <p>3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия</p>	Тинглайдилар.

	этади.	
--	--------	--

1-илова

“Уч қисмли интервью” интерфаол методи ёрдамида касб педагогикасининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш


Талабалар учтадан гуруҳга бирлашадилар. Ўқитувчи уларни бажа-ришлари лозим бўлган топшириқ билан таништиради: бир талаба интервью олади, иккинчиси жавоб беради, учинчи талаба эса ёзиб боради. Уй вазифа-сини такрорлаш учун саволлар доскага қуйидаги тарзда ёзиб қўйилади: “Бугунги мавзунинг қайси муҳим жиҳатларини айтиб бера оласиз?”, “Мавзунинг сиз учун энг аҳамиятли жиҳати нимада, деб ўйлайсиз?”, “Энг қийини-чи?”




Роллар ҳар бир интервьюдан кейин алмашади.

Тўрт кишидан иборат гуруҳ


Биринчи қадам



Иккинчи қадам



Учинчи қадам



Ҳамма жавобларни бир-бирлари билан ўртоқлашишади.

1-расм. Уч поғонали интервью

2-илова

Гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Шеригингизни диққат билан тингланг.
2. Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
3. Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
4. Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
5. Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- *бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;*
- *биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.*

3-илова

Экспертнинг гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Макс. балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш				
		1	2	3	4	5
Ахборотнинг тўлиқлиги	3 б.					
Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши	1 б.					
Гуруҳнинг фаоллиги	1 б.					
Балларнинг максимал суммаси, жами	5 б.					

Мавзу юзасидан тезкор сўров саволлари

1. Касбий педагогика нечанчи асрда пайдо бўлган?
2. Касбий педагогиканинг объекти ва предметини нима ташкил этади?
3. Касбий педагогиканинг вазифаларига нималар киради?
4. Касбий педагогика фани мазмуни ўз ичига нималарни қамраб олади?
5. Касбий педагогика қайси фанлар билан алоқадорликда ўрганилади?

II.2-Мавзу. “Касбий педагогиканинг назарий асослари” мавзусидаги семинар таълим технологиясининг модели

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20 – 30 гача	
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар	
Амалий машғулотнинг тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабаларни семинар машғулотига тайёрлаш. 2. Семинар машғулотига масалалар юзасидан топшириқлар. 3. Топшириқларнинг бажарилишини бошқариш. 4. Семинар масалалари юзасидан умумий хулосалар қилиш. 5. Семинар мавзуси бўйича талабаларнинг БКМларини баҳолаш 	
Семинар машғулотининг мақсади: талабаларнинг мавзуга доир билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш.		
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабаларнинг машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш. 2. Мавзу юзасидан эгалланиши лозим бўлган билимларни тизимлаштириш. 3. Мавзу юзасидан талабаларда кўникма ва малакалар ҳосил. 4. Талабаларнинг ижодий ва мустақил фикрлай олиш қобилиятларини шакллантириш. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабалар мавзунинг асосий тушунчаларини ўзлаштирадидилар. 2. Мавзуга доир аниқ билимлар доирасига эга бўладилар. 3. Мавжуд билимлари билан эгалланганларини таққослайдилар. 4. Эгалланган билимлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. 5. Мавзу юзасидан умумий хулосаларга келадилар 	
Таълим бериш усуллари	Мунозара, суҳбат, тезкор-сўров	
Таълим бериш шакллари	Оммавий, гуруҳларда ишлаш.	
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, маркерлар, эксперт топшириқлари	
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория	
Назорат ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

**“Касбий педагогиканинг назарий асослари” мавзусидаги
семинар машғулотидаги технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талаба фаолияти
Тайёрлов босқичи	<p>Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.</p> <p>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).</p> <p>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (3-илова).</p>	
1. Ўқув машғулотида кириш босқичи (10 дақ)	<p>1.1. Машғулоти мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг ахамиятлиги ва долзарблигини асослайди.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради (4-илова).</p>	Саволларга жавоб берадилар.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Талабаларни 5та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради (2-илова). Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида такдимот тайёрлашини айтади.</p> <p>2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади (3-илова).</p> <p>2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Такдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.</p> <p>2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар такдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокама-сини жамоага ҳавола этади.</p> <p>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.</p>	<p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Топшириқлар бўйича ишлайдилар.</p> <p>Фаол қатнашадилар, такдимот учун материаллар тайёрлайдилар.</p> <p>Гуруҳдан сардор танлашади, унинг такдимотида ҳамкорлик қиладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p>
3. Яқиний босқич (20 дақиқа)	<p>3.1. Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.</p> <p>3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия</p>	Тинглайдилар.

	этади.	
--	--------	--

1-илова

**“Касбий педагогиканинг назарий асослари”га доир тоифалаш
жадвалини тўлдириш**

“Касбий педагогика” тушунчаси	Касбий педагогика – педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида	Касбий педагогиканинг асосий категориялари	Касбий педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари	Касбий педагогика ривожига доир хориж тажрибаси

Гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Шеригингизни диққат билан тингланг.
2. Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
3. Агар ёрдам керак бўлса, албатта муурожаат қилинг.
4. Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
5. Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- бошқаларга ўргатиши орқали ўзимиз ўрганамиз;
- биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Экспертнинг гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Макс. балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш				
		1	2	3	4	5
Ахборотнинг тўлиқлиги	3 б.					
Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши	1 б.					
Гуруҳнинг фаоллиги	1 б.					
Балларнинг максимал суммаси, жами	5 б.					

Мавзу юзасидан тезкор сўров саволлари

1. “Педагогика” ва “Касбий педагогика” тушунчаларининг фарқини кўрсатинг.
2. Касбий педагогиканинг фалсафий асосларини нималар ташкил этади?
3. Касбий педагогиканинг умумий илмий-тадқиқот методларига нималар киради?
4. Касбий педагогиканинг хусусий илмий-тадқиқот методларига нималар киради?

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг узига хослиги.

II.3. Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони:28 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Семинар машғулотининг режаси	1.Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти. 2.Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмлари. 3. Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва раванқ топиши.
Ўқув машғулотининг мақсади: “Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги жамиятда педагоглик касби ва унинг асосий вазифаларитўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: 1.Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти тушунтиради. 2.Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмлари билан таништиради. 3. Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва раванқ топишини тушунтиради.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: 1.Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳиятини изоҳлайди. 2.Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмларига таъриф беради. 3. Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва раванқ топишини изоҳлайди.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Қандай техникаси, ФСМУ техникаси
Ўқитиш воситалари	Проектор, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Дарсининг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Семинар машғулотининг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Семинарнинг бўйича «Қандай» техникаси усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти. (4-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Семинар бўйича « Қандай » усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмлари (6-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.3. Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва равнақ топиши. (7-илова). “ФСМУ” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (8-илова) Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Кўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс- мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.

	эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (9-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “инсерт” усулида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (10-Илова).	”Инсерт” усулида жадвални тўлдирди.

1-илова

МАВЗУ: Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги жамиятда педагоглик касби ва унинг асосий вазифалари.

Режа

1. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмлари.
3. Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва равнақ топиши.

Ўқув машғулотининг мақсади: Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги жамиятда педагоглик касби ва унинг асосий вазифалари тўғрисидаги билимларни шакллантириш.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларга Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмлари ҳамда педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва равнақ топишини изоҳлаб берилди

2-илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».


12 – 10 балл – «яхши».

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти.

1992 йил июл ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди. Бироқ, 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда, бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги маълум бўлди ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш зарурлиги белгиланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади – таълим соҳасини тўблан ислох қилиш. уни ўтмишдан қолган мафқуравий қараш ва сарқитлардан

4-илова

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий, таркибий қисмлари.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс эттирувчи андоза, лойиҳа ҳисобланади .

1.Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчидир.

2.Давлат ва жамият таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир.


3.Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Фан юқори малакали мутахассисни тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи бўлиб, «кадрлар тайёрлаш миллий тизимида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлардан фойдаланишни, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини шакллантиришни, улардан таълим тизимида унумли фойдаланишни, илмий-педагогик ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва обрўсини оширишни ва шу кабиларни камраб олади

«Қандай» органайзерини тўлдиринг

6-илова

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



7-илова

Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва равнақ топиши.

Диалог – икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро оғзаки гаплашиши.

Диалогик нутқ – нутқ турларидан бўлиб, бунда сўзловчилар баробар тенг, биргаликда фаоллик кўрсатади.

Доминант шахс – бошқалар билан муомала ва муносабат ўрнатишда ўз фикрини ўтказиш хислатининг ёрқин намоён бўлиши.

Ёш психологияси – турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Ёш даври низолари – ўзига хос, унча узокқа чўзилмайдиган онтогенез давлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар юз беради.

Жамоа – мақсадлари жамият мақсадига мс келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи.

Жамоанинг негизи – умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришаг тааллуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари.

Йўналиш – шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини аниқ шароитлардан қатъи назар маълум йўлга йўналтирувчи барқарор мотивлар йиғиндиси.

Индивидуаллик – индивиднинг бошқалардан фарқланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги, қайтарилмаслиги.

Идрокнинг константлиги – идрок шароити ўзгарса-да, идрок қилишдан

ҳосил бўлган нарса образларнинг нисбатан ўзгармаслиги.

Идрокнинг предметлилиги – жамики оламдан олинган маълумотларни ички олам объектига киритиш хусусияти.

Идрокнинг бутунлилиги – сезги аъзларига бевосита таъсир этиб турган объектларни, уларнинг белги ва хусусиятлари билан биргаликда кўшиб идрок этиш.

Истеъдод – шахснинг маълум фаолиятда ифодаланадиган қобилиятининг юқори даражаси.

Ижтимоий психология – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

Ижтимоий тасаввурлар – шахсга жамият орқали таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

Илмий таҳмин – текшириш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида илгаридан кутилиши мумкин бўлган ҳолатнинг башорат қилиниши.

Ижтимоий психологик эксперимент – асосий методлардан бири бўлиб, ўзгарувчан мустақил турли ҳолат ва жараёнларнинг бошқа номуустақил ҳолат ва жараёнларга таъсир этишдаги аниқ маълумотларига таянади.

Интерактив – шахслараро муносабатларда бир-бирига хулқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

Интроверт шахс - шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.

Касб – фаолият шакллари бирлашмаси бўлиб, мазмун, воситалар, ташкилотлар, меҳнат натижалари ҳамда меҳнат субъектини тайёрлашга қўйиладиган талаблар мажмуи.

Контент-анализ – текширилаётган матнда сўз, ибора, абзацларни маъно-моҳиятини такрорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

Кузатиш – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, гуруҳ билан боғлиқ равишда текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

Коммуникатив – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.

Кичик гуруҳ – аъзолари биргаликдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахслараро муносабатда бўлувчи кишилар гуруҳи.

Кўникма – одаменинг маълум ишни бажаришга тайёрлигида кўринадиган қобилияти. К. маҳоратнинг асосини ташкил этади.

Лонгитюд тадқиқот – синалувчини узоқ муддат ва доимий равишда ўрганш.

Метод – билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Методология – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндисидир.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

Мотивация – одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуи.

Малака – машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усуллари.

Меҳнат психологияси - киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганадиган фан.

Меҳнат фаолияти психологияси – бу психологиянинг бир соҳаси бўлиб, инсон шахсини меҳнат субъекти сифатидаги шаклланиши хусусиятларини, меҳнатнинг шарт-шароитлари, йўллари ва усулларини илмий жиҳатдан ўрганади.

Меҳнат – инсон эҳтиёжини қондириш асосида ташқи оламни ўзгартиришга қаратилган мақсадли фаолият.

Мутахассислик – фаолиятнинг аниқ шакли бўлиб, меҳнат эгасининг касбий тайёрлиги, меҳнат воситалари, меҳнат жараёни ва мақсадининг махсус хусусиятлари билан белгиланади.

Меҳнат субъекти (эгаси) – бу фаол ҳаракат қилувчи, англаш ва ўзгартиришга лаёқатли, онг ва ирода билан иш олиб боровчи индивид ёки ижтимоий гуруҳ.

Мулоқот – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши.

Меланхолик - темперамент турларидан бири бўлиб, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, хатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.

Монологик нутқ – бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.

Монолог – маърузачи томонидан нутқ сўзланиши, маърузачи актив, тингловчи пассив бўлган жараён.

Мобил шахс - шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг юқори даражада кузатилиши.

Негативизм - индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилиши.

Норасмий – одамларнинг биргалиқдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.

Новербал - нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.

Низолар – ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама-қарши туриши, бунда фикрлар, позициялар, қарашлар тесқариллиги кузатилади.

Низо турлари – низоларнинг кимлар орасида юзага келишига кўра фарқлари: шахслараро, гуруҳлараро, шахсий, этник, миллий; намоён бўлиш

хусусиятига кўра: очик, ёпиқ, узоқ муддатли, қисқа; мавқе ёки даражага кўра: вертикал ва горизонтал; йўналишига кўра: деструктив ва конструктив.

Низо босқичлари – уч босқичда, яъни низо олди, низо ва низодан кейинги босқичлар.

Низо ҳал этиши йўллари – комромисс, яъни келишув; жойида ҳал этиш; низодан чекиниш; орқага суриш; қочиш.

Оператив хотира – хотира турларидан бири бўлиб, фаолият бажариш жараёнида узоқ хотирадан вақтинча фойдаланилади.

Оила – турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ.

Психика – юксак даражада ташкил топган материя, миянинг функцияси бўлиб, унинг моҳияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.

Психик жараёнлар – у ёки бу психик махсулт ва натижаларни (психик образлар, ҳолатлар, тушунчалар, ҳиссиёт ва х.к.) ҳосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.

Психология – одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳолатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

Психик ҳолатлар – психик ҳаёт шакллари, диққат, ҳиссиёт, ирода жараёнларига айтилади. П.Ҳ. (хушчақчақлик, рухланиш, сиқилиш, зийраклик, қатъийлик, тиришоқлик в.б.) шахсларда маълум даражада барқарор бўлиб, уларнинг муайян хусусиятига ҳам айланиб қолади.

Пилотаж тадқиқот – тадқиқотнинг муаммоли изловчи тури, асосий тадқиқотгача ўтказиладиган ва соддалаштирилган шакли.

Психодиагностика – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули.

Психология методлари – психик ходисаларни ва уларнинг қонуниятларини илмий томондан ўрганишнинг асосий йўл-йўриқ ва усуллари.

Психокоррекция – шахснинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усулларини қўллаш жараёни.

Психологик хизмат – психологияни амалиётда қўллаш тизими. У турли соҳаларда диагностика, консултация, экспертиза вазифаларини бажаради.

Психологик маслаҳат - шахснинг турли даражадаги ўз муаммоларини яқка тартибда психолог билан таҳлил этишига қаратилган психологик хизмат тури.

Полилог – гуруҳ ичидаги мунозара бўлиб, барча иштирокчилар фаоолашуви кузатилади.

Перцептив томон – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок этишга қаратилган жараён.

Профессиография - меҳнат субъектининг фаолият таркиблари (унинг мазмуни, воситалари, шароитлари, ташкилот) билан ўзаро муносабати ва

боғлиқлигини ўрганиш ва аниқлашга қаратилган комплекс метод.

Профессиограмма - касбнинг турли объектив характеристикаларининг таснифи.

Психограмма - фаолиятнинг психологик характеристикаларининг таснифи.

Ригид шахс – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг паст даражада кузатилиши.

Расмий – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимоотида мавқе, мартабанинг инобатга олиниши

Реал – биргаликдаги фаолият жараёнида бевосита мулоқот амалга ошиши имконияти.

Референт гуруҳ – шахснинг ҳар томонлама ишонган, ўзига яқин тутган гуруҳи.

Сангвиник – темперамент турларидан бўлиб, чаққон, ҳаракатчан, таассуротлари тез ўзгарадиган, бошқаларга нисбатан дилкашлик, меҳрибонлик хислатлари билан характерланади.

Саноат психологияси – саноат ва ишлаб чиқаришда турли юзага келадиган муаммо ва ҳолатларни психологик ва ижтимоий омилларини таҳлил қилиб олишга қаратилган хизматлари тури.

Симпатия – бир кишида бошқасига нисбатан кузатиладиган мойиллик ва ёқимлилик ҳисларининг ички намоён бўлиши.

Социология – жамиятда юз берадиган турли-воқеа-ходисаларни ва ўзаро муносабатларни ўрганишга қаратилган фан.

Сўров – асосий методлардан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

Таълим масканлари психодиагностикаси – шахсни таълим тизимда қобиляти, иқтидори, истеъдодини аниқлаб олиш мақсадида олиб бориладиган психологик хизмат тури.

Тест – синалувчини текшириш жараёнида махус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

Тушунча – нарса ва ходисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккурнинг мантиқий шакли.

Тушуниш – бирор нарсанинг маъноси ва аҳамиятини англаш қобиляти, асосий эришилган натижаси.

Тахлил – тафаккур қилиш усули, бунда мураккаб объектлар қисмларга бўлиниб ўрганилади.

Таққослаш – нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга асосланган фикрлаш операцияси.

Тренинг – машқ қилмоқ, гуруҳларда мулоқотнинг самарали ташкил этиш усули бўлиб, шахснинг мулоқотга ўргатиш ва обрўли бўлишини

ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

Темперамент – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, у кишида фаолият ва хулқ-атворнинг динамик ва эмоционал томонлари билан характерланади.

Тобе шахс – мулоқот ва бошқа жараёнларда шахсда кўникувчанлик, бошқа кишиларга боғлиқлик, фикрига бўйсунуш хусусиятларининг таркиб топиши.

Умумлаштириш – воқеликдаги нарса ва ходисларни умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.

Уюшганлик - гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини англашлари.

Установка – йўналиш, кишининг теварак-атрофдаги одамларга ва объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни идрок қилиш, уларга баҳо бериш ва уларга нисбатан ҳаракатининг тайёрлик ҳолати.

Фаолият – инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта қуришга йўналтирилган фаоллиги.

Фаоллик – тирик материянинг умумий хусусияти, теварак муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади.

Флегматик – темперамент турларидан бири бўлиб, ҳаракатлар секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.

Характер – кишидаги барқарор психик хусусиятларининг индивидуал бирлиги бўлиб, шахснинг меҳнатга, нарса ва ходисаларга, ўзига ва бошқа кишиларга муносабатларида намоён бўлади.

Ҳаракат – мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси. Ҳ. Онгли фаолиятнинг таркибий қисмлари ва мотивларидан биридир.

Хулоса чиқариш – тафаккурнинг мантиқий шаклларида бўлиб, бир қанча ҳукмлар асосида маълум хулоса чиқарилади. Х.ч. индуктив, дедуктив ва аналогик турларга ажратилади.

Холерик – темперамент тури бўлиб, ҳиссиёт жўшқинлиги, кайфиятнинг тезда ўзгариши, ҳиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умуман ҳаракатчанлиги билан ажралиб туриши хосдир.

Шахс – ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам.

Шахс ижтимоийлашуви - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.

Шахслараро муносабат – мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсир этиш натижасида рўй берадиган ижтимоий-психологик ходисалар.

Шакллар – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалга ошиши кўзда тутилади.

Шаклланганлик - одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ психологик жараён.

Шартли – одамларнинг турли белги, фаолият шакллариغا кўра бирор гуруҳга тааллуқли деб қараш.

Эмоция – одам ва хайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ва ташқи кўзғолувчилар таъсирига жавоб реакцияси.

Эгоцентризм – мен, марказ маъносида индивидуализм ва эгоизмнинг энг тубан тури.

Экстрове́рт шахс – шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг юқорилиги.

Эмпатия – бошқа одамларнинг психик ҳолатини тушуниш қобилияти.

Ўқиш – шахснинг билим ва фаолият усуллари эгаллашга ҳамда уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш жараёни.

Ўйин – фаолият турларидан бири бўлиб, болаларнинг катталар фаолиятини, иш ҳаракатларини акс эттиришда ифодаланадиган ва атрофни билишга қаратилган фаолиятдир.

Ўз-ўзига баҳо бериш – шахснинг ўз-ўзига баҳо бериши.

Қобилият – шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирор фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусияти.

Қизиқиш – шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли нарса ёки ходисаларга муносабати.

Қобилиятлар – шахснинг маълум фаолиятдаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусияти.

«Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» сўзлари арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ меъёрлари мажмуидир. Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш функцияларини бажаради.

Бакалаврият- ўрта махсус, касб-хунар таълими негизда олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимидир.

Билиш, англаш-дунё ҳақидаги янги билимлар ҳисобланадиган субъект ва объектнинг ўзаро таъсирини, воқеликнинг руҳиятда қайта таъсир этилиши ва акс эттириш жараёнидир.

Дарс- маълум мақсад асосида, белгиланган вақтда алоҳида, бир хил ёшдаги ўқувчилар, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган таълим жараёни.

Дарслик- махсус равишда ўқувчилар учун ёзилган китоб дарслик деб

аталади.

Жамоа-инсонпарварлик ва *жавобгарлик* маъсулиятларига боғликлиги билан характерланадиган муносабатлар ҳамда ҳамкорликдаги ижтимоий ижобий фаолиятига асосланган, кишиларнинг ташкил этилган умумийлиги, жамоасидир.

Идрок- мазкур муддатда сезги органларида уларнинг бевосита таъсир этиши давомидаги бир бутун ходисалар ёки нарсаларнинг инсон онгида акс этишидир.

Мақсад-бўлғуси натижалар ҳақида ҳар доим ақлан ўйлаб қурилган, ривожлантирилган ҳаёлий тасаввурлар, келгусидаги режалар.

Шахс динамикаси - кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган ҳолда субъектнинг хусусиятлари ва сифатининг вақтга нисбатан ўзгариш жараёни.

Шахсий фазилат - шахс томонидан ўзининг ахлоқий, рухий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий ахамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Этикод - шахс амал қиладиган билим, тамойил ва ходисаларнинг қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

Эвристика илмий тадқиқотнинг мантиқий усуллари ва методик кўрсатмалари.

Эмпирик - тажрибага асосланган.

Эмпирик босқич тадқиқот объекти тўғрисида ҳар томонлама тасаввур ҳосил қилиш, таълим амалиёти, илмий билимлар савияси ва ходисалар моҳиятига эришишга бўлган талаб ўртасидаги зиддият, илмий муаммони номлаш.

Эстетик тарбия - гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдан гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

Эҳтиёж - индивиднинг бирор нарса-ходисага муҳтожлиги ва кишининг рухий қуввати ҳамда фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

Эхтимоллик - тасодифийлик, педагогик ҳаётдаги ўзгаришларни аниқ айтиб бериш мумкин бўлмаган, эхтимол кутилган жараён.

Уйин фаолиятини бир тури бўлиб, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш - шахснинг ўз психологик сифатлари, ҳулқи, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, кадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

Ўз-ўзини тарбиялаш 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, рухий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

Ўқитиш - таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти.

Ўқитиш - 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) талаба ва ўқитувчи, талабанинг бошқа талабалар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-муҳит, унинг қонуниятлари, тараққиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усуллари билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти - ижтимоий педагогик феномен бўлиб, ижобий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

Ўқитиш вазифаси - таълимий, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари.

Ўқитиш турлари - соқратча суҳбат методи, қолақ таълим, изохлаш-намойиш этиш асосида ўқитиш, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, ўқув жараёнини алгоритмлаш, дифференциацияли ҳамда индвидуал таълим ва бошқалар.

ЎҚИШ – ўқувчининг ўз қобилияти, билими, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракат.

Талабаларни касбга йўналтириш - талаба-ёшларга келажакда ўз касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш техник тадбирларнинг асосланган тизими.

Ўқув-билиш фаолияти - инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият.

Ўқув фаолияти шахснинг янги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёни.

Қизиқиш - шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли.

Халоллик - шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгуйлик билан сақлаш.

Ҳасад - ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган туйғу.

Педагогиканинг назарий вазифаси - илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Педагогиканинг технологик вазифаси - диагностика сатҳ - педагогик ходисалар ҳолатини аниқлаш; башорат қилиш сатҳи - педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиха сатҳи - педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характери асосида уларга мувофиқ методик материаллар (ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув кўпланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш; яратувчилик сатҳи - педагогик фан ютуқларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбиқ этиш; рефлексик тузатма (корректировка) сатҳи - илмий

тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

Педагогика фани - махсус институтларда (оила, таълим ва тарбия, маданият муассасалари) мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган реал, яхлит педагогик жараён.

Педагогик жараён - таълим масалалари, унинг тараққиётини хал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик жараён тамойиллари - педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиқ беради.

Педагогик ихтисослик - таълим натижаси ўлароқ билим, малака ва кўникмалар мажмуидан иборат бир касбий гуруҳ доирасидаги фаолият тури.

Педагогик ихтисослашиш - педагогик ихтисослик доирасидаги фаолиятнинг бир тури.

Педагогик малака - муайян тоифадаги вазифаларни хал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

Педагогик масала - педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадини кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

Педагогик маҳорат - педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Педагогик мулоқот - таълим оловчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг кўп қиррали жараёни.

Педагогик такт - шахслар фаолиятини турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, талабалар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

Педагогик техника –

1) ҳар бир таълим оловчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишнинг самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси;

2) ҳар бир таълим оловчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жихатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

Педагогик тизим - шахсни ривожлантириш ва яхлит педагогик жараённи бирлаштирган таълимнинг ўзаро боғланган ташкилий тузилмаси.

Педагогик фаолият - таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик уйин - билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

Педагог нуқтаи назари (позицияси) - педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган интеллектуал ва хиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – ўқитувчининг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Проектив малака - малаканинг махсус тури бўлиб, кутилган педагогик натижаларни аниқ таълим ва тарбия режаларида акс эттиради.

Прескрептив - меъерий.

Психология - 1) шахснинг объектив борликни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар туплами; 3) психика, характер хусусияти, кўнгил хазинаси.

Рационализация - методларни ёки бирор иш - ҳаракатни такомиллаштириш.

Релаксация - кучли ҳаяжон ва жисмоний зуриқишдан сўнг енгил юриш, тинчланишнинг умумий ҳолати.

Ретроспектив - ўтмишга мурожаат этиш.

Рухий педагогик тайёргарлик - педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини, шахсни ижтимоийлашуви ва тараққиёти қонуниятлари, таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсади ва технологик ғояларини билиш.

Сухбат - кузатув жуда етарли даражада аниқ, бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот методи.

Тадқиқот объекти - зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга мухтож объект.

Тадқиқот предмети - бевосита ўрганилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган объектнинг моҳияти, маълум бир томони, хусусияти.

Тайзик ўтказиш - уятга қўйиш, айбдорлик хисси ёки кўнгли чукканларнинг фикри, хиссиёти, интилиши ва мойилигги уларнинг онгидан ҳалос қилиш.

Такаббур - ўз манфаатларини юқори қуувчи, манман шахс.

Такт - мисли кўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

Таълим - 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявий-ахлоқий

кадр, малака, кўникма, ахлоқ меъерларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустакил тизим Тарбия - 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ, таъсир этиш;

2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

Педагогик фаолият - таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик уйин - билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

Педагог нуктаи назари (позиция) - педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараён бўлган интеллектуал ва хиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – ўқитувчининг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Тафаккур инсон ақлий фаолнятнинг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ходисаларни билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни хис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа ходисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, ҳулоса шаклларида намоён бўлади.

Темперамент - 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган турғун индивидуал хусусиятларининг қонуний муносабатлари;

2) шахснинг динамик хусусиятлари: интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Ижтимоий фанлар кафедраси

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича проректор
Ф.ф.д Х.Зайнутдинов.

« ____ » _____ 2014 йил

Талабалар рейтинг тизими бўйича билимини баҳолаш

Мезони

Тошкент - 2014

235

Ушбу Низом ижтимоий фанлар кафедраси йиғилишида «28» июнь 2014 йилдаги йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Иш баёни №14 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги №276 сонли буйруғи, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ва 2005 йил 3 декабрдаги «Тиббиёт олий ўқув юртларида талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида Намунавий Низом»га асосан ишлаб чиқилди.

1. Умумий қоидалар

1.1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

1.2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари:

Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилиқ ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштиришини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) ўқув жараёнининг ташкилиш ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш..

1.3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

1.4. Талабалар билимини 100 балли рейтинг тизими орқали баҳолаш фанларни чуқур ўзлаштириш, топшириқлар ва уй вазифаларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш ва ишлашни кўзда тутувчи, умумий ўқув юкламасини ҳисобга олиш, ўз билими ва кўникмаларини мунтазам равишда оширишга интилиш, ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни шакллантиришга эришилади.

2. Баҳолаш мезонлари

Талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ)
- машғулотлардан бўш вақтда талабалар мустақил ишини баҳолаш
- оралик баҳолаш (ОБ)
- якуний баҳолаш (ЯБ)

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр (йил цикл) давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

№	Баҳолаш тури	Максимал балл
1	Жорий баҳолаш	55
2	Талабанинг мустақил иши	5
3	Оралик баҳолаш	10
4	Якуний баҳолаш	30
	ЖАМИ	100

Талабанинг фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар-бир баҳолаш турларида тўплаган баллар йиғиндисига тенг бўлади.

ЖОРИЙ БАҲОЛАШ (ЖБ)

ЖБда фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билими ва кўникмаларини аниқлаб бориш кўзда тутилади ва у амалий, семинар машғулотларида амалга оширилади. Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив услубларида қатнашишнинг фаоллик даражаси, шунингдек амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси (яъни назарий ва амалий ёндашувлар) ҳисобга олинади.

ЖБ ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оғзаки, ёзма иш, тест ёки уларнинг комбинацияси шаклида амалга оширилади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт.

ЖБ да максимал балл - 55 балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ЖБ (саралаш)	55	30,2
2	Қоникарли	56-70	30,8-38,5
3	Яхши	71-85	39-46,7
4	Аъло	86-100	47,3-55

Талаба дарсга келиб унга мутлоқ тайёрланмаганида ва муҳокамада мутлоқ иштирок этмаганида – 10-20 балл қўйилади.

Саралаш бали 55 бални ташкил этади.

ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ (ТМИ)

Талабанинг мустақил иши ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 25.08.2010 йил 333-сонли буйруғи ва институт ректори томонидан 2014 йил 3 сентябрда тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” асосида ташкил этилади.

Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

Талабанинг мустақил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва 1 йил мобайнида сақланади.

Ижтимоий фанлар кафедраси барча фанлар учун талаба мустақил ишининг кафедра низоми ишлаб чиқилади. Бунда талаба мустақил ишининг шакл ва турлари, ҳар бир иш турига соатларни тақсимлаш ва аниқ баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

ТМИ максимал балл 5 - балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ТМИ	55	2,75
2	Қониқарли	56-70	2,8-3,5
3	Яхши	71-85	3,5-4,2
4	Аъло	86-100	4,3-5

ОРАЛИҚ БАҲОЛАШ

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими ёки қисми бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш қобилияти аниқланади.

Семестр давомида 1 та ОБ ўтказилади. ОБга ўқув машғулотларидан қарзи бўлмаган талабалар қўйилади.

ОБ кафедра мажлиси қарори билан ёзма иш, тест, оғзаки суҳбат шаклларида ёки уларнинг комбинацияларида ўтказилиши мумкин. ОБ бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба ЯБга қўйилмайди.

ОБга максимал балл – 10 балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ОБ	55	5.5
2	Қониқарли	56-70	5.6-7
3	Яхши	71-85	7.1-8.5
4	Аъло	86-100	8.6-10

ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ

ЯБ да талабанинг билим, кўникма ва малакалари фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯБ фан бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг ўтказилади.

ЖБ, ТМИ ва ОБ га ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯБ га иштирок этишга ҳуқуқ берилади.

ЯБ ўтказиш шакли – тест, оғзаки, ёзма иш ёки ушбу усуллар комбинациясида Илмий Кенгаш қарори билан белгиланади.

ЖБ, ОБ ва ЯБ турларида фанни ўзлаштира олмаган (55%дан кам балл тўплаган) ёки узрли сабаблар билан баҳолаш турларида иштирок эта олмаган талабаларга қуйидаги тартибда қайта баҳолашдан ўтишга рухсат берилади:

- қолдирилган амалий машғулот келгуси дарсга қадар гуруҳ ўқитувчисига қайта топшириш ва маслаҳат кунида топширилади. 3та машғулотни қолдирган талаба факультет декани рухсати билан қайта топширади.
- семестр якунида фан бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.
- академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин декан рухсатномаси асосида қайта ўзлаштириш учун 2 ҳафта муддат берилади. Шу муддат давомида ўзлаштира олмаган талаба белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади (биринчи курс талабаларига ўқув йили якунлари бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир).

ЯБга максимал балл – 30 балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ЯБ	55	16.5
2	Қониқарли	56-70	16.7- 21
3	Яхши	71-85	22- 25.5
4	Аъло	86-100	26-30

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Фандан рейтинг назорати бўйича якунловчи қайднома варақаси (ведомость) фан тугаган кундан 1 кун муддатда кафедрада 2 нусхада тўлдирилади ва масъул ходим, кафедра мудири томонидан имзоланиб, 1 нусхаси деканатларга топширилади.

Талабанинг фан бўйича баҳолаш турларида тўплаган баллари рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режасида ажратилган соат” устунига фанга ажратилган умумий юклама соатлари, “Фандан олган баҳо” устунига эса, талабанинг мазкур Низомининг 3.1. – бандига мувофиқ 100 баллик тизимдаги ўзлаштириш бали қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши “Рейтинг дафтарчаси”да қайд этилмайди.

Деканат ва кафедралар томонидан белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ЖБ, ОБ ҳамда ЯБ турларида кўрсатилган ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичларининг мониторинги олиб борилади. Ўзлаштириш натижалари кафедралар томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишда ёритиб борилади ва белгиланган тартибда қайдномаларга киритилади. Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда тўлдириш вазифаси кафедра мудури ва факультет декани зиммасига юклатилади.

Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари олий таълим муассасасининг Илмий кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади.

Кафедра мудури и.ф.н.

К.К.Исмаилов

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Ўзбекистон», 1997. 29 август. -7 бет.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Т. 1997. 29 август. 9-10 бет.

Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. 63 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008. - 173 б.

II. Асосий адабиётлар:

1. Ибрагимов Х, Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. Т., 2008 йил.
2. Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи Т., 2005 йил.
3. Мавлонова Р, О. Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика дарслик. Т., 2001 йил.
4. Тожибоева Д, Юлдашев А, Махсус фанларни ўқитиш методикаси (дарслик) лотин Т., 2009 йил.
5. Омонов Х.Т, Хўжаев Н.Х, Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2009 йил.

3. Қўшимча адабиётлар:

1. Ҳолиқов А, Педагогик маҳорат, Т., 2011 йил.
2. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Т., 1996 й.
3. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуродова Қ., Педагогика маърузалар матни. Т., 2000 й.
4. Б. Зиёмухаммедов, Педагогик маҳорат асослари, Т. 2009 йил
5. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 123 б.
6. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 234
7. Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003. – 344 б.
8. Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. – Т., 2003. – 216 б.
9. Очилова Г. Педагогика. Т.: 2005
10. Проф. М.Х. Тохтаходжаева Педагогика. – Т., 2010.
- Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарипов Ш.С. Касбий педагогика (маърузалар матни). –Т.: “Ofset-print” матбааси, 2001. –100 б
11. Олимов Қ. Т. Касб таълими услубияти. Ўқув қўлланма. –Т.: 2006. 164 б.
12. Шарипов Ш. ва б. Касб таълим педагогикаси (методик қўлланма). - Т.: ТДПУ, 2006 й.
13. Рашидов Ҳ.Ф. ва бошқалар. “Касбий педагогика” блокани ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма (Малака ошириш ва қайта тайёрлаш

курслари учун). –Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. – 200 б.

14. Нишоналиев У.Н. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2007й.

15. Абдиқуддусов.О., Рашидов. Ҳ. Касб-хунар таълими педагогикаси. Ўқув қўлланма.. ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти, Т. – 2009. 120 б.

III. Интернет сайтлари

1. www.inetlibrary.com. Интернет-кутубхона
2. www.tdpu.uz
3. www.pedagog.uz
4. www.Ziyonet.uz
5. www.edu.uz
6. tdpu-INTRANET.Ped

IV. Электрон дарслик ва ўқув қўлланма.

1. Очилова Г. Педагогика. Т.: 2005
2. Хайитов О.Э. Психодиагностика. Т.: 2005

V. Хорижий адабиётлар.

1. Бодрев, Зазюка. Основы педагогического мастерства. М.: Просвещение, 1989.
2. Азаров Ю.П. Культура воспитани: Учитель. М.: Просвещение. 1985.
3. Амонавшен Ш.А., Единство цели.. М., Просвещение. 1987.
4. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. – Санкт Петербург, 2002.
5. Педагогика профессионального образования. // Под. ред. В.А.Сластенина. – М.: Академия, 2004.

Фойдали маслаҳатлар

Ҳозирги кунда таълим жараёнида янги услубларни қўллашга бўлган кизиқиш кундан – кун кучайиб бормоқда, анъанавий таълимдан фақат тайёр билимларни эгаллашга ўрганган бўлса, бугунги кунда талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш уларда бошқарувчилик, йўналтирувчилик кўникмаларини шакллантиради. Шундан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил ишлаш учун уйга вазифалар берилиши, интернет сайтлари тавсия этилиб улардан турли материалларни олиб дарс жараёнида фойланишлари мумкин.

Маърузалардаги катта ҳажмдаги слайдларни кўчиришга кўп вақт сафрланишини олдини олиш учун слайдларни амалий машғулотларда бериш мақсадга мувофиқдир.

Фанларни ўқитиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларга амал қилингани ҳолда анъанавий усуллар, давра суҳбати, кластер, баҳс – мунозара, ақлий хужум, матбуот конференцияси, тақдирот каби замонавий педагогик технология воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фанларни ўзлаштириш мобайнида интерфаол усулларнинг турли шаклларида, воситаларида, кўргазма қуроллардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

МАЪЛУМОТНОМА

Юсупова Нигора Эркиновна



22.11.2004 дан

Тошкент фармацевтика институти “Ижтимоий” фанлар кафедраси ўқитувчиси

Туғилган йили:
08.06.1980

Туғилган жойи:
Тошкент шаҳри

Миллати:
Ўзбек

Партиявийлиги:
йўқ

Маълумоти:
Олий

Тамомлаган:
2005 йил, Тошкент давлат педагогика институти (кундузги)

Маълумоти бўйича мутахассислиги: педагогика

Илмий даражаси:
Йўқ

Илмий унвони:
йўқ

Қайси чет тилларини билади:
рус тили

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):
Йўқ

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим)
Йўқ

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1998-2002 йй- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси

2004-2005 йй- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогик университети магистранти

2004-2014й Тошкент фармацевтика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти

2014- ҳ.в й Тошкент фармацевтика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи

**Юсупова Нигора Эркинованинг яқин қариндошлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Қариндошлиги	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи
Отаси	Азимов Эркин Вахидович	1938 йил, Тошкент шаҳри	Пенсияда	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мудофаатчилар 1-уй 2014 йилда вафот этган
Онаси	Азимова Раиса Махмудхановна	1949 йил, Тошкент шаҳри	2000 йилда вафот этган (Сотувчилар тайёрлаш курсида ўқитувчи)	
Опаси	Азимова Гулнора Эркиновна	1973 йил, Тошкент шаҳри	Темирйўл поликлиникаси хамшира	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мудофаотчилар 1- уй
Опаси	Азимова Дилдора Эркиновна	1976 йил, Тошкент шаҳри	Уй бекаси	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мудофаатчилар 1-уй
Синглиси	Азимова Камола Эркиновна	1986 йил, Тошкент шаҳри	Уй бекаси	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани Мудофаатчилар 1-уй
Турмуш ўртоғи	Юсупов Орифжон Абидович	1977 йил, Тошкент шаҳри	Тадбиркор	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Матлюбот 48-уй
Қизи	Обиджонова Фарзона Орифжон қизи	2000 йил, Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар 298-мактаб ўқувчи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Матлюбот 48-уй
Қизи	Обиджонова Сакина Орифжон қизи	2005 йил, Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар 298-мактаб ўқувчи	Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Матлюбот 48-уй
Қайнотаси	Юсупов Обиджон Ғофурович	1934 йил, Тошкент шаҳри	2009 йилда вафот этган (темир йўлда проводник)	
Қайнонаси	Юсупова Мамлакат Ахроровна	1938 йил, Тошкент шаҳри	1996 йилда вафот этган (уй бекаси)	